

O‘ZBEKISTON ISSN 2181-502X **QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI**

№8. 2023

UZUMZORLAR - OLTIARIQ MO‘JIZASI





ҚАСБ БАЙРАМИ МУНОСИБ ҚАРШИЛАНМОҚДА

Зеро, ана шу азаматлар саъй-ҳаракати билан мамлакатимиз бўйлаб йил сайин кўплаб катта-кичик замонавий ирригация ва мелиорация иншоотлари барпо этиляпти. Каналлар ва зовурлар қазилиб, сув омборлари қуриляпти, аввалдан мавжуд сув объектлари таъмирланиб, реконструкция қилинаётир.

Республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби, Жиззах вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва 2023 йилги Давлат дастури доирасида воҳа бўйлаб 29 та ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш белгиланган. Бу борадаги ишларни ўз вақтида ва сифатли якунига етказиш учун давлат бюджети ва маҳаллий маблағлар ҳисобидан салкам 176 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

– Зиммамизга 2023 йилда ирригация соҳасида жами 12 километр узунликдаги канал қуриш ва реконструкция қилиш, 1 та сел сув омбори, 2 та насос станциясини барпо этиш, 3 та сув омборида реконструкция ишларини амалга ошириш, 2,7 километр узунликдаги сув йўллари қирғоқларини сел-тошқиндан ҳимоялаш ишларини бажариш вазифаси юкланган, – дейди “Жиззах сувқурилиш инвест” ДК директори Азамат Қаршибоев. – Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига ушбу ишлар учун ажратилган 118,7 миллиард сўм маблағнинг 65,8 миллиард сўми ёки 55 фоизи ўзлаштирилди. Бошқача айтганда, йилнинг орта қолган даврига мўлжалланган ишлар 107 фоизга уддаланди.

Ўзбекистон Республикасида август ойининг иккинчи якшанбаси Қурилиш соҳаси ходимлари куни этиб белгиланган. Ушбу санани юртимизнинг барча қурувчилари қаторида сув хўжалиги соҳасида бунёдкорлик ишларини амалга ошириб келаётган пудратчи корхоналар, уларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи-хизматчилар ҳам кенг нишонлашади.

Жиззахлик сувчи-қурувчиларнинг мелиорация объектларин қуриш, реконструкция қилиш ва тизимли таъмирлаш борасида эришган натижалари ҳам эътирофга лойиқ. Улар томонидан жорий йилда 19 та мелиорация объектида жами 466,7 километр ёпиқ-ётиқ дренаж, 841,2 километр узунликдаги коллектор тармоқларидаги ишларни амалга ошириши, 260 та кузатув қудуқларига дайвер қурилмаларини ўрнатишлари кўзда тутилган. Бу йўналишда йилнинг биринчи ярми учун белгиланган режа 130 фоиз, тизимли таъмирлаш ишлари 82 фоизга бажарилгани аҳамиятлидир.

Кези келганда, Жиззах воҳаси сув хўжалиги тизимида янги объектларни қуриш, эскиларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасидаги ишларга жиддий синов – тендер асосида энг салоҳиятли, моддий-техника базаси мустаҳкам, соҳада ўзига яраша тажриба тўплаган қурувчи-пудратчи жамоалар саралаб олинганини таъкидлаш керак.

– Пахтакор тумани ҳудудидаги 6 километрдан ортиқ коллектор тармоғини қуриш ва реконструкция қилишни гарданимизга олганмиз, – дейди ана шундай корхоналардан бири – “Сангзорбулоқ” МЧЖ бошлиғи Баҳодир Маматқулов. – Объектдаги ишларни амалга ошириш учун 2 та қудратли экскаватор ва бошқа техникаларимизни жалб этдик. Ишларни муддатидан анча олдин, Мустақиллик байрами нишонланадиган кунлар арафасида топширишни кўзлаб турибмиз.

Яқунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жиззах вилоятида ирригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг самараси ўлароқ, 24 минг 200 гектардан ортиқ экинзорнинг сув таъминоти, 17 минг 90 гектар ернинг эса, мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**АГРАР СОҲАДА ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕГРАЦИЯ
ҚИЛИШ ОРҚАЛИ СИФАТ ВА
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш ва унинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кафолатли меҳнат бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Соҳадаги илмий тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш, илм-фан натижаларини амалиётга жорий қилиш, кадрлар тайёрлашда агрокластерлар, кооперативлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг реал эҳтиёжларини инобатга олишнинг қуйидаги янги механизми 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб жорий этилсин:

а) олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик, илм-фан ютуқлари, инновацион технологияларни жорий қилиш, инсон ресурсларини ривожлантириш масалалари янги ташкил этиладиган агрокластерлар, кооперативлар ва соҳадаги бошқа йирик корхоналар фаолиятини ташкил этишда лицензия ва рухсат этиш тартиб-таомиллари шартларидан бири этиб белгиланади;

б) аграр фан ва таълим соҳасида самарали ҳамкорлик қилган агрокластерлар, кооперативлар, хўжалик бирлашмалари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тизими йўлга қўйилади, унга кўра:

қўшма илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш, илм-фан ютуқларини жорий этиш бўйича агрокластерлар, кооперативлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари

иборат илмий-инновацион гуруҳлар ташкил этилади;

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази ҳузурида халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан илмий-инновацион гуруҳлар томонидан илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш, илм-фан ютуқларини жорий этиш ва тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фонд (кейинги ўринларда — Махсус фонд) ташкил этилади. Бунда, Махсус фонд томонидан биринчи босқичда ҳар бир лойиҳанинг энг кўп миқдордаги қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 баравари этиб белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) 2023 йил 1 сентябрга қадар илмий-инновацион гуруҳларни Махсус фонд маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини тасдиқласин ҳамда 2023-2024 йилларда халқаро молия институтларининг 5 млн АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағларини Махсус фондга йўналтирсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб идоровий мансублигидан қатъи назар олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги ўз ечимини кутаётган муаммолар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганган ҳолда илмий лойиҳалар ва диссертациялар мавзуларини шакллантириш ҳамда уларни, қоида тариқасида, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш тизими жорий қилинади;

соҳадаги диссертациялар мавзулари муаммоларнинг илмий-амалий ечимига қаратилган бўлиши, уларнинг натижадорлигини таъминлаш, амалиётга татбиқ қилиш учун масъулият ушбу

лойиҳа тайёрланган муассасалар зиммасига юклатилади;

2023 йилдан бошлаб, халқаро молия институтларининг қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестиция ва грант (техник кўмак) лойиҳаларини шакллантиришда фан-таълим компонентлари, қоида тариқасида, кўзда тутилади.

3. Қуйидагилар:

Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ;

Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов):

а) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги барча тадқиқотлар «Озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқланиш ва маҳсулотлар зарарсизлиги», «Иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш», «Фермерлар даромадини ошириш ва қўшилган қиймат яратиш» йўналишлари бўйича белгиланган дастурлар доирасида олиб борилишини ҳамда эълон қилинадиган илмий фаолиятга оид дастурлар бўйича қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат йўналишидаги лойиҳаларни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда молиялаштиришни ва йил бошидан амалга оширишни ташкил этсин;

б) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат йўналишидаги амалий ва инновацион лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш тизимини жорий этсин;

в) уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳалари бўйича лойиҳаларни шакллантиришнинг амалдаги механизмини қайта кўриб чиқиб, унга тегишли ўзгартиришлар киритсин;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари тўлов-контрактлари тушумидан Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилган ажратмаларни мазкур олий таълим муассасалари ўқув-услубий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш чораларини кўрсин;

д) хориждаги етук илмий марказлар, компаниялар, университетлар ва институтлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ҳамда аграр соҳадаги долзарб мавзулар, жумладан қишлоқ хўжалигида геоахборот ва замонавий агротехнологияларни жорий қилиш бўйича қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш кўламини кенгайтирсин;

е) Фанлар академияси (Б. Юлдашев) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаси бўйича 2024 — 2027 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантирсин ва уларнинг грант танловлари белгиланган тартиб ва муддатларда ўтказилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда фаолият юритаётган «Агробанк» АТБнинг агромарказлари ва фермерлар мактаблари, Савдо-саноат палатаси тизимидаги саноат парклари ва инкубацион марказлар, Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, ўсимликлар ва ветеринария клиникалари томонидан кўрсатилаётган хизматларни қамраб олган ҳолда агрохизматлар марказлари ташкил этилсин.

Бунда 2023-2024 йилларда:

агрохизматлар марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур лаборатория-таҳлил жиҳозлари билан таъминлаш Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

агрохизматлар марказларига жалб этилган юқори малакали мутахассислар, илмий ва педагог ходимларнинг асосий иш жойи сақланган ҳолда уларга бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб, аграр тадбиркорлик субъектлари, халқаро молия институтлари ва бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақлари ва устамалар тўлаш тизими жорий этилади.

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) уч ой муддатда Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида (Capacity Building Center) вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалар раҳбар ва мутахассисларининг, шунингдек, агрокластер-

лар, кооперативлар, хўжалик бирлашмалари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг касбий компетентлиги ва истиқболли бизнес лойиҳаларини шакллантириш бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйсин. Бунда:

ўқув курсларини ташкил этиш, унга илғор хорижий давлатларнинг юқори малакали мутахассислари ҳамда маҳаллий экспертларни жалб этиш билан боғлиқ харажатлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга Давлат бюджетидан ажратилган ҳамда бюджетдан ташқари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

ўқув курслари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (AKIS) ҳузуридаги Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликда илғор технологиялар ўқув маркази билан биргаликда ташкил этилади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳузурида Буюк Британия таълим тизими асосида ихтисослашган Халқаро мактаб (кейинги ўринларда — Халқаро мактаб) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда:

Халқаро мактаб ўқувчиларининг умумий контингенти, ўқувчиларни қабул қилиш тартиби халқаро шартнома талаблари асосида Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

Халқаро мактабга белгиланган синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб 1-синфдан ҳамда 5-синфдан қабул қилинади;

Халқаро мактабда таълим стандарти, ўқув режа ва дастурлари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишган ҳолда жорий этилади;

Халқаро мактаб юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил нодавлат умумтаълим муассасаси ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширади;

Халқаро мактаб фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар (қурилиш, ўқув анжомлари, лаборатория жиҳозлари ва асбоб-ускуналари ҳамда бошқалар билан таъминлаш) Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ

хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов):

Европа Иттифоқининг «Бюджетни қўллаб-қувватлаш» дастури ва Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида жалб этилган грант маблағлари ҳамда хусусий сектор сармоялари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий давлатларга иқтидорли талабалар, тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларини амалиёт ўташга (стажировкага), магистратура ва докторантурада ўқиш ҳамда малака оширишга юбориш чораларини кўрсин;

Фанлар академияси (Б. Юлдашев) билан биргаликда аграр соҳадаги олий таълим муассасалари магистрантларининг тегишли мутахассисликлар бўйича амалий машғулотлари 50 фоизини илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этсин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, хусусий корхоналарга, истисно тариқасида, талабаларнинг ойлик маош тўланадиган малакавий (ишлаб чиқариш) амалиётини ташкил этиш тавсия этилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали негизида Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда, мазкур институт Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М. Убайдуллаев) аграр соҳадаги олий таълим муассасаларида хусусий секторни жалб этган ҳолда илмга асосланган амалиётга йўналтирилган агротехник, зооветеринария ва бошқа хизматлар кўрсатишни хорижий тажрибада ўзини оқлаган «Спин-офф», «Соил-доктор» услубиёти асосида йўлга қўйсин. Бунда:

профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида талаба ёшларнинг дарсдан бўш вақтида ўз ихтисослиги бўйича назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш ҳамда уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш имкониятларини яратиш назарда тутилади;

ушбу хизматларнинг ахборот дастурий таъминотини ишлаб чиқиш халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан, моддий-техника базаларини яратиш ва керакли жиҳозларни харид қилиш оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) 2023 — 2026 йилларда халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан ўқув-тажриба ишларини ташкил этиш мақсадида кичик технопарклар ташкил этиш учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари талабномаларига асосан қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан мини-техника ва агрегатларини олиб бериш чораларини кўрсин.

Бунда, Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат марказига бериладиган машина ва агрегатларнинг дастлабки намуналаридан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ер майдонларида ўқув малакавий ва тажрибасинов мақсадларида, истисно тариқасида, бепул фойдаланилади;

б) бир ой муддатда Буюк Британия таълим тизими асосида Халқаро мактабни ташкил этиш ҳамда аграр соҳадаги олий таълим муассасаларида қўшма дастурларни йўлга қўйиш бўйича Буюк Британиянинг «UK graduate» институти, «Gloucestershire» (Глостершир) университети ва «IQF — Integrated qualifications framework» халқаро компанияси билан халқаро битимни имзоласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг:

аграр соҳадаги муаммоларнинг илмий-амалий ечимлари билан шуғулланаётган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида илмий изла-нишларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун идоралараро Қишлоқ хўжалиги фундаментал тадқиқотлар марказини (Centre Of Excellence) ҳамда унда биотадқиқотлар ва технологиялар бўйича замонавий лабораториялар

мажмуасини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган қишлоқ хўжалиги экинларининг бирлашган Генбанкни ташкил этиш;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга экинлар селекцияси ва уруғчилигини илмий асосда йўлга қўйиш мақсадида Тошкент давлат аграр университе-тининг Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва уруғшунослик маркази, Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази, Ўзбекистон-Сербия қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги илмий маркази ва Ўзбекистон-Туркия пистачилик илмий маркази фаолиятини мувофиқлаштирувчи Дала экинлари уруғчилиги миллий тадқиқот мажмуаси дирекциясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилаётган тузилмалар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар (қурилиш, лаборатория ва қайта ишлаш, қадоқлаш жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан таъминлаш) Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 июль,*

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ПАРЛАМЕНТДА ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси бундан уч йил олдин тасдиқланган бўлиб, соҳани барқарор ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев 2023 йил 25 июль кунини Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдида ҳисобот берди.



Таъкидландики, сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан йилига ўртача 7,9 млрд куб метр сув иқтисод қилинишига эришилди. Жумладан, 2023 йилнинг апрель-июнь ойларида сўғориш ишларига жами 12 млрд. 728 млн. куб метр сув етказиб берилди. Бу даврда 3,1 млрд. куб метр сув тежалди.

2021-2022 йилларда 398 та ирригация объектлари учун 1 632,2 млрд. сўм, 185 та мелиорация объектлари учун 657,9 млрд. сўм маблағ ажратилган. 2022 йил якуни билан ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича 1 681,2 млрд. сўм (йиллик лимитга нисбатан 103%) капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида 648,9 минг гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 350,6 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Сув хўжалиги вазирилиги тасарруфида 1 688 та насос станцияси бўлиб, электр энергияси харажатларини тежаш – муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. 2021 йил-

да электр энергия лимити 7 300 млн.кВт.соат миқдоридан белгиланган (амалда 7 281,1 млн.кВт.соат сарфланган) бўлса, 2022 йилда 7 150,0 млн.кВт.соат электр энергия лимити тасдиқланган ва амалда 6 759,0 млн.кВт.соат сарфланган.

Жорий йил учун 7 145 млн.кВт.соат лимит ажратилган бўлиб, насос ва электродвигателларни янгилаш, конденсатор қурилмаси ва частота ўзгартирувчи қурилмаларни ўрнатиш, эскирган кабелларни янгилаш каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида январь-июнь ойларида 3 308,2 млн.кВт.соат электр энергияси сарфланиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,9 млн.кВт.соат электр энергияси тежалди.

2022 йил якуни билан 4 180 та (55 фоиз) сув хўжалиги объектларида “Ақлли сув”, 1 435 та (86 фоиз) насос станцияларида сувни онлайн назорат қилиш қурилмалари ҳамда 4 224 та (104 фоиз) мелиоратив кузатув қудуқларида “Дайвер” қурилмалари ўрнатилди. Шунингдек 44 та (104 фоиз) йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди.

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига 2 061 та (19 фоиз) сув хўжалиги объектларида “Ақлли сув”, 11 та (4 фоиз) насос станцияларида сувни онлайн назорат қилиш қурилмалари ҳамда 1 080 та (51 фоиз) мелиоратив кузатув қудуқларида

“Дайвер” қурилмалари ўрнатилиб, 1 та (5 фоиз) йирик сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёнларини тўлиқ автоматлаштирилди.

2023 йилда 300 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 260 минг гектарда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш белгиланган.



Тасдиқланган манзилли дастурларга асосан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига жами 200,1 минг гектар майдонда, шундан 36,0 минг гектар майдонда томчилатиб, 12,7 минг гектар майдонда ёмғирлатиб ва 1,7 минг гектар майдонда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 117,1 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

Шунингдек, жорий йилда 17,6 минг гектар майдонда кўчма эгиловчан қувурлар орқали, 14,9 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари амалга оширилмоқда.

2021-2022 йилларда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича 752,9 млрд. сўм ёки йиллик лимитга нисбатан 103 фоиз маблағлар ўзлаштирилиб, 32 300 км (режага нисбатан 107%) коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 1 173 та гидротехник иншоотлар, 2 274 та кузатув ҳамда 455 та тик дренаж қудуқлари таъмирланди ва тикланди.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида республика бўйича жами 347,3 минг га (режага нисбатан 183%) ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилган ва ўзлаштирилган.

2021 йилдан 2023 йилнинг 1 июль ҳолатигача бўлган даврда хорижий кредитлар ҳисобидан жами 287,8 млн доллар (режа 696,7 млн доллар) ўзлаштирилди. Бу даврда 1007,82 км узунликдаги каналлар, 1521 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилинди, 134 та вертикал суғориш қудуқлар бурғиланди ҳамда 11 153 га суғориш

майдонлари лазерли ускуналар ёрдамида текисланди.

2021-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини татбиқ этиш бўйича жами режа 72 та бўлиб, амалда 170 та (режага нисбатан 236,1 фоиз) лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланган. Бунда 230,6 км ирригация ва 538,6 км мелиорация иншоотлари, 120 та насос станциялар, 130 та қудуқлар хусусий сектор бошқарувига берилган.

Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 трлн. 326,2 млрд.сўм бўлиб, дастлабки йилларда 168,6 млрд.сўм инвестиция маблағлари киритиш белгиланган.

Шунингдек, хусусий шериклар томонидан 2021 йилда 18,6 млрд.сўм ва 2022 йилда 47,2 млрд.сўм, жорий йилда 2,5 млрд.сўм, жами 68,3 млрд.сўм инвестиция маблағлари киритиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида модернизация қилиш ишлари амалга оширилди.

2023 йил 1 июль ҳолатига 300 та насос станцияларни бошқарувга бериш бўйича хусусий ташаббускорларнинг кафолат хатлари олинди, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан “Йўл харита”си ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.



Шунга кўра, бугунги кунга қадар 243 тасида лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб тасдиқланди, шу жумладан, 150 таси тегишли хулоса олиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритилган, 15 таси бўйича хусусий шериклар билан битимлар имзоланди.

Парламент эшитуви савоб-жавоб ва муҳокамаларга бой ўтди. Депутатлар сув хўжалигини ривожлантириш, сувни тежайдиган теҳнология жорий этилишини кенгайтириш, рақамли теҳнология бўйича ишларни жадаллаштиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурдилар.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**

АВГУСТ – ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

Июль ойидаги аномал иссиқ ҳарорат, сув танқислиги, ўргимчаккана ва кўсак қуртининг кескин кўпайиб кетиши пахтакор фермерларни жиддий синовдан ўтказди. Бу эса ғўза парваришида август ойида бажариладиган тадбирларнинг аҳамиятини янада оширди. Негаки, чигит экиш ишлари мақбул муддатларда ўтказилгани, май ойининг нисбатан салқин келиши, июнь ва июль ойлари иссиқ жазирама билан ириқ об-ҳаво алмашилиб туриши натижасида республикамиз далаларида ғўзада мўл ҳосил тўпланишига шароит яратилди. Шунинг натижасида июль ойи бошларидан далаларда ҳар туп ғўзада 1-3 донагача кўсак, 15-20 донагача гул ва шона каби ҳосил элементлари шаклланди. Лекин бундай об-ҳаво шира, трипс, ўргимчаккана ва кўсак қурти каби хавфли зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиб кетишига ҳам олиб келди. Айниқса, сув етишмаслиги ғўза далаларидаги ҳосилга салбий таъсири кузатила бошлади. Хуш шундай шароитда пахта ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш учун август ойида қандай юмушларни амалга ошириш керак? Булар ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, бегона ўт ва зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ишларини сифатли ва ўз муддатида бажарилишини тақазо этади. Яъни, пахта ҳосилининг мўл ва эртаги муддатларда пишиб етилиши, унинг сифати юқори бўлиши айти шу ойда қилинадиган меҳнат натижаси билан ўлчанади.

Шу сабабли август ойида ғўза агротехникаси юқори талабларга мувофиқ бажарилса, унинг ривожини тезлашиб, кўсакларга янги-янги кўсаклар қўшилади, уларнинг салмоғи ҳам ошади, толаси ҳам пишиқ бўлиб етилади. Ушбу масъулиятли ойда барча пахтакор деҳқонларнинг, мутахассис ва масъулларнинг ўрни далада бўлиши, айниқса сувчи, механизатор, агроном ва энтомологлар ўз ишига ўта жиддий ёндашмоғи даркор.

Бу ойда ғўзани қондириб суғориш, тупроқни оби-тобида культивация қилиш, ғўза қатор орасини майин юмшатиш, зарарли ҳашаротлардан кўсак қурти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора

шира кабиларнинг хуружидан ишончли ҳимоя қилиш, вилт ва бошқа хавфли касалликларга қарши чоралар кўриш талаб этилади.

Август ойида ғўза қатор ораларида кеч ёзги бегона ўтлар шўра, итузум, қўй печак, ғўмай ва бошқалар зўр бериб ўсиши пахта ҳосилини камайтиради, зарарли ҳашаротлар кўпайиши ва яхши қишлоғга киришига олиб келади. Бегона ўтлар жуда тез ўсиши натижасида ғўзанинг ривожини сусайтириб, ҳашаротларни кўпайтириб, кўсакларнинг пишиб етилишини кечиктириб, терим пайтида ҳам қийинчилик туғдиради, ҳосилнинг сифатини пасайтиради. Шу сабабли ҳар бир дала яна бир марта кўздан кечирилиб, суғоришдан кейин бегона ўтларни қўлда юлиб олиш, ўроқ билан ўриш ва барча пайкаллар бегона ўтлардан тўлиқ тозаланган бўлишига муҳим эътибор қаратилиши шарт.

Суғориш сувларидан ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш (70% чириган ғўнг) ҳам жуда муҳим бўлиб, бунда суғориш шарбат усулида олиб борилса, намлик узоқроқ сақланади, суғоришлар ораллиғи узаяди, ғўза тез чанқаб қолмайди, ҳосил элементларини камроқ тўкади, ёш тугунчалар тезроқ кўсакка айланади, янги кўсаклар кўпроқ пайдо бўлади.

Шу ойнинг бошларида ривожини кечроқ бўлган далалардаги ғўзаларни чилпиш ишларини якунига етказиш лозим. Кечки далаларда пахта эрта пишиб етилиши таъминлаш мақсадида, чилпишда Сожеан, Энтожеан ва бошқа таркибиде мепикват хлорид бўлган препаратлар билан 90-100 г/га меъёрда 250-300 л сув билан ишчи аралашма тайёрланиб, бир гектар майдондаги ғўзаларга ОВХ ва бошқа пуркаш мосламалари билан ишлов берилиб амалга оширилса, унинг ривожини 7-8 кунга тезлашади, ҳосилдорлик 3-5 ц/га ва ҳаттоки 7-8 ц/га ортишига эришилади. Бу эса ривожини кечки далаларда ҳам эртаги ва юқори ҳосил етиштиришга замин тайёрлайди.

Бу ойда кўпгина далаларда ғўзани сифатсиз суғориш олиб бориш ҳисобига ғовлай бошлайди,

ҳосилини тўкиши, бу эса кўсак қуртининг хаддан зиёд кўпайишига олиб келади. Ушбу муаммони бартараф этишда ҳам кимёвий препаратлардан фойдаланиб чилпиш ўтказишнинг самараси катта.

Айниқса, август ойида ғўзани оби-тобида суғориш жуда муҳимдир. Яъни, ғўзани чўллатиб ҳам кўллатиб ҳам суғориш мутлоқо ярамайди. Акс ҳолда, гул, тугунча ва ёш кўсақлар тўкилиб, етарлича ҳосил тўпланмайди, ғўзанинг биомас-саси ортиб, кўсақларнинг очилиши кечикиб, паст-дагиларида чириш ҳолати кузатилади, ҳосилга путур етади.

Шу кунларда ғўзани тунги суғориш жуда яхши самара беради, лекин бу пайтда сувни назорат-сиз қолдириш ярамайди, исрофгарчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Тунги суғоришда ғўза қониб сув ичади, сувдан оқилонга фойдаланилади, кундузи далаларда қулай микроклим вужудга келади, ғўза туну-кун ўсиб-ривожланади.

Ғўзанинг сувга келганини деҳқонларимиз оқ гули тепага чиқиб кетишидан ва ғўза ран-ги тўқ тусга киришидан билишади.

Турли вилоятларда ғўза навларининг хусу-си-ятларидан келиб чиқиб, суғориш меъёри гуллаш-ҳосил тўплаш даврида гектарига 900-1100, пи-шиш даврида 700-800 кубометрни ташкил этиши тавсия этилади.

Ғўзанинг ҳосил тўплаш даврида суғориш муддатлари кечикиши ҳисобига 6-7 ц/га ҳосил йўқотилади, тез-тез суғориш ҳам зарарли бўлиб намлик ортиб кетишидан ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Август ойида кечки, ривожланиши орқада бўлган ғўза қатор орасини ишлов ишларини давом эттириш, айниқса 90 см қотор оралари, ғўза туплари орасида ҳаво алмашинувини яхшилайди, кўсақларга иссиқ ҳаво ва шамол тегиб, тез етилади. Агар қатор ораларида ғўза туплари тутшиб-бирлашиб кетмаган бўлса, бундай да-лалар 1-2 марта культивация қилиниши мумкин. Культивация шундай ўтказилиши керакки, ғўза тупларига зиён етказмасин, кўсақларни тўкмасин. Бунда культиватор ишчи органлари сирти ях-шилаб, силлиқ қилиб ўралиши, ғилдираклар олди сўйри қилиб ҳимояланиши, ғўза шохлари ва ҳосил элементларига зарар етказмайдиган бўлиши лозим.

Шу даврда культивацияни чуқур ўтказиш ҳам шарт эмас, яъни культивация юзaroқ ўтказилиши

лозим. Юза культивация далани машина те-римига яхши тайёрлаш имконини бериб, пахта териш машиналарининг бир текис юришини таъминлайди.

Қатор оралиғи 60 см ва қўш қатор қилиб экилган майдонлардаги ғўза шохлари бир бири билан туташгандан сўнг, культивация ўтказилмайди, чунки трактор ўтиши на-тижасида пояларни пайхон қилиб, ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Шу даврда кундузлари ҳаво иссиқ ва қуруқ бўлса-да, тунлари анча салқин бўлиши кузатила-ди. Бундай шароитда кўсак курти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира каби зараркунанда-лар тезда кўпайиб, зарар етказиш даражаси ор-тиб боради. Шу сабабали зарарли ҳашаратларга қарши курашни янада кучайтириш зарур. Чунки озгина эътиборсизлик тўпланган ҳосилнинг 30-40 фоизи бой берилиши мумкин.

Зараркунандаларга қарши курашишда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот ин-ституту олимлари тавсиясига асосан, биологик кураш усулидан фойдаланиш, биопрепаратлар-ни қўллаш, зарурият туғилганда, ҳашаротлар сони иқтисодий зарар етказиш мезонидан ортиб кетганда кимёвий воситаларни қўллашга рухсат бериш мумкин.

Ғўзани август ойида парваришlashда ўтказиладиган агротехник тадбир пахтани ма-шина теримига мос қилиб етиштиришга имкон беради. Тавсия этилган ишларни тўлиқ ва ма-ромида бажарилмасликка мутлоқо йўл қўйиб бўлмайди, чунки ҳосил тақдири шу ишларга боғлиқлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Бу жараёнда соҳа мутахассислари, фермер хўжалиги раҳбарлари, сувчилар механизатор-лар, энтомолог агрономлар масъулият билан ишга ёндошишлари керак, ҳам доимий эътибор, уюшқоқлик ва бирдамлик ўта муҳим. Бефарволик ва бефарқлик фақат зарар келтиради. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал қилинадиган шу кунларда ав-густ ойининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, буни яхши анлаган пахтачилик кластерлари миришкор деҳқон ва фермерлари ҳосил салмоғи ва сифатини оширади, пировардида кузда юз-лари ёруғ, хирмонлари баланд, даромадлари баракали бўлади.

**Шухрат АБДУАЛИМОВ, қ.х.ф.д., проф.,
Феруза ҲАСАНОВА, қ.х.ф.н., проф.,
ПСУЕАИТИ.**

ЧИЛПИШ – МУҲИМ ТАДБИР



Дўзанинг бўйи 70-80 см гача ўсиб, 11-12 ҳосил шохи шакланганда ҳосил элементларини кўпайтириш, тезроқ кўсакка айлантириш ва пишиб етилишини жадаллаштириш учун чилпиш тадбири алоҳида аҳамиятга эга.

Жорий йил чилпиш тадбирини эртароқ ўтказиш орқали, ўзанинг ўсиши ва ривожланишини янада тезлаштириш мумкин. Шунда ҳосил элементлари тўкилиши камаяди, гул ва кўсақлар сони ошади, ўза зараркундаларнинг салбий таъсири камаяди, кўсақларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади, ҳосилдорлик гектаридан 3-4 центнердан 6-8 центнергача ортади.

Чилпиш кўлда, механизм ёрдамида ёки Сожеан, Энтожеан ва бошқа таркибда мепикват хлорид бўлган ретардантлардан фойдаланиб, кимёвий усулда амалга оширилиши мумкин.

Дзани чилпишни кечиктирилиши ёки сифатсиз ўтказилиши оқибатида пояси бўйига ўсиб ғовлаб кетади, пахта ҳосили 15-20 фоиз камайиб, пишиб етилиши 7-10 кунга кечикиб, кўсақлари кичрайиб, вазни камайиб, ўза сербарг бўлиб, кўсақлар қобиғи қалинлашиб, ҳашаротларни, жумладан кўсақ куртани ўзига кўпроқ жалб этади.

Дза навлари хусусиятларига қараб унумдор тупроқларда бир туп ўзада 12-13 дона ҳосил шох, ўртача унумдор тупроқларда 11-12 дона ҳосил шох ва унумдорлиги паст ерларда 10-11 ҳосил шохи тўпланганда чилпиш ўтказиш тавсия этилади. Қўшқатор усулда экилган ерларда бу тадбирни ўза тупида 9-10 дона шох

ҳосил бўлганда ўтказиш мумкин.

Чилпиш кўлда ўтказилганда ўза бош поясининг энг учки 1-2 см қисми (бироз оқиш рангли бўлади) юлиб (чимдиб) олиниши керак. Агар шундай қилинмай поянинг уч қисми чуқур 5-10 см юлиб олинса, ўзага салбий таъсир этиб, бир-икки дона шона ва гул ҳам юлиб ташланади. Бу эса тўлиқ пишиб етилиши мумкин бўлган 3-5 ц/га ҳосилнинг бой берилиши демакдир. Шу сабабли фермерлар ва мутахассислар чилпишни бошлашдан олдин дала ишчилари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши ва чилпиш жараёнини жиддий назорат қилишлари, бу усулда чилпишни бир-икки марта такрор ўтказилиши талаб этилади.

Механик усулда чилпиш ўзанинг юқори қисмини кесиб ташлаш учун махсус мосламани культиваторнинг олд қисмига ўрнатилган ҳолда амалга оширилади. Бундай чилпишда ўзанинг бўйи жуда баланд ўсиб кетган далаларда унинг бўйига мосланиб амалга оширилиши ҳамда ўзанинг уч қисмининг ортиқча кесилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Чилпишнинг кимёвий усули бу энг самарали ва замонавий усул бўлиб, бунда таъсир этувчи моддаси мепикват хлорид бўлган ретардантлардан фойдаланилади. Бунинг учун Сожеан ёки Энтожеан ва шунга ўхшаш препаратлар суғоришдан 5-7 кун аввал ёки суғоришдан 5-7 кун кейин ОВХ ва бошқа пуркагич мосламаларда 250-300 л/га сувга аралаштирилиб сепилади. Шунда дорилар ўзанинг барги орқали яхши сингиб, танаси бўйича бир хил тарқалади ва ўсимлик хужайраларининг бўлинишини тўхтатади, натижада ўза бўйига ва ёнига ўсишдан тўхтади, барглари тўқ яшил ранга киради, ўсимликнинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши жадаллашиб, тупи ихчам арчасимон шаклда бўлиб, қаторлар орасида ҳаво алмашинуви ва микроклим яхшиланади, ўзанинг тепа қисмида 3-4 дона бўлиқ кўсақ пайдо бўлади. Энг асосийси пишиб етилиши 7-8 кунга тезлашади, биринчи терим салмоғи 6-7 центнерга, умумий ҳосил 3-8 ц/га ортиб, пахтани қисқа муддатларда юқори навларда йиғиштириб олишга имконият яратилади.

Пахтакор фермерлар юқоридаги тавсияларга амал қилган ҳолда чилпиш тадбирини ўтказишса, ўза ривожининг кечкилигига қарамасдан, эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга эришадилар.

Шуҳрат АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
ПСУЕАИТИ.



ЃЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯСИНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ

Дефолиациянинг аҳамияти

Мамлакатимизда куз фасли ёгингарчиликли кунларнинг эрта бошланиши туфайли ғўза тупидаги юқори ярусида жойлашган кўсақлар фойдали ҳароратни ололмай очилмай қолиши ва кутилган ҳосилдорликка эришилмай қолиш эҳтимоли жуда юқоридир. Боз устига пахта йғим теримида у қўлда ёки терим машиналарида бўлсин қийинчиликлар юзага келиб, жараён узоқ давом этиши ва етиштирилган ҳосил далада қолиб кетиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, ғўза қатор ораларига бошоқли дон экинлари токи пахта ҳосили биринчи теримини териб олмагунича экиш учун техника киритиб бўлмаслиги бизга маълум. Терим жараёни узоқ давом этса, кузги бошоқли донни экиш муддати ҳам кечикади ва пировард натижада ундан кутилаётган дон ҳосилдорлиги кескин тушиб кетади. Ѓўза сифатли дефолиация қилиниб, барглари тўктирилса, бу муаммо бартараф бўлиб, ҳар иккала экин ҳосилдорлигининг сифатли ва мўл бўлишлиги таъминланади.

Чунки, ўз муддатида ва сифатли ўтказилган дефолиация тадбири ҳисобига, ўсимлик тана-сидаги физиологик жараёнлар, хусусан ферментлар фаоллиги тезлашиб, барглар тўкилади, натижада биринчи терим салмоғи 20-25% гача ошиб, етиштирилган пахта ҳосилининг 90-95 фоизи юқори саноат навларига топшириш имконияти яратилади. Шу билан биргаликда пахта ҳосилини машинада ва қўлда қисқа муддатларда йғиб-териби олишга, кузги бошоқли дон экинларини эртаги муддатларда экиш ва кузги юмушларни қулай муддатларда бажарилишига замин яратилади.

Дефолиацияни ўтказиш учун далани тайёрлаш

Ѓўза дефолиациясини ўтказиш учун фермер хўжалигининг ҳар бир контури алоҳида ўрганилиши ва ўтказиш муддати белгиланиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, дефолиация ўтказиладиган барча ғўза майдонлари бегона ўтлардан тўлиқ тозаланган бўлиши шарт.

Диққат! Уруғлик учун қолдирилган дала-ларда ғўза дефолиацияси асосий уруғлик пахта тўлиқ йғиштириб олингандан сўнг ўтказилса, қолган кечки кўсақларнинг тезроқ очилишини таъминлайди.

Дефолиациядан олдин дала четлари, суғориш ариқлари ва ўқариқлар ҳамда трактор айланадиган дала четлари майдончалари сифатли текисланиши керак. Дала атрофи 8-12 метр кенгликда десикация қилиниб, ғўза туплари йғиштириб олинishi ва дала четига чиқарилиши лозим.

Дефолиация самарадорлигича таъсир этувчи асосий омиллар

Шуни билиш керакки, ғўза дефолиацияси самарадорлигига бирнеча омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг дастлабкиси ҳаво ҳароратидир.

Ҳаво ҳарорати дефолиация самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳар бир дефолиант ўзининг кимёвий хусусияти ва таъсир этиш механизмидан келиб чиқиб, ҳароратга турли даражада талабчан бўлади.

Масалан, Хлорат асосли (СуюқХМД, УзДЕФ, ПолиДЕФ, ФандЕФ ва бошқа) дефолиантлар ҳаво ҳарорати **17°C** даражадан юқори бўлганда

яхши самара бериб, ҳарорат пасайганда унинг таъсири камаяди. Агарда ўртача ҳарорат **15°C** дан паст бўлса, дефолиант таъсир кучини тамоман йўқотади. Авгурон-Экстра, Далрон Супер, Д-экстра, Хим-экстра 54%, ДЕФ 54% с.к., Дропп-плюс ва шунга ўхшаш бошқа ғўзага юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар эса ҳаво ҳарорати **20°C** дан юқори бўлганда ижобий самара бериб, ҳарорат пасайганда унинг таъсири ҳам камаяди. Агарда ўртача ҳарорат **17°C** даражадан паст бўлса, ушбу юмшоқ таъсир этувчи дефолиантлар таъсир кучини тамоман йўқотади. Шунинг учун дефолиациядан **7-10 кун** олдин ҳаво ҳарорати тўғрисидаги аниқ башоратни олиб, дефолиантларни қайси турини қўллаш ва муддатларини белгилаш тизимини тайёрлаш лозим. Агар, дефолиациядан кейин 1-2 кун ичида ёғингарчилик кузатилса ёки ҳаво ҳарорати кескин пасайса, ушбу далада қайта дефолиация ўтказишга тўғри келади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда дефолиантлар меъёрини кўпайтириб қўллаш ҳам салбий оқибатларга олиб келади ва ҳосилдорликни камайтиради. Шунингдек, ҳаво ҳарорати паст бўлганда дефолиантларни кам меъёрда қўлланилиши эритма самарадорлигини пасайтириб, харажатларни ошишига олиб келади. Шу сабабли, дефолиация агротадбирини иштирок этадиган ҳар бир мутахассис ҳаво ҳарорати башоратини аниқ билиши ва шу асосида дефолиантлар меъёрини белгилаб, назорат қилиб бориши зарур.



Иккинчи омил бу тупроқ намлигидир. Унинг дефолиация самарадорлигига таъсири жуда катта. Шу боис дефолиация даврида тупроқ намлиги чекланган дала нам сифими (ЧДНС) га нисбатан 60-65% ёки юрганда тракторнинг тупроқда энгил изи қоладиган даражада бўлиши

керак. Агар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60% дан паст бўлса, ўсимликнинг барги ва танасидаги суюқлик концентрацияси ортиб, дефолиантларнинг ўсимликка сингиши сусаяди ва унинг самараси пасаяди. Аксинча, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% дан ортиқ бўлса, ўсимликдаги суюқлик концентрацияси пасайиб, у ҳолатда ҳам дефолиантларнинг таъсири янада камаяди.

Эслатма! Ўта қуруқ тупроқли далаларни дефолиациядан 10-12 кун олдин энгил суғориш ва 1-теримни термагунча қайтиб суғормаслик талаб этилади. Агарда кўсаклар очилиш даражаси дефолиация қилишга мақбул бўлиб, аynи чоғда тупроқда намлик етарли, бироқ тупроқ нам сақлаш қобилияти паст ва тез кунларда сувга келадиган бўлса, ундай далаларга дефолиациядан сўнг 12-14 кундан сўнг энгилгина суғориш ҳам яхши самара беради.

Учинчи омил даладаги кўчат қалинлигидир. Ғўза экилган майдонларда кўчат қалинлиги ҳам дефолиантлар меъёрини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Агар кўчат қалинлиги ошиб борса, гектар ҳисобига майдондаги барг юзаси ҳам ошиб боради ва дефолиантлар меъёрини бироз (10-15%) оширишга тўғри келади. Қўшқатор экилган, кўчат қалинлиги 140-160 минг тупдан юқори бўлган майдонларда дефолиантлар меъёри 20-25 фоизгача ошириш ижобий натижа беради.

Дефолиация тадбирини ўтказишда унинг мақбул муддат ва меъёрни тўғри белгилаш энг муҳим шартлардан биридир. Дефолиация муддати жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ғўза навларининг морфо-биологик хусусиятларига қараб белгиланади. Турли ғўза навларига дефолиантлар ҳам турлича таъсир этади. Масалан ўртапишар, барги катта ва қалин, сербарг навлар дефолиантларга камроқ таъсирчан, тезпишар, барги кичик ва юпқа навлар кучли таъсирчан бўлади. Шу боис дефолиантларга таъсирчан навларга камроқ меъёрларда дефолиант қўлланилса ҳам бўлади. Ғўза навларининг биологик етилганлиги ҳам муҳим кўрсаткич бўлиб, **45-50 фоиз кўсаклар очилган муддат биологик етилган ҳисобланади ва дефолиация шундай пайтда юқори самара беради.**

Дефолиация учун ишчи эритмани тайёрлаш тартиби

Дефолиация сифатини таъминловчи омиллардан бири — бу ишчи эритмани тўғри тайёрлашдир. Бунда эритма тайёрловчи махсус марказлашган ҳовузлар ёки металл идишлар бўлиши керак. Эритмани тайёрлаш 3 босқичда амалга оширилиб, бунда идишлар ва сунъий ҳовузлар сони ҳам 3 тани ташкил этади. Биринчи босқичда тоза сув идиши ёки ҳовуз 4000-5000 литр ҳажмли бўлиб, унга қуйилган сув бир сутка давомида тиндирилади. Иккинчи босқичда эса эритма тайёрлаш ҳовузи ёки идишида кунлик керакли ишчи аралашма тайёрланади. Учинчи сизимларда тайёр ишчи эритма сақланади.

Ишчи эритмани тайёрлаш жараёни мураккаб. Шу боис ғўзанинг ҳолатидан келиб чиқиб, алоҳида тайёрланади. Мутахассислар эритма тайёрлашдан олдин сувга қўшилаётган дефолиант меъёрини ишчиларга аниқлаб беришлари шарт.

Эритма тайёрланадиган идишда сув меъёрини кўрсатувчи белгилар бўлиши шарт. Масалан, 1-1000 литр, 2-2000 литр, 3-3000, 4-4000 литр. Дефолиант сувга солингандан кейин камида бир соат давомида насослар ёрдамида аралаштирилади. Аралашма тайёр бўлгандан сўнг кейинги ҳовузга насослар ёрдамида тўлиқ тортиб олинади ва аралаштирилиб турилади.

Тайёр аралашма автомашина ёки трактор тиркамаларига ўрнатилган цистерналарга солиниб, пуркагич ишлаётган далаларга олиб борилади. Тиркама цистерналарда насос ёки механик аралаштиргич бўлиши лозим, акс ҳолда унинг тубида чўкма ҳосил бўлади ва эритманинг сифати пасаяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида ишчи эритмалар, эритмани автоматик тарзда тайёрлаб берувчи (растворные узлы) ускунасидан фойдаланишади. Бугунги кунда илғор пахта тўқимачилик кластерлари ҳам шу ускуналардан фойдаланишга киришмоқдалар. Ускуналардан республикамиз бўйича кенг фойдаланиш иш унумини ва дефолиация самарадорлигини оширади.

Диққат! Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, барча турдаги дефолиантлардан ишчи эритмани марказлашган ҳолда тайёрлаш

тартибини тизимли ташкил қилиш шарт. Дефолиантлар ҳавонинг оптимал муддатларида сепилиши янада мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, шамол тезлиги 3-5 м/сек ва ундан паст бўлиши лозим. Агар шамол тезлиги 5 м/сек ва ундан юқори бўлса, дефолиация тадбири тўхтатилади.

Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда дефолиантлар меъёрини кўпайтириб қўллаш ҳам салбий оқибатларга олиб келади ва ҳосилдорликни камайтиради. Шунингдек, ҳаво ҳарорати паст бўлганда дефолиантларни кам меъёردа қўлланилиши эритма самарадорлигини пасайтириб, харажатларни ошишига олиб келади. Шу сабабли, дефолиация агротадбирида иштирок этадиган ҳар бир мутахассис ҳаво ҳарорати башоратини аниқ билиши ва шу асосда дефолиантлар меъёрини белгилаб, назорат қилиб бориши зарур.

Дефолиация самарадорлиги уни кун давомида ўтказиш вақтига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Куннинг иссиқ пайтида, яъни тушлик вақтида ғўза баргларида оғизчалари транспиратсия коэффициентини камайтириш мақсадида ёпилади. Натижада бу пайтда сепилган дефолиантлар баргга сўрилмайди (ассимлятсия жараёни бутунлай тўхтабди) ва иссиқлик таъсирида тезда ҳавога парланиб кетиб, тадбир бесамар бўлиб қолади. Шу боисдан дефолиантларни фақат эрталаб ва кечки салқин пайтларда қўллаш фойда беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур тадбир илмий тавсиялар асосида ўтказилса, дефолиация ўтказилгандан сўнг 12-15 кун ўтгач ғўза барглари тўқилиши 85-90 фоизни ташкил этиб, кўсақлар 90 фоизгача очилади ва етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга қулай замин яратилган бўлади. Натижада пахта терими уюшқоқлик билан амалга оширилиб, етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини олий навларга топшириш имкони тўғилади ва пахтачиликка ихтисослаштирилган кластер ҳамда фермер хўжалилари юқори иқтисодий манфаатдорликка эришадилар.

Фатхулла ТЕШАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Техник, мойли ва доривор экинлар
бошқармаси бошлиғи,
Султон АЛЛАНАЗАРОВ,
ПСУЕАИТИ Лаборатория мудири.

ДЕФОЛИАЦИЯЛАШ АГРЕГАТЛАРИНИ САМАРАЛИ ИШЛАТИШ

Маълумки, ғўза дефолиацияси – кимёвий препаратлар сепиш орқали ўсимлик барглари сунъий тўктириш – нафақат кўсақларнинг очилишини тезлатувчи, пахтанинг умумий ҳосилдорлиги ва тола чиқими миқдорини оширувчи, балки ғўза тупларини кўм-кўк барглاردан халос этиб, пахтазорни машина теримига тайёрловчи ўзига хос агротехник тадбирдир.

Ҳозирги пайтларда пахта майдонларини кимёвий препаратлар билан дефолиация қилишда вентиляторли ОВХ-600, VP-1, штангали ОШУ-50, ОПШХ-12/5 ҳамда М-1600 пневматик қувурли пуркагичлардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки

бу усулда пуркалаётган дефолиант даладан ташқарига тарқалмайди; қишлоқлар ва чорва яйловлари яқинидаги пахта майдонларини ҳам дефолиациялаш мумкин.

Вентиляторли пуркагичларни ишга тайёрлаш тартиблари:

- пуркагичлар техник жиҳатдан соз бўлган пахтачилик чоқиқ тракторларининг бирига осилади;

- ҳамма гилдиракларга ҳимоя шчитоклари ўрнатилади;

- насос, редуктор ва монометрдаги мой сатҳи текширилиши керак;

- Манометр корпуси ичида эритма бўлишига йўл қўйилмайди.

- барча бирикмалар маҳкамлансин; резина шланглардан эритма томчилмасин, ҳаво сўрилмаслиги лозим;

- вентилятор паррагини айлантирувчи ва кожухини тебратувчи механизмларнинг ҳолати текширилади;

Вентилятор кожухидаги тешик ва ёриқлар ямалиши керак;

- трактор осииш механизмнинг марказий тортқиси ёрдамида вентилятор ўқининг тик ҳолатидан орқага (трактор ҳаракатига тескари томонга) қияланиш бурчаги 10-12 градусга тенг бўлсин – ғўза туплари вентилятор соплоосидан

чиқаётган юқори босимли ҳаво ёрдамида тебраниб туради, эритма баргларнинг орқа томонларига ҳам сепилади;

- вентиляторнинг пастки қирраси ва ер сатҳи орасидаги масофа 1,2-2 метр орасида ростланадиган бўлсин;

- суюқлик тўзитгичларни соплонинг ўртасига тик ҳолатда ўрнатилган қувурдаги резъбали тешикларга қўлда қотирилинг;

Барча тўзитгичлар юзалари қувурга параллел бўлсин!

- босим регуляторини трактор кабинасининг ўнг томонига шундай ўрнатингки, бунда унинг дастагини қўлда бураш қулай бўлсин ва монометр шкаласи тракторчига яққол кўриниб турсин;

- Дастак соат стрелкаси йўналишида буралса системадаги босим ва эритма сарфи ошади, тескарисига буралса, камаяди!

- Пуркагичнинг ҳамма қисмлари соз ва тўғри ростланган бўлса системадаги суюқлик босими 2-4 атм. чегарасидан чиқмайди.

Штангали пуркагични ишга тайёрлаш тартиблари:

- ғўза дефолиациясида эритма ҳайдаш қувурларига конус шаклидаги тўзитгичларга эга бўлган Сonejet русумидаги соплоларни ўрнатиш лозим;

Соплоларни вертикалга нисбатан 45 градус қияликда ростланг!

- бакка ярим қилиб сув тўлдирилинг, регуляторни 2 атм. босимга ростланг, насосни иш-

латинг ва ҳамма соплолардан сув бир хилда пуркалишини текширилинг;

Кўп сув пуркаётган соплоларни алмаштиринг!

- штангалининг четки секцияларини тортиб турувчи трослар таранглиги шундай ростлансинки, бунда секциялар рамалари ер сатҳига нисбатан параллел ҳолатда бўлсин.

Вентиляторли пуркагичларни ишлатиш тартиблари:

Пуркагичнинг остки қисмини юмшоқ мато ёки қоплар билан ўрамасдан дефолиацияни бошлашга рухсат этилмайди!

• агрегатнинг ишчи тезлиги - ғўзалари паст бўйли ва сийрак майдонларда: 6,3-7,5 км/соат, ғўзалари баланд ва қалин майдонларда: 5,3-6,5 км/соат;

Агрегат тезлиги ҳар бир даладаги ғўзанинг ривожига қараб индивидуал равишда танлансин!

• шамолнинг тезлиги 1,0 м/с дан паст бўлса эритмани агрегатнинг орқа томонидан ёйиб сепиш усулини (вентилятор тебранма ҳаракат қилади), 1-3 м/с ораликда бўлганда шамолнинг йўналиши бўйича ёнбошдан пуркаш усулини (вентиляторнинг тебранма ҳаракати тўхтатилади) қўлланг;

Шамолнинг тезлиги 4 м/с дан юқори бўлса вентиляторли пуркагичлар ўрнига штангали пуркагичлардан фойдаланиш зарур!

• вентилятор соплосининг тебраниш амплитудасини ғўзанинг ривожига қараб ростланг:



паст бўйли ғўза майдонлари учун 1800, ўртача бўйли ғўза майдонлари учун 1600, баланд бўйли ғўза майдонлари учун 1400 (дефолиацияда сифат таъминланади);

• дефолиация жараёнида вентиляторнинг пастки қирраси ва ғўза туплари орасидаги масофа 0,8-1 метр бўлсин (тупларга тўла ишлов берилади);

• тўзитгич қопқоқлари унинг корпусига конуси ичкарига қараган ҳолатда маҳкамланганда суюқлик кам сарфланади ва майда томчилар шаклида пуркалади;

• қопқоқлар конуси ташқарига қараган ҳолатда маҳкамланса суюқлик сарфи ортади ва йирикроқ пуркалади;

• манометр стрелкаси 1 атмосферадан паст босимни кўрсатганда филтёр ифлосланган ёки насос бузилган ёки баклар бўшаган бўлади;

Агрегатни бакларда эритма тамом бўлгунча ишлатиш асло мумкин эмас – насос тез ишдан чиқади!

Тўзитгичларни сим билан тозалаш ман этилади!

Штангали пуркагични ишлатиш тартиблари:

• ҳаво қувурининг пастки қисми билан ғўза туплари орасидаги масофани қуйидагича танланг:

• ғўзаси сийрак ва паст бўйли майдонлар учун - 100 см; ғўзаси қалин ва ўртача бўйли майдонлар учун - 70 см (барча ғўза тупларининг дефолиацияланишига эришилади);

• ғўза тупларининг ривожланиш ҳолатига



қараб эритманинг пуркалиш (қамров) кенлигини 12 ёки 15 метр атрофида ўрнатинг (қамров кенлиги меъёрдан катта бўлса сифатга, кичик бўлса - иш унумига путур етади);

• даланинг охирига етганда штангалининг чап ва ўнг секциялари йиғилсин (акс ҳолда улар дарахтларга ёки дўнгликларга урилиб, синади).

Пироварида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, пуркагичларни гуруҳ ҳолида ишлатиш катта самара беради: агрегатларни ёнилғи билан таъминлаш ва техник хизмат кўрсатишга кам вақт сарфланади, агрегатлар устидан умумий назорат ўрнатилгани боис иш сифати ортади, дефолиация қатнашчиларига яхши маиший хизмат кўрсатилади ҳамда меҳнат унумдорлигини ўсиши таъминланади.

Шундай қилиб, дефолиация оптимал муд-

датларда сифатли ўтказилган далаларда кўсакларнинг пишиши ва очилиши тезлашади, пахта йиғим – теримини, шу жумладан, машина теримини қисқа муддатларда яқунлаш, майдонларни ғўзапоядан барвақт тозалаш ҳамда шудгорлаш ишларини ёғин-сочинга қолдирмасдан, эртароқ бошлаш имкониятлари пайдо бўлади.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., (ҚХМЭИ).

АВГУСТ ОЙИДА ЭКИЛАДИГАН ЭКИНЛАР

Август ойида асосан, келгуси йил ҳосили учун пиёз, саримсоқ пиёз уруғлари ва шу йил ҳосили учун турп, шолғом уруғлари ва бош салат кўчатлари экилади.

Пиёз

Пиёзнинг маҳаллий “Оқ дур”, “Сумбула”, “Баҳорой”, “Ҳамал”, чет элнинг “Сибир”, “Алдоба” нав ва дурагайлари экиш тавсия этилади.



Унинг уруғлари эрта-кузги муддатда жанубий минтақаларда 5 август – 5 сентябрь, марказий минтақаларда 15 август – 15 сентябрь, шимолий минтақаларда 30 август – 30 сентябрь оралиғида экилади.

Пиёз уруғи гектарига 12–15 кг меъёрида сарфланади. Пиёз уруғлари катта майдонларда СКОН - 4,2, СММ - 4 русумли махсус сеялкалар билан ёки кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70–90 см дан олиб тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5 – 2,0 см чуқурликка кўмилади.

Икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва яғана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А культиватори билан ерни 15–16 см чуқурликда ишлов берилади.

Юқори унумдор ерларга ўртача соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор ерларга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий ва унумдорлиги паст бўлган майдонларга 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий бериш керак.

Пиёз учун муқобил бўлган азот ўғити аммоний сульфат ёки карбонид фосфор ўғитларидан эса суперфосфат, аммофос ўғитидир. Ҳар хил даражада шўрланган ерларда пиёз етиштирилганда азот ўғити сифатида аммоний сульфат, калий ўғитларидан калий хлорид, калий сульфат каби ўғитларни бермаслик керак. Бу хилдаги ўғитлар тупроқда оз миқдорда бўлса ҳам шўрланиш даражасини оширади. Бу пиёз ўсимлигини униб чиқаётганда, ўсиши, ривожланишига, ниҳоят олинадиган ҳосилга, маҳсулот сифатига салбий таъсир этади.

Касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш.

Касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўгин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60–80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125–0,150 л ёки Курзат н.кук. Р 2,0–2,5 кг 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3–0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25–0,3 л ҳисобида сепилади.

Катта майдонларда бегона ўтларни йўқотишда гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Бир йиллик икки паллани ва бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун уруғни экишгача ёки униб чиққунига қадар гектарига сус.к. 50% Гезогард гербицидидан 2,0–3,0 кг ёки эм.к. 33% Стомпдан 1,0–2,0 литр ҳисобида 400 литр сувга аралаштирилиб сепилади.

Пиёз ниҳолларида 3–4 тадан чинбарги чиққан даврида майдондаги таъкидланган ўтларга қарши эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (1,0–2,0 л/га) ёки эм.к. 20 фоизли Набу (1,5 л/га) сепилади. Кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши

эса эм.к. Зеллек супер (1 л/га) ёки эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (2,4–4,0 л/га) препаратларини бегона ўтларнинг бўйи–5–10 см бўлганда сепиш тавсия этилади.

Саримсоқ

Ушбу экин совуққа чидамли ўсимлик бўлиб 3–5°C ҳароратда кўкариб чиқади, ва 7–8°C гача бўлган совуққа чидайди. Саримсоқнинг ўсиши учун 1-даврида ҳарорат 5–10°C, паллалар ҳосил қилаётганда 15–20°C ва етилаётганда 20–25°C бўлиши керак. 20°C дан юқори ҳарорат илдизларнинг ўсишини тўхтатиб қўяди. Ўзбекистонда кузда экиб ўстириладиган, гулпоя ҳосил қиладиган маҳаллий навлар районлаштирилган.



Экиш учун саримсоқни “Майский” “Вир”, Южно-Фиолетовий, “Чидамли”, “Жануб”, “Сурхон воҳаси” навлари тавсия этилади.

Алмашлаб экишда саримсоқ, бодринг, карам ва картошкани далани бегона ўтлардан тозалайдиган экинлардан кейин экилгани маъқул.

Саримсоқ август ойининг сўнгги декадасидан то сентябр ойи охиригача экилади. Бундан кечиктириб экилса, кузда яхши илдиз олишга улгурмайди, натижада қишқи паст ҳароратдан ва турли касалликлардан зарарланади.

Саримсоқ паллалари йирик-майдалигига қараб гектарига 1,0–1,5 тонна ҳисобидан экилади. Саримсоқ паллалари йирик ва экиш меъёри ортиши билан ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Саримсоқ 2–3 қатор қилиб экилганда ленталар ораси 50–60 см, ленталардаги қаторлар ораси 10–15 см, қатордаги ўсимликлар ораси 6–8 см бўлади.

Саримсоқ кузда, совуқ тушгунча 1–2 марта суғорилади. Кўкламда (феврал охири – март бошида) экилган саримсоқ одатда кузда экилганига қараганда кам ҳосил беради.

Касаллик ва зараркундаларга қарши кураш.

Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркундаларга қарши курашда 1 гектарга

препаратлардан 10% эм.к ДВА-тридан 0,4л, 10% эм.к Талстардан 0,3–0,4 л, 20% эм.к Конфидордан 0,25–0,3л, касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60–80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125–0,15 л ёки н.кук. Курзат Р 0,2–0,25 кг препаратидан бирортаси 600 литр сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Август ойида шолғом ва турп уруғлари марказий ҳудудларда 1–15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июль – 10 август ва жанубий ҳудудларда 20 август – 20 сентябрларда сепилади.

Ушбу илдизмева экинлар сувга жуда талабчан бўлганлиги сабаб бошқа сабзавотларга қараганда тез-тез суғориб туришни талаб этади.

Шолғом

Шолғомнинг “Наманган маҳаллий”, “Самарқанд маҳаллий”, салатбоп шолғомнинг “Муяссар” навлари, турпнинг “Маргеланская”, Андижон 9, “Мурод” навлари ва дайконнинг “Содиқ” ва “Куз хадяси” каби навлари экиш тавсия этилади.



Уруғлар 70 ва 90 см кенгликдаги эгатларга махсус СОН-2,8 сеялкада ёки қўл кучи ёрдамида экилади. Икки қатор қилиб экишда сеялканинг сошниклари жуфт-жуфт қилиб ўрнатилади. Ҳар жуфтдаги сошник ораси 20 см қилинади. Сеялкага оқучниклар тиркалиб эгат ҳам олинади. Ҳар гектарга турп уруғи 4–5 кг, шолғом уруғи 2–3 кг сарф бўлади. Турп уруғи 2 см, шолғом уруғи 1,5 см чуқурликда экилади.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
Собир ХАСАНОВ, к.и.х., тадқиқотчи,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти.

ШОЛИДАН БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ

Шоличилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан дунёнинг замонавий шולי етиштириш технологиясини яратишда илгорлардан бири ҳисобланган Жанубий Кореянинг “КОPIA” илмий ташкилоти билан шолни кўчат усулида етиштириш ҳамда бир гектар майдондан икки марта ҳосил олиш бўйича кенг қамровли ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар изчил олиб борилди ҳамда яна давом этмоқда.



Асосий мақсад, замонавий инновацион технология асосида шолнинг зарур навлари кўчатларини хоҳлаган муддатларга тайёрлаш ва махсус юқори унумли шולי экиш агрегатлари ёрдамида экиш ҳамда кўчат усулини қўллаб, бир гектардан икки марта ҳосил етиштиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва намунавий дала тажрибаларини намойиш этиш ҳисобланди.

Бу борада Шоличилик илмий-тадқиқот институтида кўплаб тадқиқотлар бажарилиб, уларни жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда қўллаш ва маҳаллий шароитга мослаштириш ижобий натижаларга эришишга олиб келди.

Жанубий Корея қишлоқ хўжалигини ривожланиш тараққиёт администрацияси раҳбари жаноб Квон Таек Йон жорий йилда ташриф буюриб, Ўзбекистон шоличилигига берилаётган эътибор ва олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ижобий баҳолаб, ҳамкорлик лойиҳасини яна 4 йил давом эттирилишини ҳамда лойиҳа КОPIA маркази томонидан молиялаштирилишини маълум қилди.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Корея Республикасининг Ўзбекистондаги “КОPIA” маркази директори Ohn Sung Jong таклифига кўра, Андижон вилояти танланди.

Шу йилнинг апрель ойида Андижон вилояти Избоскан туманида юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширилиши

ҳамда жорий этилиши бўйича “КОPIA” ташкилоти билан ҳамкорликда семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда янги технологияга марказлашган тартибда шולי кўчатларини тайёрлаш жараёни тушунтирилди ва 30 кунлик кўчатларни далага бевосита махсус механизм ёрдамида экиш намойиш этилди.



**Шоли кўчатларини экиш жараёни
(04.04.2023 й).**

Шуни таъкидлаш зарурки, ўша кўчат экиш даври мобайнида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетиб, шолিপоядаги ҳарорат +10 °C ни ташкил этганлигини бутун семинар иштирокчилари гувоҳи бўлишди. Бундай ҳароратда қўлда экиш имконияти бўлмасада, лекин кўчат экиш механизми ёрдамида самарали экиш мумкинлигига барча семинар қатнашчилари ишонч ҳосил қилишди. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, нисбатан совуқ ҳароратда экиш механизми ёрдамида экил-

ган кўчатлар ўртача 15 дондан, ҳаво ҳарорати илиб 2-3 кун кечроқ қўлда экилганда эса кўчатлар 3-5 дондан тупланганлигига фермерлар жойида кўриб ишонч ҳосил қилишди. Махсус 30 кунлик қилиб тайёрланган шולי кўчатларини эрта муддатда экиш ҳамда уларнинг тупланиш ҳолати фермерларни жуда қизиқтирди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 15 июн куни биринчи экилган шולי ўсимлигини рўваклар фазасида ярим йиллик фаолиятни баҳолаш семинари бўлиб ўтди. Бунда, соҳага оид шоликор раҳбар мутахассислар, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти ўқитувчи-олимлари, фермер-жамоалари, “КОРПА” маркази директори ва ходимлари иштирок этишди. Семинар-тренингнинг асосий янгилликлари, республика шоликорларида катта қизиқиш уйғотди. Хорижлик ҳамда маҳаллий олимларнинг умумий хулосасига кўра, маҳаллий фермер хўжалиқларининг асосий қисми шолини кўчат усулида етиштиришга, айниқса Фарғона водийси вилоятларида бир гектар майдондан икки марта ҳосил олишга қизиқиш ва интилиш юқори эканлиги эътироф этилди. Яъни, ушбу янгилликни қўллашга шоликорлар жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан тайёр эканлиқларини кўрсатди. Янги технология кўчат усулида шоли экилиши юқори самарали бўлиб, бир гектар ер майдонига қўл меҳнатида 20 нафар ишчи, махсус техникада эса икки нафар ишчи керак бўлади. Қўл меҳнатида 3 500 000 сўм, техникада 880 000 сўм маблағ сарфланади. Ҳосил етиштирилишида эса суғориш сувлари 35-40 фоизга, уруғлик меъёри 40-50 фоизга иқтисод қилинишига, гербицид деярли қўлланмаслиги, ҳосилдорликни 20-30 фоизга, икки ҳосил етиштиришда янада



Пишган шולי даласининг кўриниши
(10.07.2023 й).

ҳосилдорлик ортишининг назарий-амалий асослари ишлаб чиқилди.

Умуман шолини кўчат усулида экиб етиштиришда барча харажатларини 25-30 фоизга камайиши аниқланди.

Ва нихоят, Ўзбекистон шароитида илк бор, юқорида таъкидланган Андижон вилояти, Избоскан туманида шолининг 30 кунлик кўчатлари 3 апрелда экилган тажриба даласида шоли пишди.

Бу дегани ҳосилни 7-10 кун ораллиғида ўриб-йиғиб олиб, кетма-кет иккинчи шоли ҳосилини етиштириш учун ерни сифатли қилиб тайёрлаш жараёнлари бошланади. Экишга 30 кунлик махсус экиш механизми идишлари-касеталарда парваришланган шоли кўчатлари ўримдан сўнг 1-2 кун ораллиғида экиш механизми ёрдамида экиб тугалланади. Шуни қайд этиш зарурки, иккинчи шоли ҳосили учун аҳоли томонидан талаб юқори бўлган тезпишар маҳаллий “Арпа шоли” турига мансуб навлардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки бизнинг шароитимизда иқлим, айниқса куз фаслини қандай келиши номаълум. Шунинг учун иккинчи ҳосилга экишда тезпишар, кафолатли равишда ҳосил берадиган навларни экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Натижада, бир гектардан икки ҳосил олиш ҳисобига гектаридан 10-11 тонна, хаттоки ундан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд. Режага кўра, шолининг иккинчи ҳосили октябр ойининг ўрталарида пишиб етилиши кутилмоқда. Бунда шолидан кейин мақбул муддатларда кузги буғдой экилишини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Умид қиламизки, шоликор фермер хўжалиқларини экиш механизми, махсус иссиқхоналарда интенсив равишда кўчатлар парваришлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш жараёнларини тезроқ қўллаб-қувватланиши, глобал иқлим ўзгариши, кескин сув танқислиги шароитида ички бозорни шоли маҳсулотларига бўлган талабни қондирилишига кенг имконият яратилади.

Зеро ҳозирги кескин сув танқислиги шароитида фақат ресурстежамкор технологиялардан кенг фойдаланиш, ҳар бир гектар ер майдонидан 1-2 шоли ҳосили олиш давр талаби эканлигини унутмайлик. Ҳар қарич ердан ҳамда томчи сувдан самарали фойдаланайлик.

Маъсуджон САТТАРОВ, қ.х.ф.д.,
Рихсивой ТИЛЛАЕВ, қ.х.ф.д., профессор,
Мухаммаджон ЭРГАШЕВ, қ.х.ф.д., докторант,
Шоличилик илмий тадқиқот институти.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

СУВНИНГ ҲИСОБИНИ АНИҚ ЮРИТИШ – САМАРАЛИ БОШҚАРИШ АСОСИ

Сув ресурсларига эҳтиёж тобора ортиб борар экан, уни самарали бошқариш учун, аввало, ҳисобини аниқ юритиш, ўлчов ускуналаридан тўғри фойдалана билиш зарурати юзага келмоқда. Чунки, томчиси тиллога тенг сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик учун уни аниқ режа асосида тақсимлаш ва далаларга ўлчов билан етказиб бериш керак бўлади. Бунда сув ҳўжалиги тизимидаги гидрометрлардан катта масъулият, билим ва тажриба талаб этилади.

Швейцария тараққийёт ва ҳамкорлик агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан амалга ошириляётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси. II босқич” доирасида айнан гидрометрларнинг малакасини ошириш, уларни ўқтишга эътибор қаратиляпти.



Жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб барча хўдудлар учун 5 кундан ўтказилган “**Замонавий сув ўлчаш ускуна-сидан фойдаланиш**” мавзусидаги ўқув-амалий тренинг курсларида Қорақалпоғистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, барча вилоят ҳавза бошқармалари ва туман ирригация бўлимларида фаолият олиб бораётган жами 350 нафарга яқин гидрометр ходим иштирок этди.

Тренинг давомида **“MGG/KL-DCB” русумли кўчма электромагнитик сув тезлигини ўлчаш воситасидан** фойдаланиш бўйича назарий билим бериш билан бирга амалий машғулотлар дала шароитида (*ҳар хил турдаги канал ва ариқларда*) ташкил этилди. Жумладан, **“MGG/KL-DCB” электромагнит сув сарфини ўлчаш ускунасини** штангасидан бошлаб барча эҳтиёт қисмларигача ҳар бир иштирокчи ўзи йиғиб ишга тайёрлаши ва ундан қай тартибда фойдаланиши тушунтирилди. Шунингдек, замонавий ускунанинг электрон ҳисоблагичига сув ўлчаш ишлари бажарилаётган канал маълумотларини (чуқурлиги, канал тубининг эни, қиялиги, сенсор ўрнатилаётган кузатув чуқурлиги ва б.) киритиш зарурлиги уқтирилди.

Замонавий кўчма электромагнит сув тезлигини ўлчаш ускунасининг имкониятлари кенг. Аввало, уни ишлатиш осон ва қулай, сувни юқори аниқликда ўлчайди. Ҳисоб-китобларни электрон ускуна хотирасида узоқ муддат сақлаб қолиш мумкин, маълумотларни эса онлайн орқали узатиш имконияти мавжуд.

Семинар-тренинг давомида ҳар бир вилоятнинг географик шароити, иқлими, каналларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўлчов ишларини олиб бориш эътиборга олинди. Сув ҳўжалиги тизимида қурилган гидropост турлари ва улардан фойдаланиш, ишчи ҳолатда сақлаш, техник қаровини доимий олиб бориш, гидрометр-лар томонидан белгиланган йиллик сув ўлчаш режаларини ўз вақтида ўтказиш ҳамда мавжуд ҳужжатларни тўғри юритиш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш, олди-берди журналларини юритиш, ҳар ойда икки томонлама тузиладиган далолатномаларни расмийлаштириш, шартномавий муносабатлар, трансчегравий сув манбааларидан фойдаланиш тартиблари



ва сув ҳўжалиги тизимига оид мавжуд меъёрий ҳужжатлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди ва ўзаро фикр алмашилди.

Ҳар бир иштирокчи ўзи мустақил равишда замонавий сув ўлчаш ускунаси ёрдамида сув ўлчаш ишларини амалга ошириб кўрди. Айниқса, иш фаолияти давомида биринчи марта сув ўлчаш ишларини бажараётган ёшларга бу жуда ҳам қизиқарли бўлди. Улар ҳар хил турдаги каналларда ўлчов ишларини бажариб кўришди.

Гидрометр ходимлар орасида аёллар ҳам бор. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида аёл гидрометрлар эркаклар билан ёнма-ён туриб, сувни ўлчаш ишларини олиб боришади. Семинар-тренингларга барча гидрометр аёллар жалб қилинди ва уларнинг малакасини ошириш бўйича алоҳида маърузалар тингланди.



Иштирокчиларнинг келгусида ҳам ўқув-тренинг мавзуларига оид саволларига ўз вақтида жавоб бериб бориш мақсадида “Телеграмм” мессенжерида **“Гидрометрия”** гуруҳи ташкил қилиниб, маслаҳатлар бериш, улар томонидан иш жараёнларида дуч келинадиган муаммоларни биргаликда бартараф этиб бориш йўлга қўйилди.

Айни пайтда барча туман ирригация бўлимлари **“MGG/KL-DCB” электромагнит сув сарфини ўлчаш воситасидан** фойдаланилаётган бўлиб, гидрометрлар сувнинг ҳисоби аниқ юритилиши учун масъулият билан хизмат қилмоқдалар.

Биродар БУРХОНЖОНОВ, лойиҳа координатори,
Сабит МАМАТОВ, лойиҳа мутахассиси.

КАМ СУВ САРФЛАБ, КЎП ҲОСИЛ ОЛИШ



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан туманда жорий йилда 1 минг 550 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш ва 125 гектар ғалла майдонларига ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этилиш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки бугун тумандаги кўплаб деҳқон ва фермерлар тежамкор суғориш услулари афзал жиҳатларини англаб етган ва шу боис бу усул тобора оммалашмоқда.

– Жорий йилда фермер хўжалиқларимизнинг пахта майдонларида тежамкор тизимни ўрнатиб, шу усулда суғоришни ташкил этдик. Бу технологиянинг устувор жиҳати кўп экан, аввало сув иқтисод қилиниб, тупроқда намнинг сақланиш даражаси меъёрида бўларкан ва жўяқда бегона ўтлар бўлмас экан. Шуларни ҳисобга олиб, келгуси йил янада каттароқ экин майдонларимизга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этмоқчимиз, – дейди Каттақурғон туманидаги “Ўзбекистон” ММТП ҳудуди раҳбари Ҳикматилло Абдуллаев. – Айни пайтда ҳудудимиздаги 12 та фермер хўжалиги далаларидаги пахта майдонларида фермерларимизнинг имкониятига қараб, кимдир 20 гектар, кимгадир 15 гектар экин майдонларига томчилатиб суғориш тизимини жорий қилмоқда. Албатта, Президентимизнинг қарори билан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчиларга берилган барча имтиёзлар орқали субсидиялар берилгани ва бошқа имтиёзлар ва қулайликлар фермерларнинг бу технологияга қизиқишини ортирмоқда.

Бугунги кунда бутун жаҳон зироатчилари олдидаги мураккаб ва оғриқли муаммолардан бири бу бу шубҳасиз сув танқислиги масаласидир. Бу муаммони ҳал этиш услуларида бири эса томчилатиб суғориш тизимини қўллашдир. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд вилоятнинг барча туманларида, жумладан Каттақурғон туманида ҳам шу мақсаддаги кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Тумандаги кўплаб фермерлар сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули бўлган “ёмғирлатиб суғориш” усулидан ҳам кенг фойдаланмоқда.

– Сувдан унумли фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш тизимлари муҳим аҳамият касб этади. Бу сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби ҳаёт тақчиллигининг олдини олади, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Ғайрат Ҳайдаров.

Муҳтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, туманда 2018 йилдан бошланган ҳайрли ташаббус асосидаги бошланган, томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган экин майдонлари 4 минг 330 гектарга етди. Эндиликда туманда пахта майдонларидаги ташаббусни ғалла майдонларида ҳам давом эттириш, сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мақсад тежамкор суғориш орқали, энг аввало, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали ва унумли амалга оширишга ёрдам беришдан иборат.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усули деҳқонларимизнинг сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш баробарида ҳосили мўл ва даромади мўмай бўлишига хизмат қилади.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз муҳбиримиз.

ЕРГА МЕХР БЕРИБ, ЭЛ МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН ҚАХРАМОН



1933 йил 25 августда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган.

1969 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган.

1983 йилдан Денов туманидаги Собир Раҳимов номидаги хўжаликда раҳбар вазибаларида меҳнат қилган.

1993 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвони берилган.

1994 йилда «Иброҳим» хусусий чорвачилик хўжалигини ташкил қилган.

1996 йили «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган.

2022 йил 25 февралда вафот этган.

Халқимизда “бўлар бола ўн бешида бош бўлар, бўлмас бола қирқида ҳам ёш бўлар” деган мақол бор. Иброҳим Файзуллаев ёшлик давридаёқ ўз ғайратини, иқтидорини намоён қилган. У бир муддат табелчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб, ўзини кўрсатди ва жамоа хўжалиги раҳбарлари уни бригадада етакчи қилиб тайинлашди. Зоотехник, ферма мудури бўлиб ишлаб юрган кезлари Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб тугатди. Аввал агроном, кўп ўтмай, бош агроном вазибаларига кўтарилди.

1983 йили тумандаги Собир Раҳимов номи хўжаликга раис этиб сайланади.

- Инсон ерни суйса, ер ҳам билар экан. Барча ризқ-насибани ер орқали оляпмиз. Деҳқонга, инсонга қадрни, хурмат-эйтиборни ҳам ер берар экан. Мен ҳаётим давомида қанча муваффақиятга эришган бўлсам, буни она еримнинг ҳиммат-марҳамат деб биламан, - деган эди Иброҳим ака.

Иброҳим Файзуллаев ерларни ўз вақтида ўғитлаш орқали пахта ва ғалла етиштиришда юқори натижаларга эришди.

1994 йилда мустақил иш бошлади. Юқори натижаларга эришишнинг калити илғор технология ҳисобланади. Ишнинг кўзини билган фермер тупроқ унумдорлигини яхшилаш, сув-ёнилғи ресурсларини 30-35 фоизга тежаб, ҳосилдорликни 25-30 фоиз оширишга эришди.

2017-2019 йилларда фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштирилиб, пахтачиликда 49-53 центнердан, ғаллачиликда 71-72 центнердан ҳосил олинди.

Фермер хўжалигини кўп тармоқлига айлантира бориб у чорвачилик тармоғи фаолиятини йўлга қўйди. Натижада хўжаликда қорамол парвариш қилиниб, туман аҳолисига гўшт-сүт маҳсулотларини арзон нарх-

ларда етказиб бера бошлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, вилоят ва туман фасоллари ҳамда халқ ўртасида ҳурмат, эътибор қозонган салоҳиятли агроном-олим, илғор фермер, самимий ва жонқуяр инсон И.Файзуллаевнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлиши тасодиф эмас.

Яна бир жиҳати, И.Файзуллаев тумандаги ёш фермерларга экин майдонларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, юқори ҳосил олиш борасида мунтазам амалий ёрдам кўрсатиб келар эди. Жумладан, ухудуддаги ҳосилдорлиги паст бўлган 5 та фермер хўжалигига аниқ амалий ёрдам кўрсатиши натижасида уларнинг ҳосилдорлиги пахтачиликда ўртача 3-4 центнерга, ғаллачиликда 6-7 центнерга ўсишга эришилди.

Иброҳим ака турмуш ўртоғи Райҳона опа билан 3 қиз ва 3 ўғилни вояга етказишди, бир этак набира ва чеварали бўлишди.

И.Файзуллаев ҳомийлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратар эди. Худудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга баҳоли қудрат маблағлар ажратарди. Хайр-эҳсоннинг ҳикмати кўп, инсонларга яхшилиқ улашса, инсон қалби ҳам тоғдек кўтарилади. Ана шу шиорга умри давомида амал қилиб келган Иброҳим ака юртдошларининг оғирини енгил қилишдан чарчамасди.

Далага меҳр бериб, элнинг хурмат-эйтиборини қозонган И.Файзуллаев ўтган йили 25 февралда вафот этди.

Бир умр халқ хизматида бўлган Қаҳрамон деҳқон бугунги кунда гарчи орамизда бўлмаса-да, унинг эзгу ишларини шогирдлари ва фарзандлари давом эттиришмоқда.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

ҚУЁШЛИҚ ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ

“Юқори Тошкент” каналида 42 йилдан бери ишлаб келаман. Тўғри, маошим унчалик кўп эмас. Лекин, рўзғоримда барака бор. Шу ерда ишлаб бир қиз, тўрт ўғил ўстирдим, ҳаммасини ўйли-жойли қилдим. Меҳнатим билан элда обрў-izzат топдим”.



Ўринбой ака ўзи, оиласи, иши, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қиляпти. Мен эса уларни қоғозга туширялман. Орада савол бериб қўяман.

Ўринбой ака сўзамол эмас, баландпарвоз гаплардан йироқ. Оддий, камсукум, самимий бир сувчи. Сухбатлашсангиз касбига садоқати, улкан ҳаётий тажрибаси, ҳамма масалада жонкуярлигини кўриб, у кишига ҳурматингиз ошади.

Ўринбой Тожибоев 1959 йил 2 январда Зангиота тумани Туркистон ҳудуди Бирлик маҳалласида туғилган. 1976 йили ўрта мактабни битириб, Тошкент ирригация-мелиорация техникумига ўқишга қиради. 1978-1980 йиллар ҳарбий хизматни ўтайди. 1981 йилда ўқишни битириб, техник-гидротехник мутахассислигини олади. Шундан буён “Юқори Тошкент” каналида ишлаб келади. Техник, гидротехник, гидрометр лавозимларида меҳнат қилган. 2019 йилдан назоратчи бўлиб ишляпти.

1946 йили ишга туширилган “Юқори Тошкент” каналининг узунлиги 25 км. Лойиҳавий сув ўтказиш қуввати секундига 30 метр куб. Зангиота туманида 2500 гектар, Янгийўл туманида 1920 гектар майдонга сув етказиб беради. Шу билан бирга, каналдаги 3 та қулоқдан Қозоғистон ҳудудига сув олинади.

Каналда жами 34 та сув олувчи иншоот, 5 та сув тўсувчи иншоот, 44 та гидropост мавжуд.

Отаси Сиддиқ Тожибоев ҳам 43 йил мироб бўлиб ишлаган. “Юқори Тошкент” канали қурилганидан сўнг кўп йиллар бу ерда ишлаб, сувни ўлчаган.

Ўша йиллари Сиддиқ Тожибоев Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазири этиб тайинланган Исмоил Жўрабеков қабулида бўлади. Исмоил Ҳакимович фаол ва жонкуяр бу сувчига навбатидан олдин

“Жигули” автомашинасини харид қилиш ҳақидаги қарорни топширади. Янги машина оилага катта қувонч олиб келади.

Отаси “Ишлаган кам бўлмайди” деган гапни кўп айтарди. Ўринбой ака ўз ҳаёти мисолида бунга қайта-қайта амин бўлди. Энди ўзи шу ҳикматни болаларининг қулоғига қуйиб келади.

Тўрт ўғилдан энг кичиги – Бекмурод ўзининг ёнида, канал назоратчиси бўлиб ишляпти. Икки ўғли ички ишлар соҳасида ишлайди, бири мебелчи уста.

Ўринбой ака доимо касби билан фахрланади. “Гузарга чиқсам, чойхона, тўйларда ҳамма “мироб”, деб ҳурмат қилади, яхши инсонсиз деб эътироф этишади. Шундай пайтларда кўнглим тоғдай ўсиб, меҳнатлар, машаққатлар унутилиб кетади”, дейди жилмайиб.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг ўз даврида ёшларга қарата айтган мурожаати бор: “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”. Маъноси шуки, инсонларга қуёш каби зиё нуруни таратишни, яхшилик қилишни истайдиган ҳар бир инсон келажакка, камолотга интилиб, илм ва касб-хўнарларни пухта эгаллаши лозим.

Таъбир жоиз бўлса, мен сувни ана шундай нурга, зиёга ўхшатаман ва сувчиларни эл-юртга яхшилик улашувчилар деб биламан. Ёшларимиз орасидан Ўринбой ака каби ҳалол, фидойи, билимли мутахассислар кўллаб етишиб чиқишига умид қиламан.

Ёшларимиз шуни дилдан ҳис этиб, касбини ардоқласа, ўз устида ишлаб, билимини ошириб, халққа фидойилик билан хизмат қилса, ўйлайманки, азалдан баланд бўлиб келган сувчиларнинг нуфузи янада ўсади.

Шуҳрат СУҲОНОВ.

ЯНГИ ТИЗИМ ЮТУҚЛАР КЕЛТИРМОҚДА

Сўнги йилларда аграр соҳа ишлаб чиқаришига илм-фан ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар тобора жадал кириб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида кластер тизимининг жорий қилиниши эса қўшимча қиймат занжирини яратиб, хомашё етиштирувчи фермердан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнда иштирок этадиган барча тармоқлар меҳнаткашларининг манфаатига мос келди.

Эндиликда мамлакатимизда шундай ҳамкорлик натижасида юқори ҳосилдорликка эришиб, даромадига даромад қўшилаётган фермерлар, кўплаб ишчи ўринлари яратиб, самарали фаолият юритаётган кластерлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунини Наманган вилоятидаги «ART SOFT HOLDING» МЧЖ мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маскур холдингнинг кузатув кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати, изланувчан тадбиркор Олим БАБАХАНОВ билан кўп тармоқли холдингнинг аграр соҳа йўналишидаги ишлари хусусида суҳбатлашдик.



– Олимжон, аввало сизни ва сиз орқали мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тадбиркорларни кўп сонли журналхонларимиз номидан касб байрамларингиз билан табриклайман.

– Раҳмат.

– Кластер тизими сиз бошқараётган холдингнинг бир тармоғи эканлигини, унинг таркибида 40 дан ортиқ корхоналар мавжудлигини эшитиб, очиги, ҳайратландим.

– Фикрингизни тушундим. Бутун водий бўйлаб фаолият юритаётган корхоналаримиз бориб кўрган ёки сиз каби эшитган кишилар дастлаб ҳайратланиши табиий. Лекин биз бугун жорий этаётган янгилıklar, ишга тушираётган корхоналар 5-10 йил ўтиб оддий жараён бўлиб қолади. Менимча, бу юксалишлар замирида давлатимиз раҳбари бошчилигида биз тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар, ҳатто имтиёзлар мужассам, десам хато бўлмайди. Шундай тарихий даврда ҳар бир фуқаро ўз имконияти даражасида изланиши, меҳнат қилиши, эл-юрт равнақи учун ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Биз ҳам шу мақсад йўлида баҳоли қудрат ҳаракатдамиз.

– Кластер йўналиши тадбиркорлигининг кейинроқ бошланган қисми экан. Холдингининг аграр соҳа йўналишидаги фаолияти қандай бошланган?

– Биз олдин ўзингиз таъкидлагандек, бошқа кўплаб тармоқлар бўйича фаолият юритиб келардик. Президентимизнинг ушбу тизимга алоҳида эътибор қаратгани ва унинг ҳуқуқий замини яратилгани, қолаверса, фермер аҳлига кўмаклашиш мақсадида шу йўналишда иш бошладик. Биласизми, тадбиркорлик таваккалчиликдан бошланади, назаримда. Лекин молиявий жиҳатдан ҳисоб-китобни тўғри олиб, қўл урмоқчи бўлган ишингизнинг ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишиб, кейин дадил ҳаракат қилсангиз натижалар кутганингиздай бўлади. Бу борада фермерлар учун зарур бўлган 24 млн долларлик юқори унумли ҳайдов тракторлари, лазерли ертекислагичлар, ғаллани пневматик экиш мосламалари, пахта териш машиналари жами 788 та замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари олиб келдик. Минерал ўғит, ёқилғи, уруғлик каби маҳсулотларнинг фермерларга ўз вақтида ва сифатли етказиб берилиши йўлга қўйилди. Хуллас, бир неча йиллардан бери пахта етиштириш режаси бажарилмаётган Поп туманида ўртача ҳосилдорлик 2018 йилда 23 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу рақам 36,5 центнерга етди. Ёки Мингбулоқ туманида ҳосилдорликни 25 центнердан 38,5 центнерга оширишга эришилди.

Замонавий техника ва технологияларимиз билан фермерларимизга имкон қадар кўпроқ кўмак беришга ҳаракат қиляпмиз. Биргина мисол,

йилдан-йилга техника ёрдамида терилган пахта хомашёсининг улуши ортиб бормоқда. Ўтган йили жами ҳосилнинг 25 фоизи 39 та пахта териш машиналари ёрдамида йиғиштириб олинди.

Эндиликда тупроқ таҳлили асосида агротехник тадбирлар бажарилаётир. Бу деҳқончиликда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, 3 000 гектар майдонда 60 млрд. сўмлик томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилди. Сув тежамкорлиги борасида фермерлар ҳам, биз ҳам кенг кўламли ишларни босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз. Яна бир гап, кластер қошидаги биостимуляторлар ишлаб чиқариш корхонасининг 9 хилдаги маҳсулотлари амалиётда кенг қўлланилмоқда.

– Гоҳи-гоҳида фермерларнинг кластер хизматидан нолигани, моддий манфаатдорлик ўзлари кутганидек бўлмаётгани ҳақидаги хабарларни эшитиб қоламиз. Сиз ҳамкорлик қилаётган деҳқон аҳлининг молиявий эътирозлари йўқми?

– Саволингизга рақамлар орқали жавоб берсам. Биз билан ҳамкорлик қилишдан олдин, яъни, кластер тизими жорий этилмаган 2018 йилда Мингбулоқ ва Поп туманларидаги фермерлар даромади 14,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Ўтган йили бу рақам 192 млрд. сўмга етиб, 13 баробарга кўпайди. Ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Булар ҳали бошланиши. Бу борадаги ўсиш тобора ортиб бораверади. Ҳамма гап, фермерлар ва бизнинг яқдил бўлиб фаолият юритишимизда.



- Давлатимиз раҳбари “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди”, деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги деҳқончилик 30-40 йил илгаригисидан тубдан фарқ қилади. Қолаверса, иқлим ўзгариб бормоқда, бир томондан қурғоқчилик хавф солмоқда.

- Албатта, бу масала бизнинг диққат марказимизда. Шунинг учун ҳам кластер тизимига илмий ёндашиш, замонавий инновацияларни амалиётга кенг тадбиқ этиш мақсадида аграр ва тўқимачилик йўналишларида фаолият кўрсатувчи Илмий тадқиқот маркази ташкил этганмиз. Ушбу тадқиқот марказимизда ҳозиргача 5 625 гектар майдоннинг тупроқ ҳолати таҳлил қилиниб, агрохимкарталари ишлаб чиқилди. Бу ишлар изчил давом эттирилади.

Марказ кўмагида 3 йил муқаддам Мингбулоқ туманида 23 гектар ва Поп туманида 23 гектар жами 46 гектар майдонда илк бор органик пахта етиштирилди. Етиштирилган органик пахта учун Control Union Certifications халқаро сертификатлаш ташкилотидан сертификат олинди. Ўзингизга маълум, бугунги кунда дунёда органик маҳсулотларга талаб жуда катта. Органик пахта бўйича сертификат олганимиздан кейин, кўплаб харидорлар ўзлари бизни топиб келишяпти. Биз ўтган йили бу рақамни 192 гектарга етказиб, органик маҳсулот етиштириладиган майдонларни йилдан-йилга кўпайтириб бораёмиз.

Илмий марказимиз томонидан яна бир амалга оширилган лойиҳа бу кимёвий ўғитлар ўрнига микроорганизмларни қўллаган ҳолда экинлар етиштириш бўлди. Биз тупроқ таркибини ўрганиб, шу ерга керак бўладиган моддаларни тўғридан-тўғри ерга солиш орқали эмас, балки шу моддаларни тўплаш ва ўзлаштирилмаган ўғитларни ўзлаштириш хусусиятига эга бўлган микроорганизмларни сув билан бирга экин майдонларига оқизиш орқали маҳсулот етиштирдик. Бунинг энг диққатга сазовор жиҳати у тупроқда тирик организмларни кўпайтиради ва анъанавий ўғитлашдан 4-5 баробар арзон ҳисобланади. Масалан, анъанавий усулда ҳозирги кунда 1 гектар майдонда пахта етиштириш учун ўртача 3,1 млн. сўм атрофида минерал

ўғитларга харажат қилинса, микроорганизмларни қўллаган ҳолда бу харажат 750 минг сўмга бажарилади. Деярли 4 баробар маблағ иқтисод қилинмоқда.

Шу ўринда Мингбулоқ ва Поп туманларида фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларни ўзлаштириш ишлари олиб борилиб, жами 1 645 гектар майдон ерни ҳам ўзлаштирганимизни айтиб ўтмоқчиман. Бунинг учун корхонамизнинг ўз маблағлари ҳисобидан 18,5 млрд. сўм сарфланди. Натижада 726 та янги иш ўринлари яратилди. Бу жараёнда ҳам илмий марказ ходимлари мунтазам ўз маслаҳатларини бериб бормоқда.

- Шу ўринда ўзингиз раҳбарлик қилаётган МЧЖ нинг молиявий аҳволи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?

- Кластер тизимидаги корхоналаримизнинг ишлаб чиқариш қувватларини йил сайин ошириб бормоқдамиз. Масалан, 2019 йилда экспорт миқдори 16,5 млн. долларни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда 35 млн долларга етди. Солиқ тўловларимиз 2019 йилда 7,5 млрд. сўм бўлган бўлса, кластер тизими натижасида ўтган йили бу рақам қарийб 70 млрд. сўмни ташкил қилди...

- Сўхбатимиз сўнггида холдингининг бошқа тармоқлари хусусида ҳам гапириб берсангиз.

- Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш натижасида жуда кўплаб янги-янги корхоналар ишга тушмоқда. Жумладан, “ART SOFT HOLDING” тизимида ҳам бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Ўтган йилнинг ўзида 40 минг тонна қувватдаги Пахтани қайта ишлаш заводи, Калава ип ишлаб чиқариш фабрикаси, 3 та тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси, кафел керамогранит ишлаб чиқариш заводи ишга туширилиб, жами 1 960 та янги иш ўрни яратилди. Биз бу ҳаракатларимизни келгусида янада жадал давом эттирамиз.

- Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат. Келгуси ишларингизда омад ёр бўлсин.

*Сўхбатдош: ўз мухбиримиз
Тоҳир МУҲАММАД.*

ДЕҲҚОН ВА КЛАСТЕР ҲАМКОРЛИГИ

Деҳқон борки, ердан мўл ҳосил олсам, даромадим кўпроқ бўлса деб эрта тонгдан тун пардасин ёйгунга қадар меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам бу касб эгаларини халқимиз эъзозлаб Бободехқон дейишади. Юртимиз тараққиётида ҳам айнан ушбу касб эгаларининг ҳам ҳиссалари бекиёс. Кейинги йилларда барча соҳаларда рўй бераётганидек қишлоқ хўжалигида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.



– Мамлакатимиз бўйлаб кластер тизимини йўлга қўйилиши оқибатида фермерларнинг йиллар давомида кўплаб оворагарчиликлари барҳам топди, десам хато бўлмайди, – дейди Поп туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Тоҳиржон Мамарасулов. – Чунки, ҳар йил бир хил агротехник хизмат, бир хил техника, бир хил кимёвий ўғит. Ҳатто ер ҳам зериккандай ҳосил беришни хоҳламай қолаётгандай эди. 2019 йил “Art Sof Tex” кластери билан 318 нафар фермер хўжаликлари 20 000 гектардан зиёд экин майдонида ҳосил етиштириш ва сотиш бўйича шартнома имзолашди. Натижа ёмон бўлмади. Кластернинг ҳам, фермер ва ишчи ходимларнинг ҳам даромади йил сайин ортиб бормоқда.

– Бизнинг хўжалигимиз 1997 йил илк қалдирғоч хўжаликлар қаторида 23 гектар экин майдони билан фаолият бошлаган, – дейди “Чиғаноқ соҳили” фермер хўжалиги раҳбари Зайнобиддин Мадрахимов. – Кластер ташкил қилиниши жараёнида аввалига кескин ўзгаришлар бўлишига ишонмаган эдик. “Art Sof Tex” кластери шартнома имзолаганимиздан сўнг юқори унумли ҳайдов тракторлари, лазерли ертекислагичлар, ғаллани пневматик экиш мосламалари, ерга ишлов бериб, кесакларини майдаловчи қурилмалар, пахта териш тракторларини экин майдонларига кириб келиши барча деҳқонларимизни ғайратига ғайрат кўшди. Авваллари ўғитни ИИБ ходими билан олиб келиб, далага солардик. Эндиликда кластер кўмагида калийли, фосфорли ва кимёвий ўғитлар меъ-ёрида етказиб берилиши ўз самарасини бермоқда. Жорий йил 47 гектар экин майдонимизни 31,3 гектарига ғаллани Алексеевич навини экиб парваришладик. Барча

агротехник тадбирлар ўз вақтида кўнгилдагидай ўтказилди. Ҳар гектар майдондан режада берилган 25 центнер ўрнига 80 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. 25 тонна ғаллани ишчиларимиз ва қишлоғимизнинг кам таъминланган оилаларга тақсимлаб бердик. Бундан албатта ишчиларимиз ҳам қишлоқ аҳолиси ҳам хурсанд. Айни кунларда сувчиларимиз Дониёр Аҳмедов, Абдуғаниев Шаҳзодлар 13,8 гектар экин майдонига экилган С—6524 навли пахта-мизга чилла суви беришаётган бўлишса, механизаторимиз Қахрамон Абдурахмонов қатор орасига сифатли ишлов бермоқда. Кластер билан ҳамкорлигимиз натижасида экин майдонларимиз ҳосилдорлиги 10 – 15 центнерга ошди. Орттирганларимиз ҳисобидан тармоқларни кўпайтириб, янги иш ўринлари яратаяпмиз, намунали дала шийпонимизни қуриб битирдик. Эндиликда ишчиларимиз тушликни салқин ва шинам хоналарда қилишади. Бу ҳам ҳар бир ишчимизнинг ишлаш салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ўтган йил пахта ва ғалладан 450 млн. сўм соф даромад қилган бўлсак, жорий йилда 550-600 млн. сўм даромад қилишни кўзлаб турибмиз.

Ҳа, бугун мамлакатимизда кластер тизими кенг йўлга қўйилгани натижасида бободехқонларнинг иш самарадорлиги, моддий манфаатдорлиги ортиб бораётир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) Поп туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Тоҳиржон Мамарасулов Фермер Зайнобиддин Мадрахимов билан ғўза кўсақларини кўздан кечириб, ҳосилни чамаламоқда.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТОЛИБЖОН РАИС



Толибжон раис кунда, кунора “Дамас” автоуловида ичимлик суви олиш учун ўзининг Янгичек қишлоғидан бизнинг қишлоғимизга тушиб келади. У йўлидан чиққан ҳамма билан кўли олиб сўрашишга ҳаракат қилади. Йўл четидагиларга кўлини кўксига қўйиб салом беради. Қизиғи, мен қарийиб 30 йилдан буён танисам-да, у кишини бирор марта хафта ёки паришонхотир ҳолатда кўрмаганман. Доимо хуш кайфиятда шундай муомала қиладиларки, бирдан ўзингизни ташвишингизни унутасиз.

— Толибжон ака, сизни қишлоқ хўжалиги ходими сифатида яхши биламиз. “Пахта иши” давридаги қора кунлар сизнинг ҳам бошингизга тушган. Ўша азобли кунлар хақида сўзлаб берсангиз.

— Аввало шуни айтишни истардимки, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали мени эски кадрдонларимдан. Ҳаётим давомида нимагаки эришган бўлсам, журналда нашр қилинган илмий ва оммабоп мақолаларни ўрни катта деб биламан. Мен Поп туманининг Янгичек қишлоғида туғилганман. 1970 йили Наманган қишлоқ хўжалиги техникумини тамомлаб ширкат хўжалигининг чорва фермасида зоотехник вазифасида иш бошлаганман. 1972 йилда Марказий Фарғона чўли ҳудудларини ўзлаштириш ишлари авж олди. Илк қалдирғоч чўлқуварлар билан меҳнат қилиб, қип-қизил чўлда Навбахор ширкат

хўжалигини ташкил қилдик.

1980 йилдан 1983 йилгача Навбахор ширкат хўжалигида пахта қабул қилиш пунктини бошқардим. 1983 йилдан эса “Ғурумсарой” пахта қабул қилиш пунктида фаолиятимни давом эттирдим.

Ҳаммаси 1984 йилдан бошланди. 13 август куни раисимиз Аҳматжон Одилов ҳибсга олинди. Барча бригадирлар, табелчилар, ҳисобчилар пункт ходимлари терговга тортилди. Мақсад Аҳмаджон акани жиноятига иқдор қилдириш ва бизни қарши гувоҳлик беришга мажбурлаш эди. Бу тергов ишлари 1986 йилга қадар чўзилди.

Ҳақиқатан ҳам, қаро кунлар эди. Оёқ кўлинг боғлиқ, бир ерга кетолмайсан, бир ишни бажаролмайсан, эртанги кунинг қоронғу. Ҳозирги Ибн Сино номидаги ўрмончилик хўжалиги ходимлари мен раҳбарлик қилган пунктга уч тонна пахта топширган эди. “Бу хўжаликнинг пахта майдони йўқ, қаердан уч тонна пахта топширади?”, дейди. Мен, “Ҳақиқатан уларнинг экин майдони йўқ, хўжалик ходимлари бирлашма ширкат хўжаликлари экин майдонларидан териб топширган”, десам ишонмайди. Уларни муомаласи, хулқини кўриб инсонни шунақаси ҳам бўларканда дейсан киши.

31 март куни 4 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиндик. У ерга борганда билдимки, бу ишлар фақат бизни бошимизда эмас экан. Биргина Уйғурсой қамоқхонасининг ўзига мингдан зиёд қишлоқ хўжалик ходимлари қамалган эди. Менку оддий пахта қабул қилиш пункти раҳбари, қишлоқ хўжалигини донгдор ходимлари, раислар, катта-катта корхоналарнинг раҳбарлари... Ачиниб кетасан, умрингни шу ишга бахшида қилсангда, эвазига хўрлик, таҳқирлаш олсанг.

Бир йилу 8 ой ўтирдим. Ҳар бир кун хотирамдан ўчмайди. Ўзбекистон Олий суд раисини биринчи муовини Абдусамад Полвонзода суд қарорини эълон қилди ва бизни яна ўз иш жойимизга қайта тиклади. 1992 йил “Қўштепа” ва “Наврўз” ширкат хўжаликлари ташкил этилди ва “Қўштепа” ширкат хўжалигида раҳматли раисимиз Ғофиржон Қўчқоровнинг муовини вазифасида фаолиятимни давом эттирдим. 1996 – 2000 йиллар “Иттифоқ” ширкат хўжалиги раҳбари лавозимида ишладим.

— Сизни одамлар моҳир ирригатор сифатида ҳам билишади.

— Тўғри, 2000 йилдан 2015 гача Шимолий Фарғона каналини Поп – Пунгон ҳудудини бошқардим. Ирригатор бўламан деган борки,

уйқудан кечади. Биргина сени уйқунг юзлаб гектар экин майдонини сувсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қўшни Тожикистон Республикасига ҳам тегишли миқдорда сув доимо ўтиб туриши лозим. Ёзнинг чилласида ўзингикидан орттириб қўшнига етказиб бериш қанчалар қийин. Халқларимиз азалий дўст. Улар ҳар кун тақсимланган сувга қаноат қилишди. Ўзаро келишиб экинларини суғоришарди. Ҳозир ҳам ўша қадрдонлар билан учрашиб қолсак кайфиятим кўтарилади.

Меҳнат қилиб кам бўлмадим. Рафиқам Алоптахон Солиева билан уч ўғил ва бир қизни вояга етказиб, ўқитдик, уйли-жойли қилдик. Ҳозирда 13 нафар набира ва 3 нафар чеваранинг бобоси ва момоси бўлиб юрибмиз. Минг шуқр.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат, доимо шундай хушқайфиятда юришингизни тилаймиз.

Суҳбатдош ўз мухбиримиз Каримжон ЭРГАШЕВ.



Кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, аграр соҳани, шу жумладан, чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган Дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилаётир.

АРЗОН МАҲСУЛОТ – ФАРОВОНЛИК МЕЪЗОНИ

Бу борада Булунғур туманида 2023 йилда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжалиklarини ташкил қилиш дастури бўйича жами 9 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган ва бу борада маблағ масалаларини тижорат банклари билан ҳал этиш ва талаб этиладиган ускуналарни жойларга етказиб бериш чораларини кўришда ишлар олиб борилмоқда.

– Туманимизда ветеринария бўлими билан биргаликда чорва наслини яхшилаш мақсадида ҳар бир ҳудудда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этганмиз. Ана шу пунктлардаги амалий ишларимиз ва туманимизга ҳориждан олиб келинаётган қорамоллар ҳисобига чорва насли йилдан йилга яхшиланиб, гушт, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам ўсиш суръати кўзатишмоқда, – дейди чорва насл марказининг вакили Жамшид Ҳасанбоев.

Албатта, бу ҳам туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гушт ва сут маҳсулотларини кўпайишига ҳизмат қилади. Тумандаги “Нуриддин-А” фермер хўжалигида ҳам айни кунларда бир нечта сунъий уруғлантириш ҳосиласи бўлган бузоқлар парваришланмоқда. Ҳозирда фермер хўжалигида жами 51 бош қорамол бўлиб, улардан 20 боши сигир ва улардан кунига 300 литр сут соғиб олинмоқда. Албатта бу каби саъй-ҳаракатлар пировардида ва соҳага қаратилаётган эътибор ва изчил ислохотларнинг амалга кўчиши оқибатида, аҳоли дастурхонига фойда бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ортмоқда ва шу билан бирга иқтисодийетимизнинг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Сурапта: Чорва насл марказининг Булунғур туман вакили Жамшид Ҳасанбоев, “Нуриддин А” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Азимов.

G. HIRSUTUM L. GA MANSUB FЎZANING ATM-1 NAVINING TURLI ХУДУДЛАРДА ПАРВАРИШЛАНГАН ПОПУЛЯЦИЯЛАРИДА ТОЛА ЧИҚИМИ БЕЛГИСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация. *G. hirsutum L. ga mansub fўzaning ATM-1 navini Ўзбекистон Республикасининг турлича тупроқ ва иқлим шароитларида жойлашган қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли нав синаш станция ва участкаларида парваришланган популяцияларида тола чиқими белгиси кўрсаткичларининг намоён бўлиши тўғрисидаги маълумотлар ушбу мақолада таҳлил қилинган.*

Аннотация. *В данной статье анализируются данные о проявлении показателей выхода волокна в популяциях, выведенных на сортоиспытательных станциях и участках, принадлежащих центру по испытанию сортов ATM-1 G. hirsutum L., расположенных в различных почвенно-климатических условиях Республики Узбекистан.*

Annotation. *The article analyzes the data on the manifestation of fiber yield trait indicators in populations of the cotton variety ATM-1 belonging to G. hirsutum L. grown at the variety testing station and plots of the Agricultural Crops Variety Testing Center located in different soil and climatic conditions of the Republic of Uzbekistan.*

Сўнги йилларда мамлакатимизда пахтачилик соҳасини янада юксалтириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмода. Бу жабҳада юртимизда Кластер тизимининг фаолиятини йўлга қўйилиши билан фўзанинг янги нав ва дурагайларига бўлган талаб тубдан ўзгарди. Чунки, авваллари фўза ўсимлиги бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар асосан бир кўсақдаги пахта ва минг дона чигит вазни юқори кўрсаткичларини акс эттирадиган нав ва тизмаларини яратиш ишларига кўпроқ эътибор қаратилар эди. Эндиликда эса Кластер корхоналарининг ўзлари толани қайта ишлаш саноатининг мавжудлиги ва улар томонидан етиштирилган ҳар қандай фўза навининг толасини ўзлари қайта ишлаши ва сотиши ҳуқуқига эга эканлиги билан ушбу соҳада толаси чиқими юқори бўлган фўза навларига бўлган талаб кескин ортиб кетди. Фўза ўсимлигида тола чиқими белгиси кўрсаткичларига бир кўсақдаги пахта ҳамда минг дона чигит вазни кўрсаткичлари салбий боғлиқлик хусусиятларига эга бўлган белгилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу ўсимликнинг ҳосилида бир кўсақдаги пахта ва минг дона чигит вазни белгиларининг кўрсаткичлари юқори бўлса тола чиқими пасаяди, ёки аксинча, тола чиқими кўтарилса, кўсақ ва чигит вазни пасайиши табиий қонуният бўлиб, соҳа тадқиқотчилари ушбу қонуниятни бироз бўлса-да секин-аста ўзгартириб боришга, яъни мазкур бир-бирига тескари боғланган белгилар кўрсаткичларини имкон қадар яқинлаштириш,

ёхуд бирини кўтариш жараёнларида иккинчисининг пасайиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қиладилар [3].

Мамлакатимизнинг пахтачилик тизимида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тола чиқими белгиси кўрсаткичлари юқори кўринишда шаклланган бир қатор фўза навлари яратилган бўлиб, бу борада айниқса, соҳа изланувчилари ушбу фўза навларида тола чиқими ва бошқа белгилар кўрсаткичларининг бир неча авлод ўсимликларида намоён бўлишини, шаклланиши ҳамда барқарорлашуви жараёнларини назорат қилиб бориши мавзу бўйича ўрганиб, таҳлил қилинган тегишли адабиётларда ҳам атрофлича ёритилган [1-7.].

Тадқиқот объекти. ATM-1 фўза навининг тола чиқими белгиси кўрсаткичларининг 2011-2014 йилларда турлича бўлган тупроқ ва иқлим шароитларида парваришланган популяциялари ўсимликларида акс эттирган маълумотлари мазкур тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказиш услублари. Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил ва қиёслаш, таққослаш услубларидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Мақолада таҳлил қилинган фўза навининг ўрганилаётган белгисининг турли ҳудудларда намоён этган кўрсаткичларини қуйидаги жадвалда ёритилган маълумотларни тадқиқ этиш асосида аниқланади:

АТМ-1 ғўза навининг бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари

№	Йиллар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр					
		Худудлар	Андоза навлари	Кўрсаткичлар	АТМ-1 нави	Кўрсаткичлар	Андозага нисбатан фарқланиш
1	2	3	4	5	6	7	8
2	2011-2013	Шахрихон	Андижон-36	34.4	АТМ-1	35.8	-1.4
3	2012-2013	Қўрғонтепа	Андижон-36	4.9	АТМ-1	36.9	+0.2
4	2013	Ғиждувон	Бухоро-6	4.0	АТМ-1	39.0	+3.5
5	2012-2014	Жиззах	С-6524	5.4	АТМ-1	34.8	+0.4
6	2012-2014	Шахрисабз	Бухоро-6	5.1	АТМ-1	35.4	+0.3
7	2012-2014	Хатирчи	Бухоро-6	5.3	АТМ-1	36.1	+0.7
8	2013-2014	Мингбулоқ	Андижон-36	4.7	АТМ-1	35.2	-0.9
9	2012-2014	Самарқанд	Бухоро-102	5.7	АТМ-1	35.1	-0.6
10	2013-2014	Боёвут	С-6524	5.1	АТМ-1	36.2	+0.2
11	2011-2013	Оқ олтин	С-6524	5.3	АТМ-1	35.9	-0.1
12	2012-2014	Термиз	Наманган-77	5.1	АТМ-1	35.0	00
13	2012-2014	Денов	Наманган-77	5.3	АТМ-1	35.4	-1.4
14	2011-2013	Чиноз	С-6524	4.8	АТМ-1	35.3	-0.3
15	2012-2014	Боғдод	С-6524	5.2	АТМ-1	35.3	0.0
16	2012-2014	Хива	Хоразм-127	4.6	АТМ-1	30.4	-0.4

Жадвалда ёритилган маълумотларга биноан, мамлакатимизнинг турли худудларида экилиб, ҳосили етиштирилган ўрта толали ғўзанинг АТМ-1 навининг тола чиқими белгиси бўйича юқори кўрсаткичли маълумотлари Ғиждувон, Қўрғонтепа, Боёвут ва Хатирчи туманлари худудларида, энг паст кўрсаткичларни эса Хива, Жиззах, Термиз, Самарқанд ва Мингбулоқ туманларида ўстирилган популяцияларига хос ўсимликларнинг фенотипида намён этгани аниқланган.

АТМ-1 ғўза нави парваришланган 15 та худуднинг 14 тасида тола чиқими белгиси кўрсаткичларининг 35-36% атрофида намён бўлиши ва 6 та худудда андоза навларига нисбатан ижобий фарқланиши ушбу генотипнинг тола чиқими белгиси бўйича кўрсаткичлари шаклланиши жараёнлари барқарорлик ҳолатига ўтганлигини англатади. Негаки, ушбу ғўза нави тадқиқ этилаётган турли тупроқ-иқлим шароитларида илк бор ўрганилган. Андоза навлари эса, бир неча йиллардан буён шу худудларда кенг майдонларда экилиб, уруғчилик ишлари натижа-

сида айна худудларда мослашувчанликни намён этган ўсимликларнинг ҳосилидан яққа ва ялпи танлаш усулларини қўллаш асосида кўпайтириб келинаётган генотиплар ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, турли худудларда илк бора экилиб, ўрганилган АТМ-1 ғўза навини ҳам ўша шароитларда ўстирилган бир неча авлод ўсимликлари орасидан мавжуд тупроқ-иқлим вазиятида адаптивликни энг яхши ҳолатда намён этган ниҳолларидан яққатанлов намуналарини йиғиштириб олиниб, уларнинг сифати кўрсаткичлари лаборатория шароитларида ўрганилган ҳолда саралаш ишлари давом эттирилган тақдирда мазкур ғўза навининг айна худудлардаги популяцион таркиби имкониятлари янада ошади деган хулосага келишимиз мумкин бўлади.

Байрамбай СЕИТМУСАЕВ,

Тошкент давлат аграр университети,

Ориф ЭРГАШЕВ,

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов Э.Б., Саидов Ж.И., Абдурахмонов Х.Э. "Танлов нав синовидаги янги ғўза навларининг қимматли хўжалик ва сифат кўрсаткичлари". "Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни

парваришлар агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 2013 йил 4-5 декабрь, 373-375 б.

2. О.Р.Эргашев “Ўзанинг янги “ЎзФА-710” нави популяциясида тола чиқими белгиси кўрсаткичлари бўйича уч йиллик таҳлилий натижалар”. Агро Илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2019 йил, 3 сон, 8-9-б.

3. О.Р.Эргашев “G.hirsutum L. турига мансуб янги ғўза навида айрим хўжалик белгиларининг бир неча авлодларда фенотипик намоён бўлиши”. Агро илм. Тошкент, 2020. 2 (65) сон, 7-8 бет.

4. Т.Э.Яминов, С.М.Набиев, Э.Ё.Каримов, О.Ж.Жалилов “Янги истиқболли ғўза навлари ва уларнинг самарадорлиги”. Пахтачилик ва дончилик илмий техника журнали 2001 йил, 2 сон, 5-6-б.

5. Я.Бабаев, Г.Оразбаева, М.Мираҳмедов, Р.Бардиева “Ўрта толали ғўза тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари”. Агро Илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2019 йил, 3 сон, 12-13-б.

6. Юлдашева Р.А., Амантурдиев И.Ф. “Ўзанинг юқори авлод дурагайларида тола чиқимининг шаклланиши ва ўзгарувчанлиги”. “Генетика, Геномик ва биотехнологиянинг замонавий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017-й, 121 б.

7. Қаҳҳоров И.Т., Эргашев О.Р., Ҳакимов А.Э. “Янги нав – янги хусусиятлар”. “AGRO ILM” журнали, 4[48]-сон, 2017. 8-9 б.

ТАДҚИҚОТ

ЧИЛОНЖИЙДА – УНАБИ

Аннотация. Мақолада унабини келиб чиқиш тарихни устида илмий изланишлар қилган олимлар, таркиб қисми кўпайтириш усуллари келтирилган.

Аннотация. В статье представлены ученые, проводившие научные исследования по истории происхождения унаби, методы увеличения содержания.

Annotation. In the article, scientists who have done scientific research on the history of the origin of unabi, methods of increasing the content are presented.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 19 ноябрдаги “Унаби (Чилонжийда) плантацияларини кенгайтириш, унинг шифобахш ва озик-овқатлик хусусиятларидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги” 851-Ф сонли фармойишига биноан ушбу фойдали ва шифобахш ўсимликни Республикамизда янада кенгроқ кўламда ўстириш тадбирлари кўзда тутилмоқда. Республикамиз ўрмон фонди ерларида чилонжийда ўстириш ва ундан юқори ҳосил олиш учун имкониятлар етарлидир. Чилонжийда жуда қадим замонлардан халқ табобатида турли касалликларни даволашда қўлланилган.

Ушбу шифобахш ўсимликни халқ орасида оммалаштириш ва она коллекциясини барпо этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари 2015-2016 йилларда Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти қошида КХИ-5-041-2016 “Чилонжийда навлари ва истиқболли шакллари кўчатларини етиштириш ва оналик плантациясини барпо этиш” мавзусидаги инно-

вацион лойиҳаси доирасида ўтказилган. Кейинги йиллардаги биокимёвий тадқиқотлар чилонжийда меваси, барги ва пўстлоғи таркибида кўплаб витаминлар ва биологик фаол моддалар мавжудлигини кўрсатди. Чилонжийда - республикамизда янги, истиқболли субтропик мевали дарахт сифатида кенг тарқалмоқда. Чилонжийда мевалари серҳосиллиги, қимматли озукавий хусусиятлари, дориворлик хоссаларига кўра алоҳида ажралиб туради. Чилонжийда ер юзида кенг тарқалган ўсимликлар қаторига киради, у тропик, субтропик ва илиқ иқлимли ҳудудларда ўсади. Бу ўсимлик Ўрта Ер денгизи давлатларида, Болқон яриморотида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитой, Мўғулистон, Корея, Япония, Ҳиндистон ва Осиё жанубидаги бошқа мамлакатларда ҳамда Африка, Австралия, Янги Зеландияда ўсади. Чилонжийда, шунингдек, бизнинг жанубий ҳудудлардаги вилоятларнинг тоғли районларида ёввойи ҳолда учрайди.

Чилонжийда (*Zizyphusjujiba*) дарахти

У катта ва кичик Кавказ тоғ тизмалари ҳамда Қрим тоғлари қояларида ҳам ўсади. Марказий Осиё республикаларининг жанубий худудларида, денгиз сатҳидан 1500 метргача баландликдаги тош-шағал тупроқли қияларда, тепаликларда ва бошқа ерларда ёввойи чилонжийдани учратиш мумкин. Чилонжийда ёввойи ҳолда Сурхондарё (Тўпаланг дарёси воҳасида) ва Тошкент (Хўжакент ва Хумсон қишлоқлари тоғларида) вилоятларида учрайди.



Бу ўсимлик Туркменистонда Копетдоғ тоғининг ғарбий томонида, Қорақалъа районида Сумбар дарёсининг ўрта оқими бўйлаб Айдар дарасида, Тожикистонда эса Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий қияликларида (Фарзаб ва Кофарниҳан дарёлари воҳасида), Болжуан атрофида ва Панж дарёси ёқаларида ўсади. Оддий чилонжийда кўп миқдорда Кавказ ва Маказий Осиё республикаларида, Қримда, айниқса, Ўзбекистон ва Озарбайжонда маданий шароитларида ўстирилади. Чилонжийдани фақат дориворлик хусусияти учун эмас, балки кўпроқ мевали дарахт бўлгани учун ҳам истеъмол қилиш мақсадида қизиқиш катта. Шу сабабли, кўпгина давлатларда, жумладан, Хитойда йирик мевали серҳосил навлари яратилган. Шулардан бир қанчаси Ўзбекистон шароитида Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти (Тошкент вилояти) далаларида илмий ходим Л.Т. Тошматов томонидан ўстирилиб синаб кўрилган. Ўтказилган синовлар натижасида бу чилонжийдалар Ўзбекистон республикаси озиқовқат саноатида турли қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ва консервалар (шарбат, мураббо ва

б.) қилиш учун талабга ҳар томонлама тўлиқ жавоб беради деб топилган, булар Хитойдан келтирилган Таян-цзао ва Дабай-цзао навларидир. Бу навларни боғдорчилик соҳасига жорий этиш мақсадида Ўзбекистонда 1960 йилда махсус қарор қабул қилинган ва 1962 йилдан бошлаб Республикамиз хўжаликларининг далаларида кўплаб ўстириш бошланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг 23 та хўжалик далаларида, жумладан, Самарқанд вилоятида Дағбед давлат кўчатчилик хўжаликларида, Тошкент, Андижон, Наманган ва Избоскан мева-кўчатзори давлат хўжаликлари Тошкент давлат аграр университетининг Чимбойдаги тажриба далаларида (Қорақалпоғистон) М.М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги филиал ва тажриба станцияларида ва бошқа хўжаликлар далаларида Та-ян-цзао ва Да-бай-цзао каби Хитойдан келтирилган чилонжийда навлари кўплаб ўстирилмоқда.

Чилонжийданинг гуллаши

Чилонжийданинг қимматли хусусиятларидан бири – унинг ўта мослашувчанлигидир, у қурғоқчиликка ва иссиққа чидамли, совуққа бардошли бўлиш билан бир пайтда ҳар йили ҳосил беради. Чилонжийда навлари -20°C совуққа зарар кўрмасдан чидайди. Чилонжийданинг кеч гуллаш хусусияти унинг баҳорги совуқлардан зарарланмасдан ўтишини таъминлайди. Чилонжийдани Республикамиз шароитларида кўпайтириш ва кўчатларини плантацияларда жойлаштириш агротехникаси ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Чилонжийда мевали ўсимлик сифатида ҳам аҳоли орасида кенг тарқалмоқда. Меваси таркибида катта миқдорда қанд (55% гача) ва витаминларнинг мавжудлиги уни янги терилган ҳолда, қуритилган ва консерваланган ҳолда истеъмол қилиш



мумкин. Мевасини шакарли сиропда қайнатиб “Цукат” тайёрлаш мумкин.

Табиатда чилонжийда (Зизифус ююба – *Zizyphus jujiba*) 3-4 метргача баландликдаги кичик дарахт, ужумрутдошлар (*Rhamnaceae*) оиласига мансуб ўсимликдир. Зизифус (*Zizyphus*) туркумига доим яшил ва баргини тўқувчи дарахт ва буталар киради Маданий шароитларда 8-10 метргача ўсиши мумкин. Йирик дарахтларининг асосида диаметри 40-50 см атрофида бўлиши кузатилади. Шох-шаббаси тўрсимон. Кўп йиллик новдалари оч тусли жигарранг, тўқ жигарранг 1-1, 5 см узунликдаги тиканлари мавжуд. Барг пластинкасининг узунлиги 3,5-4 см, эни 1,5-2 см, четлари тўмтоқ, тишсимои, устки томони туксиз, ялтироқ, ранги яшил пастки томони оч яшил, томирлари тук билан қопланган. Барг банди ҳам тукли, майда яшилсимои рангли гуллари барг қўлтигидан ўсиб чиққан ярим соябон тўпгулга жойлашган. Чилон барглари жуда кеч, апрел охирлари – майнинг биринчи декадасида ўсиб чиқади. Чилон гуллари юлдузчали, яшилсимои-сарик, ҳидли, майда 0,3-0,4 см диаметрга эга, икки жинсли, қисқа бандларда ва барг қўлтиқларида 5 тадан бўлиб жойлашган. Улар жуда майда, косачабарглари 5 та, баъзан 6 та кенг учбурчаксимои ёки овал, сарик-яшил рангда, майда тукли. Гулбарглари майда қайиқсимои шаклда яшил-сарик рангда.



Чилон меваси эллипсимои, кам ҳолларда овал шаклдаги, маданий навлари ноксимои шаклдаги кўринишга эга бўлиб, 1,5-2,2 см узунликда, 1-1,5

см диаметрга эга. Мева ранги қизғиш-ғиштсимои рангда, пўстлоғи ялтироқ, мева эти ширин унсимои-қуруқ. Меваси шарсимои ёки чўзинчоқ, майда (узунлиги тахминан 1,3 см, эни 1,2 см) шираси кам, юмшоқ қисми қуруқроқ, мазаси нордон-ширин.

Чилонжийда таркиби 20-28% қанд, 2,93% оқсил, 3,7% мой, 0,2-0,5% кислота, С, Р, А витаминларига бой. Ундан қон томирларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун рутин дориси олинади. Чилонжийда кўчатлари сув билан яхши таъминланган майдонларга 6x4 схемасида экилади. Кўчат экиладиган 60x60 см ҳажмда бўлиши керак. Ҳар бир чуқурга бир челақ чириган махаллий ўғит, 150 г селитра, 200 г суперфосфат ва 100 г калий ўғитлари аралаштириб солинади. Кўчатни экишда пайванд қилинган илдиз бўғзи ер сатҳидан 5-6 см юқорироқ экилиши керак. Сув қуйиш натижасида тупроқ чўкиб, ер сатҳи билан баробар бўлиб қолади. Экилган кўчатлар ён новдаларининг 3x1 қолдирилиб кесиб ташланади. Ўртадаги асосий новда узунроқ қолдирилади. Икки йилга келиб, ўртадаги асосий новда кесиб ташланиб, кўчатга косасимои ёки кўзасимои шакл берилади. Ҳосилга кирган дарахтни кесишда унинг ичкариларига қуёш ёруғлиги ва ҳаво яхши кирадиган бўлиши керак. Экилган кўчатлар ёшлигида 8-12 марта суғорилади. Ҳосилга кирганлари атрофига чириган гўнг, 300-400 г суперфосфат 150-200 г калий ўғит бериб, ости чопиб юмшатилади. Ўсиш даврида эрта баҳорда ва июнь ойида 250-300 г миқдорда селитра суғорилди. Бундай усулда унаби самарали ўстирилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкин-ки, Юртимиз ҳудудида чилонжийдазорларни кўпайтириш ишларини олиб боришимиз ва уни қайта ишлаш соҳасини йўлга қўйишимиз, шу билан биргаликда, бўш иш ўринлари яратишимиз мумкин.

Худоёр АРАЛОВ, доцент,
Хулкар ҚОРЖОВОВА, талаба,
Жиззах политехника институти.

АДАБИЁТЛАР

1. “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озиқабоб ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора тadbирлари тўғрисида”.-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 январ даги № 5-сонли мажлис баёни, 1.12 банди. Тошкент, 2015 йил.
2. “Унаби (Чилонжийда) плантацияларини кенгайтириш, унинг шифобахш ва озиқ-овқатлик хусусиятларидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 19 ноябрдаги 851-ф сонли фармойиши– Тошкент, 2014 йил.

3. Ахмедов Ў.А., Холматов Х.Х. Чилонжийда – Доривор ўсимлик.– Тошкент Ибн Сино номидаги нашриёт; 1993 й-18 б.

4. Айрапетов А.Г. Унабиевая муха – вредитель плодов унаби в АзССР. Бюллетень по культурам сухих субтропиков. Баку, 1940, №5. –С. 32-37..

5. Алексев В.П. Растительные ресурсы Китая. – Ленинград, Изд. Всесоюзного. Института растениеводства (ВИР), 1935.– 87с.

6. Асланов С. Лучшие сорта унаби в Азербайджане. //Журн. “Соц. сельское хозяйство Азербайджана”, 1954, №3.–С. 23-25.

7. Абдураззоқов В.А, Желтикова Т.А, Карпенко Ю.А, Фимкин В.П. Кенг баргли дарахтлар. Чилонжийда (Зизифус юуба) //Ўзбекистон табиати ёдгорликлари, Тошкент, “Меҳнат”, 1987-45 б.

УЎТ: 635:631.6:631.544

ТАДҚИҚОТ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ, ТУРЛИ ПЛЁНКАЛАР БИЛАН МУЛЧАЛАШНИНГ ПОМИДОР ЎСТИРИШДАГИ САМАРАСИ

Annotation. The article presents the results of studying the effect of various irrigation methods and types of mulching on the growth, development and yield of tomato varieties Volgogradsky 5/95 and Mustakillik-28.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида сувдан, ердан, ўғит, техника, ўғит ва ишчи кучидан самарали фойдаланиш сабзавот экинларини тўғри танлаш, ўсимликни ўсув даври давомида етарли намлик билан таъминлашга боғлиқ [6,7].

Сабзавот экинларини, айниқса, кўчат усулида ўстириладиган қарам, помидор кабиларни ўз вақтида ва меъёрида текис бир хил сув билан таъминлаб, барқарор, мўл ва сифатли ҳосил олиш кўп жиҳатдан суғориш тартиботи, технологияси ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кенг жорий этишга боғлиқ.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сабзавотчилигида эгатлаб суғориш билан истиқболли усул сифатида томчилатиб суғориш жорий этилмоқда. Чунки, томчилатиб суғориш сувни 40-60% тежаш, ирригацион эрозияга қарши курашиш, бегона ўтларни йўқотишга, қатор орасини ишлашни минималлаштириш, ўғит, гербицид ва фунгицидлардан самарали фойдаланиш кабиларга имкон яратиши маълум.

Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида помидор экинини турли суғориш усулларида ва ҳар хил мулчлаш турларида ўстирилганда ўсимлик ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири етарлича ўрганилмаган. Шуни ҳисобга олиб, биз Қарши тумани Беклар

МФЙ Ражаб Мустафоев томорқа хўжалигининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида махсус дала тажрибаси ўтказдик.

Тадқиқотнинг мақсади помидор “Волгоградский-5/95” ва “Мустақиллик-28” навларини эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулларида шаффоф ва қора плёнкалар билан мулчлашнинг помидор экинни суғориш тартиботи кўрсаткичларига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳи ҳосил бўлиши, маҳсулдорлик элементлари – бир туп илдиз, палак ва мева ҳосилига умумий ва товар ҳосилдорлигига, пишган меванинг биокимёвий таркибига 1 м³ сувнинг ҳосил чиқими ёки 1 ц ҳосилга сув сарфини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот объекти сифатида иккита суғориш усули (эгат ва томчилатиб), 3 та (мулчасиз (назорат), ёруғлик ўтказувчи шаффоф ва қора плёнка билан мулчлаш) вариантларида помидор “Волгоградский5/95” ва “Мустақиллик-28” навлари 1-репродукция уруғларидан етиштирилган 5-7 чинбаргли кўчатлар олинди.

Эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулларида эгатлар узунлиги 90 м қилиб олиниб, ҳар 30 м мулчасиз, шаффоф ва қора плёнка билан ёпилди. Сўнгра кўчатлар ўтказилди. Экиш 70x20 см тартибда 26 мартда амалга оширилди. Десянкалар майдони 84 м² (мулчлаш бўйича),

42 м² (навлар бўйича), суғориш усули бўйича эса 252 м². Такрорлар сони 3 та бўлди. Иккала суғориш усулида суғориш тартиботи чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га 65-75-80%, яъни кўчат ўтказилгандан гуллашгача 65%, гуллашдан пишиш бошлангунча 75%, пишиш бошлангандан охириги теримгача 85% ушланди. Суғоришолди тупроқ намлигидаги фарқланиш 2-3% дан ошмади. Суғориш схемаси иккала ўрганилган помидор навларида ҳам эгатлаб суғорилганда мулчасиз вариантда 15 марта суғорилиб 2-2-11, ёруғлик ўтказувчи шаффоф ва қора плёнка билан мулчаланганда эса 11 марта суғорилиб, 1-1-9 ни ташкил этди. Тажриба даласининг 0-50 см қатламида ЧДНС 21,46% ни ташкил қилиб, суғориш меъёрлари эгатлаб суғорилганда кўчат ўтказилгандан гуллашгача бўлган даврда 803-818, “гуллашдан пишишгача” даврда 562-582, пишиш бошлангандан охириги теримгача бўлган даврда эса 450-487 м³/га бўлиб, томчилатиб суғоришда эса 0-50 см тупроқ қатламида намликни белгиланган меъёрда, яъни 1-даврда 65% да сақлаш учун 340-404, иккинчи даврда 75% да ушлаш учун 242-291 ва 3-даврда 80% ни таъминлаш учун 221-238 м³/га меъёрда суғорилди. Сув сарфини ҳисоблаш “Чиполетти” сув ўлчагичи ёрдамида амалга оширилди.

Тажриба даласида барча агротехник тадбирлар, кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар ва агротавсиялар асосида олиб борилди [1,2,3,4,5].

Суғориш усуллари ва мулчалаш турлари помидор навларининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига сезиларли таъсир этиши аниқланиб, помидорнинг “Волгоградский-5/95” нави эгатлаб суғорилиб, мулчасиз ўстирилганда ўсув даври 67 кунни, шаффоф плёнка билан мулчаланганда 65 кунни, қора плёнка билан мулчаланганда 62 кунни, яъни мулчасиз вариантга нисбатан 2-5 кунга жадаллашгани кузатилди. Помидорнинг “Мустақиллик-28” навида ҳам ушбу қонуният қайд этилди ва ўсув даври 58-63 кунни ташкил қилди.

Томчилатиб суғориш усулида иккала ўрганилган помидор навларида ўсув даври эгатлаб суғоришга нисбатан 1-3 кунга тезлашгани аниқланиб, мулчасиз вариантда 61-65 кунни, шаффоф плёнка билан мулчаланганда 59-63 кунни, қора плёнка билан мулчаланганда эса 56-61 кунни ташкил этиши қайд этилди.

Ўсимлик бўйи, барг сатҳи ва ёншоҳлар сони

эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулларида қора плёнка билан мулчаланган вариантда энг юқори бўлиши кузатилиб, ўрганилган “Волгоградский-5/95” ва “Мустақиллик-28” навларида энг баланд бўйли (70,7-73,2 см), барг сатҳли (0,75-0,77 м²) ва сершоҳли (4,9-5,1 дона) ўсимликлар томчилатиб суғорилганда қора плёнка билан мулчаланганда олинди.

Маҳсулдорлик кўрсаткичлари суғориш усуллари ва мулчалаш турлари бўйича кескин фарқланиб, бақувват илдиз (111-118 г), палак вазни (467-493 г) ҳамда маҳсулдорлик (561-598 г) эгатлаб ва томчилатиб суғориш усулларида қора плёнка билан мулчаланганда қайд этилди. Энг паст маҳсулдорлик кўрсаткичлари, яъни илдиз вазни (104-106 г), палак массаси (436-444 г) ва маҳсулдорлик (514-532 г) эгатлаб суғорилганда, мулчасиз вариантда помидорнинг иккала навларида ҳам олинди. Турли эгатлаб ва томчилатиб суғориш усуллари ва мулчалаш турларида помидор навларининг ҳосилдорлиги гектаридан 26,5 дан 43,6 тоннагача фарқланди.

Эгатлаб суғорилганда шаффоф плёнка билан мулчалаш навлар бўйича 3,5-3,7 т/га ёки 111,8-114,0%, қора плёнка билан мулчалаш эса, 5,9-6,2 т/га ёки 118,8-123,4% қўшимча ҳосилдорликни таъминлаган бўлса, томчилатиб суғориш усулида бу кўрсаткич 3,9-4,7 (113,0-113,2%) ва 6,6-7,4 т/га (120,4-122,3%) ни ташкил этди.

Томчилатиб суғориш усули эгатлаб суғоришга нисбатан мулчалаш вариантда навлар бўйича 3,1-4,8 т/га, шаффоф плёнка билан мулчаланганда 3,3-5,8 т/га, қора плёнка билан мулчаланганда эса 3,5-6,3 т/га қўшимча ҳосил олишни таъминлади. Энг юқори ҳосилдорлик (36,2-43,6 т/га) сифатли биокимёвий таркиб билан иккала ўрганилган помидор навларида ҳам томчилатиб суғориш усулида қора плёнка билан мулчаланган вариантда олиниши маълум бўлди. Бунда суғориш учун кетган ҳар 1 м³ сувга ҳосил чиқими энг юқори (8,96-10,79 кг) ёки 1 центнер ҳосил учун сарфланган сув микдори энг кам (9,3-11,2 м³) ни ташкил этди.

Хулосалар. Помидор навларининг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳи ҳосил бўлиши, илдиз, палак шаклланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари суғориш усули ҳамда мулчалаш турларига боғлиқ бўлиб, энг баланд бўйли (70,7-73,7 см), барг сатҳли (0,75-0,77 м²), шохланган (4,9-5,1 дона), бақувват илдизли (116-118 г), палакли (491-493 г), маҳсулдор туплар (593-598 г) томчилатиб

суғориш усулида қора плёнка билан мулчаланганда кузатилди. Шунда ўсув даври мулчасиз вариантга нисбатан 4-5 кунга жадаллашиши аниқланди. Энг юқори ҳосилдорлик (33,5-43,6 т/га) сифатли биокимёвий тартибда ҳамда сувдан

самарали фойдаланишни томчилатиб суғориш усулида мулчаланган (айниқса, қора плёнка билан) вариантлар таъминланиши маълум бўлди.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ, профессор,
Юлдуз ТЕМИНОВА, ҚарДУ магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилиқда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2002. -Б. 217.
2. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Москва., 1992. -С. 320.
3. ЎзР ҳузурида экишга тавсия этилган қ.-х. экинлари Давлат реестри. Тошкент, 2022. -Б.103
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. Агропромиздат. 1985. -С. 351.
5. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. 2011. -С. 648.
6. Низомов Р.А. Помидор етиштириш (очик майдонда). Тошкент, 2021. -Б. 82.
7. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.К. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Дарслик. Тошкент. 2019. -Б. 552.

TADQIQOT

CHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISH VA MAHSULOT YETISHTIRISHGA EKSTERNALIYLAR TA`SIRI

Annotatsiya. Ushbu maqolada yerlarning sho`rlanishi, mintaqa ekologik tizimida suv tanqisligining kuchayishi sharoitida chorvachilik sohasida tahlillar keltirilgan.

Аннотация. В данной статье приводится анализ в сфере скотоводства в условиях засоления земель, обострения нехватки воды в экологической ситуации региона.


Annotation. This article provides an analysis in the field of breeding in conditions of salinization of land, aggravation of water shortage in the ecological situation of the region.

Kirish. Mintaqada qishloq xo`jaligini rivojlantirish hamda unga eksternaliyalarni ta`sirini aniqlash bo`yicha tahlil natijalarining ko`rsatishicha, qishloq xo`jaligi mintaqa iqtisodiyotida yuqori ulushga ega, aholi bandligi hamda daromadlarini oshirishda muhim bo`lgan sohalardan biri ekanligi aniqlandi. Shuningdek, ekologik vaziyatning murakkablashuvi suvsizlik muammosining keskinlashuvi, yerlarni sho`rlanishi sharoitida aynan chorvachilik sohasini rivojlantirish istiqbolli va daromadli sohalardan biri ekanligi tahlillar natijasida o`z tasdig`ini topdi.

Mintaqada yer fondi, xususan, yaylovlar va pichanzorlarning ko`pligi, aholining azaldan chorvachilik bilan shug`ullanib kelganligi va yetarli tajriba va ko`nikmaga ega ekanligi kabi omillar chorvachilikni rivojlantirish uchun yana bir asos bo`lib xizmat qiladi. Bundan tashqari, yerlar sho`rlanishi va suv tanqisligi mavjud bo`lgan sharoitda chorva uchun yetishtiriladigan em-xashak boshqa ekin turlariga nisbatan samarali ekanligi asoslangan.

Biroq shunday bo`lishiga qaramasdan, tad-

qiqotlarimiz natijalariga ko`ra mintaqada mahsulot yetishtirishda keyingi 30 yilda teskari tendentsiya kuzatilgan. Ya`ni mintaqada chorvachilik bilan shug`ullanish va chorvachilik mahsulotlari yetishtirish samarali sohalardan ekanligiga qaramasdan boshqa yo`nalishlarda e`tibor qaratib kelingan. Natijada, 1991 yilda ozuqa ekin maydonlari 129602 gektarni tashkil qilgan bo`lsa, 2020 yilga kelib ushbu ko`rsatkich 23471 gektargacha kamaygan, ya`ni 5,5 barobarga kamaygan. Boshqa tomondan esa



1-rasm. Qoraqalpog`iston Respublikasida bir gektar ozuqa maydoniga to`g`ri keladigan qoramollar bosh soni o`zgarishi.

mintaqada mavjud qoramollar soni oshishi kuzatilib, 3,1 barobarga oshgan, natijada, bir gektar ozuqa maydoniga to'g'ri keladigan qoramollar bosh soni 2.9 birlikdan 48,9 birlikka ko'tarilgan (1-rasm).

Mazkur o'zgarishlar sabablarini o'rganish natijalariga ko'ra, dastlabki davrda, ya'ni 1991-2001 yillarda qoramollar bosh sonida sezilarli o'zgarish kuzatilmagan, biroq oziqa ekin maydonlari keskin kamaygan. Ya'ni qoramollar soni atigi 2 foizga oshgan bo'lsa, ozuqa ekin maydonlari 3,4 barobarga kamaygan.

2001-2006 yillarda ikkala ko'rsatkich o'zgarishida ham bular o'z navbatida hududda chorvachilik rivojini ta'minlash uchun uning o'ziga xos bo'lgan xususiyatlarini ko'rib chiqishni talab qiladi. Tahlillardan ma'lum bo'lishicha, 1991-2020 yillar mobaynida mintaqada chorvachilik mahsulotlari yetishtirish hajmi 3.2 barobarga oshgan. 2001-2006 yillarda 2004 yildagi ozuqa maydonining keskin pasayishini hisobga olmaganda o'zgarishlar past sur'atlarda sodir bo'lgan.

2006 yilda kelib O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006 yil 23 martda "Shaxsiy yordamchi, dehqon va fermer xo'jaliklarida chorva mollari ko'paytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PK-308-son qarorining qabul qilinishi undan keyingi davrda mintaqada qoramollar bosh sonining yuqori sur'atlarda o'sishiga sabab bo'ldi. Natijada, 2010 yildagi o'zgarishni hisobga olmaganda ozuqa ekin maydonlari o'zgarishsiz qoldi, biroq qoramollar bosh sonining yuqori sur'atlarda o'sishi davom qildi. Bu o'z navbatida ozuqa tanqisligi va chorvachilik mahsulotlari tannarxining oshishiga olib keldi.

2016 yildan boshlab qoramollar bosh soni yuqoriroq sur'atdagi o'sishga ega bo'lishi keltirib o'tilgan muammoning ahamiyatligini oshirdi. Hukumatimiz tomonidan mazkur masalani yechishga alohida e'tibor qaratilgani holda O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 2019 yil 8 noyabrda "Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilik tarmoqlarini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4512-

son Qarori qabul qilindi [2]. Ushbu hujjatda tumanlar hokimlari yangidan foydalanishga kiritiladigan yer maydonlarining faqat ozuqa ekinlari ekish uchun ajratib berilishiga, ozuqa uchun ekinlarning to'liq ekilishiga va ularning agrotexnikasiga, shuningdek, yetishtiriladigan hosilning chorvachilik xo'jaliklari va aholiga tizimli yetkazib berilishiga shaxsan javobgarligi, shuningdek, yaylovlar chorvachiligida naslchilik ishlarini tashkil etish nasldorligini tasdiqlovchi hujjatlari bo'lgan, identifikatsiya qilingan va zoti bo'yicha rayonlashtirilgan naslli buqalarning muzlatilgan urug'laridan sun'iy urug'lantirish orqali amalga oshirilishi belgilab berildi.

Mazkur yo'nalishda amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning davomi sifatida Qoraqalpog'iston Respublikasida umumiy qiymati 490 mlrd so'mlik 236 ta chorvachilik sohasidagi loyihalar shakllantirildi, Qo'ng'iro't, Bo'zatov, Mo'ynoq va Taxtako'pir tumanlarida 5,5 ming bosh qoramolga mo'ljallangan oilaviy chorvachilik kooperatsiyalari tashkil qilish bo'yicha ishlar boshlandi.

Xulosa. Natijada, yuqorida keltirilgan hujjatlarda Qoraqalpog'iston Respublikasi Bo'zatov, Mo'ynoq, Taxtako'pir va Qo'ng'iro't tumanlarini chorvachilikka ixtisoslashtirish, ushbu hududlarda zamonaviy chorvachilik komplekslarini ishga tushirish yaylov va pichanzorlardan samarali foydalanish chorvachilikdagi mavjud muammolarni bartaraf etishning istiqbolli yo'nalishlaridan biri sifatida belgilab berildi.

Ozuqa ekin maydonlarini kengaytirish, yaylovlardan foydalanishda optimal natijalarga erishish mavjud imkoniyatlar va yetishtirilgan biomassadan kelib chiqqan holda chorvachilikning mos yo'nalishlarini rivojlantirish talab qilinadi. Tabiiyki, chorvachilik mahsulotlarini yetishtirishda uning yo'nalishlari bo'yicha tarkibi muhim ahamiyat kasb etadi. Fikrimizcha, chorvachilik yo'nalishlari tarkibi optimal nisbatlarini ta'minlashda hududning rivoji va imkoniyatlari, yer fondining strukturasi, qishloq xo'jaligining rivojlanganlik darajasi kabilarni hisobga olish lozim bo'ladi.

Lola URAZBAEVA,

Qoraqalpog' davlat universiteti katta o'qituvchisi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasining "Yaylovlar to'g'risida"gi Qonuni. 20.05.2019. O'RQ-538.
2. "Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilik tarmoqlarini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentning Qarori, 8.11.2019 yil PQ-4512-son.
3. O'.R.Qo'chqorov. Chorvachilik mahsulotlarining davlat standartlariga mosligini aniqlash asoslari. T. Cho'lpon, 2003.
4. Sauxanov J.K. Qishloq xo'jaligida tashqi samara (eksternaliy)lar ta'sirini optimal tarzda tartibga solish (Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida). Monografiya. – Toshkent: Fan, 2013. 144 b.

ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚНИ ЎСИМЛИК ҚОЛДИҚЛАРИ БИЛАН БОЙИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Annotation. The fertility of the soils of the Republic of Karakalpakstan is low, as it is known that such soils have very little organic matter due to the fact that there are very few plant residues. A field experiment was conducted in order to increase the organic mass in the soil, i.e. plant residues. In this case, leguminous grain and leguminous oilseed crops were planted and additional 10 and 20 t/ha of organic fertilizers were applied to them, and in another method, mung bean was planted for siderate after the previous crop, and then winter wheat was planted with 20 t/ha of organic fertilizers.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрга чидамли экин турларини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда дунё бўйича 223,5 млн гектарда буғдой, 32,0 млн гектарда ғўза, 121,5 млн гектарда соя, 12,6 млн гектарда мош экилиб, буғдойдан 735,8 млн т, пахтадан 25,0 млн т., соядан 334,9 млн т. ҳосил етиштирилмоқда. Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан асосий мақсад тупроқ унумдорлигини ошириш бўлиб, бу масала бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Органик моддаларнинг тупроқда кўп ёки кам бўлиши, унумдорлигининг паст ёки юқори бўлиши тупроқда қоладиган ўсимлик қолдиқлари миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ерлари унумдорлиги паст ва шўрланганлиги билан ажралиб туради. Ҳар йили қайта шўрланиш сабабли тупроқнинг шўри ювилади, натижада, озиқ элементларнинг бир қисми пастки қатламларга ювилиб кетади. Ерга бериладиган органик ўғит миқдори жуда кам, ўсимлик қолдиқлари жуда оз миқдорда бўлиб, деярли ҳамма майдонларда тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи экинлар экилиши сабабли тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун, дастлаб тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилиши керак.

Тажриба даласида 1-вариантта кузги буғдой 2017 йили кузда экилиб, ҳосил 2018 йил июн ойида йиғиб олинди. Ҳосил йиғиб олингандан

кейин 1 м² майдонда икки жойдан монолит усулда илдиз ва анғиз қолдиқлари 0-30 ва 30-50 см қатламлардан олинди.

Кузги буғдой монокультураси ҳисобланди: 1-вариантда тупроқнинг 0-30 см қатламида анғиз ва илдиз қолдиқлари 16,8 ц ва 30-50 см қатламда 1,1 ц, жами 0-50 см қатламда 17,9 ц анғиз ва илдиз қолдиқлари қолгани аниқланди.

2018 йили баҳорда чигит экилган 2-9-вариантларда мавсум охирида 0-30 см қатламда 9,8-11,0 ц ва 30-50 см қатламда 3,2-4,3 ц миқдорда, жами 0-50 см қатламда 13,5-14,5 ц анғиз ва илдиз қолдиқлари қолди. Тупроқда қолган ўсимлик ва илдиз қолдиқлари миқдори бўйича вариантлар орасида деярли фарқ бўлмади. Бу қўлланилган агротехник тадбирларнинг ҳамма вариантлар учун бир хил бўлишидан деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш жоизки, тупроқда қолган ўсимлик ва илдиз қолдиқлари миқдори кузги буғдойдан кейин қолдирилган ўсимлик ва илдиз қолдиқларидан 5,5-6,5 центнерга кам бўлишлиги кузатилади. Кузги буғдой ва ғўзага минтақа учун тавсия қилинган минерал ўғитлар берилди, тегишли агротехник тадбирлар қўлланилди.

Биз тажрибада 2019 йили қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимига киритилган ғўзадан кейин экиладиган кузги буғдойдан олдин баҳорда ўтмишдош экинлар сифатида мош, кунжут ва соя дон учун экилиб кейин кузги буғдой экилди, дуккакли экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин 10 ва 20 т/га гўнг берилиб кузги буғдой экилди ва дон учун мош + оралиқ экин (мош) + 20 т/га гўнг берилиб кузги буғдой экилди.

Ўтмишдош экинлардан кейин тупроқда қанча ўсимлик ва илдиз қолдиқлари қолганлиги монолит усулида аниқланди.

Тажрибанинг 1-вариантида кузги буғдой экилди ва ундан сўнг тупроқнинг 0-50 см қатламида 17,9 ц анғиз ва илдиз қолдиқлари қолди.

Кузги буғдойдан олдин ўтмишдош экин сифатида дон учун мош, кунжут ва соядан сўнг тупроқнинг 0-50 см қатламида 13,7-14,3 ц (2-4-вар.), бу экинлар дон учун экилган 5-8 вариантларда 14,3-14,6 ц бўлди ва дон учун мош экилиб, ундан сўнг оралиқ экин (мош) экилган 9-вариантда 21,8 центнер ўсимлик ва илдиз қолдиқлари қолганлиги аниқланди. Ерни ҳайдашдан олдин 5-7-вариантларга 10 т/га, 8- ва 9-вариантларга 20 т/га гўнг берилди.

Тупроқда қолган жами ағғиз ва илдиз қолдиғи, ц.га (2019 й., куз)



Кузги буғдой, ғўза ва ўтмишдош экинлардан кейин тупроқда қолган умумий ўсимлик ва илдиз қолдиқлари тупроқнинг 0-50 см қатламида

17,9-35,6 ц ни ташкил этди. Шундан фақат кузги буғдой экилган 1-вариантда 17,9 ц, ғўзадан кейин ўтмишдош экинлар экилган 2-8-вариантларда 27,2-28,4 ц ва дон учун мош экилиб, кейин оралиқ экин (мош) экилган 9-вариантда 35,6 ц ағғиз ва илдиз қолдиқлари қолганлиги аниқланди. Бунга қўшимча 9-вариантда оралиқ экин сифатида экилган мошнинг кўк масса миқдори 45,7 ц ни ташкил этди.

Кузги буғдой, ғўза ва ўтмишдош экинлардан кейин тупроқда қолган умумий ўсимлик ва илдиз қолдиқлари 0-50 см қатламда 17,9-35,6 ц ни ташкил этди. Кузги буғдой муттасил экилган 2-8-вариантларда 27,2-29,4 ц ва дон учун мош экилиб, кейин сидерат учун мош экилган 9-вариантда 35,6 ц ағғиз ўсимлик ва илдиз қолдиқлари қолганлиги аниқланди. Бунга қўшимча оралиқ экин мошни ҳайдашдан олдин кўк масса ҳосилдорлиги 45,7 ц ни ташкил этди.

Дилфуза ҚУТЛИМУРАТОВА,

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. – Нукус. –Билим. -2004 й. – 186 б.
2. Атажанов М., Иминов М. Ҳамкор дуккакли экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири. // “Agro ilm” журнали. -2021. -№5 (75) –Б. 89-90.
3. Дала тажрибасини ўтказиш услублари (УзНИХИ). –Тошкент. -2007. -145 б.
4. Байиоров А., Нуриддинова Х. Минерал ва органик ўғитларнинг “ғўза-кузги буғдой” тизимида азот мувозанатига таъсири. // “Agro ilm” журнали. -2019. -№6 (63) –Б. 84-85.
5. Воробьев С.А. Научные основы севооборотов в условиях интенсификации земледелия. // Изв. ТСХА. –Москва. –Колос. –1983. –Вып. 5. –С. 3-11.
6. Горелов Е.П., Орипов Р. Промежуточные культуры на орошаемых землях. // Ж. “Хлопководство” -1985. -№8 –С. 17-19.

УЎТ: 633.11. 631.5.

ТАДҚИҚОТ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК НАВ СИНОВИ ТАЖРИБАЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда кузги муддатларда экиш учун истиқболли ва Давлат реестрига киритилган кузги буғдой навларининг Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитидаги экологик нав синови тадқиқот натижалари келтирилган.

Аннотация. В данной статье представлены результаты исследований экологического сортаиспытания сортов озимой пшеницы, перспективных для посева в осенний период в Узбекистане.

мане и включенных в Госреестр в почвенно-климатических условиях Самаркандской области.

Annotation. This article presents the results of research on ecological variety testing of winter wheat varieties that are promising for autumn sowing in Uzbekistan and included in the State Register in the soil and climatic conditions of the Samarkand region.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда буғдой дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида, жумладан, Ҳиндистонда 31,4 млн., Россия Федерациясида 28,9 млн., Хитой Халқ Республикасида 23,4 млн., Европа Иттифоқи мамлакатларида 22,9 млн. гектар, Америка Қўшма Штатларида 14,9 млн., Канадада 10,0 млн., Покистонда 8,8 млн., Туркияда 6,9 млн. гектар, жами 219,0 млн. гектар майдонда илғор технологиялар орқали буғдой етиштирилиб, 760,9 млн. тонна дон етиштирилмоқда. Етиштирилган дон ҳосилининг 70,4 фоизи Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Канада, Франция, Покистон, Украина, Германия ва Туркия сингари мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Дунё бўйича буғдойнинг ўртача дон ҳосилдорлиги гектарига 3,5 тонна ташкил этади [4]. Дунёда буғдой етиштирувчи йирик мамлакатларда тупроқ шароити, нав хусусиятлари ва етиштириш технологиясининг илғор усуллари ни қўллаш ҳисобида дон ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кузги буғдой навлари ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли истиқболли кузги буғдой навларни танлаш муҳим аҳамиятга эга ҳамда шу кундаги муҳим ва долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президент фармони билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 10 йиллик 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлигининг истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифаларидан саналади[5].

Тажриба объекти ва услубияти. Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, кузги буғдойнинг Республикамиз сўғориладиган ерларида экиш учун Давлат реестрига киритилган ва истиқболли навлари ҳисобланади. Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Самарқанд илмий-

тажриба станцияси далаларида дастур асосида олиб борилди. Тажрибада ўсимлик парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган агротехника асосида бажарилди. Тажрибани жойлаштириш, ҳисоб ва таҳлиллар, фенологик кузатув ишлари ЎзПТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланилди[2]. Ҳосилдорлик бўйича олинган малумотларнинг дисперсион таҳлили Б.А.Доспехов бўйича аниқланди [1].

Тадқиқот натижалари таҳлили. Самарқанд вилояти сўғориладиган ерлари шароитига мос янги кузги буғдой навларининг дон ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган навларини танлаш учун 2019-2022 йиллар экологик нав синаш кўчатзори ташкил этилди унда ҳозирги кунда республикамизнинг ғалла майдонларида экиб келинаётган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг Давлат Реестрига киритилган ва янги истиқболли 40 дан ортиқ навлари синалди. Кўпайтириш кўчатзорида 9 та нав (“Аср”, “Давр”, “Безостая-100”, “Антонина”, “Алексевич”, “Гурт”, “Зимница”, “Первица”) экилиб қуйидаги мавзуларда илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

1. Янги ва истиқболли кузги буғдой навларининг Самарқанд вилоятини тупроқ-иқлим шароитларида ўсиб ривожланиш ҳолатларини ўрганиш.

2. Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитларида янги кузги буғдой навларини етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш.

3. Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитида элита ва суперэлита, сара уруғ авлодларини етиштириш.

ДДЕТИнинг Самарқанд ИТСида 2022 йил иш режаси асосида кузги буғдойнинг янги ва истиқболли навларини вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитида ўсиши, ривожланиши, навларнинг шароитга чидамлилиги талабларини ўрганиш учун иш режа бўйича ўрганмоқ учун тажриба далаларига юқори агротехника асосида 3 та мавзу бўйича тажриба далаларида уруғлик донлар экилиб парвариш қилинди. Кузги буғдой навларининг вилоятимизнинг тупроқ- иқлим шароитида ўсиб-ривожланиши, навларнинг шароитларга мослашуви, занг касалликларига, ётиб қолишга,

қишга чидамлик даражаси, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилди. Кузги буғдойнинг занг касаллигига, ётиб қолишга чидамли, дон ҳосили, сифати юқори танлаб олинган республикамизда Давлат реестрига киритилган ва истиқболли навларни Самарқанд вилояти шароитида қиёсий баҳолаш мақсадида 40 та кузги буғдой навлари экиб ўрганилди. Тадқиқотлар натижа-сида мамлакатимизда ва хорижда яратилган кузги буғдой навларининг занг касалликлари, қишга ва ётиб қолишга чидамлиги ўрганилди. Тажрибаларда андоза нав сифатида Давлат реестрига киритилган нав Краснодарская-99 (st) қилиб олинди. 2021-2022 йилларда стандарт Краснодарская-99 ва ўрганилаётган барча нав-ларда сариқ ва кўнғир занг касаллиги билан касалланиш даражаси барча навларда деярли бўлмади, яъни касалланмаганлиги қайд этил-ди. Навларни ўрганиш сариқ занг касаллигига қарши курашда, навларни тўғри танлаш, занг касаллигига чидамли кузги буғдой навларини жойлаштириш буғдойзор фитосанитар ҳолатини яхшилайдиган ва ҳаражатларни камайтирадиган (фунгицидларни тежаш, ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобидан) асосий омил эканлиги бўйича хуло-са қилинди. Кузда экиладиган буғдой қишлаб чиқиши кўпгина омилларга, хусусан, ўсимликнинг қишга қандай тайёрланганлиги, чиниқишига боғлиқ. Ўсимлик етарли намлик билан таъминла-ниб, қулай иссиқлик режими бўлганда меъёрида ривожланади, кучли илдиз тизими ҳосил қилади, етарли миқдорда қанд тўплайди ва натижада қиш ва эрта баҳорнинг ноқулай об ҳаво шароитига чидамли бўлади. Кун узунлигининг аста-секинлик билан суткасида (22 сентябрдаги тенг кунлик) қисқариб бориши билан, ҳаво ҳароратининг па-сайиши кузатилади. Бу Ўзбекистон шароитида ўсимлик ўсув даврининг тобора тиним даврига ўтишига имкон беради. Ўсимлик Ўзбекистон шароитида кўпинча қишда совуқдан эмас, бал-ки кузги ва қишки қурғоқчиликдан, яъни кузги ёғингарчиликлар бўлмаслиги ва суғориладиган тупроқлар қуриб қолиши туфайли нобуд бўлади. Буғдой совуқдан ҳалок бўлганда ҳужайралар оралиғида сув музлайди ва ҳужайра деворла-рини кесувчи муз кристаллари ҳосил бўлади ҳамда протоплазмага механик босим кўрсатади [3]. Ўзбекистон шароитида кузда экиладиган буғдойларнинг нобуд бўлишига асосий сабаб-лардан ўсимликларнинг кучсиз чиниққанлиги, уларнинг кузги иссиқ давомийлигида ривожла-

ниб кетиши ва иссиқ тупроққа қор тушишида бўлса, айна вақтда қорли ва қорсиз қишларда ҳароратнинг кескин ўзгариши ҳам сабаб бўлади. Одатда ўсимликларни совуқ уриши экинзорни сийраклашишига ва ҳосилни пасайишига олиб келади. Айниқса, буғдой уруғлари униб чиқиши даврида ҳароратнинг кескин пасайишига тўғри келган йиллари буғдойни кучли совуқ уради. Баъ-зи ҳолларда тупроқдан униб чиқаётган қўшимча новдаларни ҳосил бўлишига, тўпланишига сал-бий таъсир кўрсатади. Даҳбед агрометеостанция маълумотларига кўра 2022 йилда январ ойида ўртача ҳаво ҳарорати 1,7°C, феврал ойида 8,5°C бўлган бўлса, кўп йиллик бу кўрсаткич ойларга мувофиқ ҳолда 1,3; 3,3°C бўлиши кузатилди. Бу эса буғдойнинг қишга чидамлигига сезилар-ли таъсир қилди Тажриба натижаларига кўра, Краснодарская-99, "Таня", "Алексейч", "Юка", "Велена", "Веха" ва Андижон-4 навлари бошқа навларга нисбатан қишга чидамли эканлиги ку-затилди. Шуни қайд этиш керакки, қаттиқ буғдой навларининг қишга чидамлиги юмшоқ буғдой навларига нисбатан паст Макуз-3 навида 50%, "Жавохир" навида 50%, "Истиқлол" навида 40% бўлди. Буғдой бошоқлари пишиб етилиши фаза-сига келиб ўсимликларнинг ўсиш бўйлари ораси-да 10 сантиметргача (87-99 см) фарқланганлиги кузатилди. Шунингдек, бир бошоқдаги дон сони 47 тадан 54 тагачани ташкил қилди. Шу ўринда навларнинг 1000 та донининг оғирлиги аниқланганда 40-47 граммгачани ташкил этди. Тажрибада олиб борилган якуний кузатувлардан энг асосийси навларнинг ҳосилдорлик даража-ларини ўрганишимизда, бу кўрсаткич навлар орасида гектар ҳисобида 40-72 центнергачани ташкил қилди. Бунда энг юқори кўрсаткич "Асп", "Антонина" навларида 70-72 центнерни ташкил қилган бўлса, энг паст кўрсаткич "Бобур", Марс-1 навларида бўлиб 40-50 центнерни ташкил этди. Шунингдек, ўрганилган навларнинг касалли-кларга чидамлик даражаси "Юка", "Алексейч", "Велена", "Веха" навларида юқори бўлгани куза-тилди. Экологик нав синаш кўчатзоридеги агро-техник тадбирлар минтақа учун қабул қилинган агротехника асосида амалга оширилди. 2022 йилда ўрганилган навлар орасида стандарт Краснодарская-99 навида нисбатан гектаридан "Юка", "Веха", "Яксарт", Ўзбекистон-25 навлари 3 ц, "Таня", "Асп", "Давр" навлари 5 ц, "Антонина" нави 7 ц.дан кўпроқ ҳосил берганлиги аниқланди. Шуни қайд этиш керакки, янги ўрганилган кузги

буғдойнинг “Веха”, “Яксарт”, “Таня”, “Асп”, “Антонина”, Ўзбекистон-25, “Давр” навлари касалликларга қарши чидамлилиги, дон ҳосилдорлиги ва сифати бўйича яхши кўрсаткичларни намоён қилди. 2022 йилда ёгингарчилик кўп бўлиши ётиб қолишга чидамлилиги пасайтирди ва бу “Бобур”, “Ғозгон”, “Шамс”, “Туркистон”, “Давр”, “Истиқлол” каби навларда кучли намоён бўлди. Умуман олганда, буғдой навларининг вегетацияси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ёгингарчилик кўп бўлиши ва ҳароратнинг иссиқ бўлиши ҳисобиغا қисқароқ бўлиши, шунингдек, ҳосилдорлик ҳам нисбатан кам бўлиши қайд этилди. Кўргазмалари нав синаш кўчатзоридаги 2022 йилда ўрганилган буғдой навларининг сариқ занг касаллиги билан зарарланиши 2021 йидагига нисбатан сезиларли даражада кам бўлиши ёки касалланмаганлиги кузатилди. Шундай қилиб, Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитида ўрганилган буғдой навлари ичида – “Алексейч”, “Асп”, “Веха”, “Ан-

тонина”, Безостая-100, Ўзбекистон-25, “Давр” навлари ўзларининг умумий фойдали хўжалик кўрсаткичлари билан ажралиб турди. Ушбу навлар ҳудуднинг экстремал тупроқ-иқлим инжиқликларига (қишнинг қуруқ соғуғи, ёзнинг иссиқ гармсел шамолларига) чидамлилигини ва юқори ҳосил беришини намоён қилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятининг тупроқ-иқлим шароитига мос ташқи ноқулай омилларга чидамли, юқори ҳосил тўплаши ва буғдойнинг барча хўжалик белгилари бўйича яхши натижа кўрсатган қуйидаги “Алексейч”, “Асп”, “Веха”, “Антонина”, Безостая-100, Ўзбекистон-25, “Давр” навлари вилоятда кенгроқ майдонларга экишга тавсия этилади.

Шермуҳаммад ТУРСУНОВ,

ДДЭИТИ СамИТС директори,

Пирназар БОБОМИРЗАЕВ,

илмий ходим, қ.х.ф.д, проф. в.б.,

ДДЭИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М: «Колос», 1985. - 317 с.
2. Нурматов ва бошқалар. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланма. ЎЗПИТИ. Т. 2007. -Б. 146.
3. Халилов Н.Х., Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси (Монография), Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти. 2014 йил.
4. https://ru.wikipedia.org/wiki/Список_стран,_производящих_пшеницу
5. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

УЎТ: 626/627.4.8

ТАДҚИҚОТ

ЖАНУБИЙ МИРЗАЧЎЛ МАГИСТРАЛ КАНАЛИНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Аннотация. Мақолада магистрал каналлардаги сув ресурсларини ишончли ва самарали бошқариш ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье приведен анализ надежности и эффективное управление водными ресурсами в магистральных каналах и повышение эффективности водопользования.

Annotation. The article presents an analysis of the reliability and effective management of water resources in the main canals and an increase in the efficiency of water use.

Ўзбекистон Республикасида жами 4.3 млн. га суғориладиган майдон мавжуд бўлиб, шу майдонларни ирригация тармоқлари орқали суғориш ишлари амалга оширилади. Сув хўжалиги вазириги тасарруфидоги магистрал каналларнинг аксарияти 1960-1970 йилларда ишга туширилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги магистрал каналлар тизимининг ФИК ўртача 0.6-

0.8 га тенг, аксариятини эса лойқа босиб қолган. Математик ва ГАТ моделлаштириш асосида Жанубий Мирзачўл магистрал канали ва унга гидравлик боғланган гидротехника иншоотларидан фойдаланиш ишончилиги ва самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Канал 1961 йили қурилиб ишга туширилган. Канал узунлиги (бўлинган нуктасигача) — 127

км, бош иншоотда сув сарфи — 495 м³/с, суғорадиган майдони — 410 000 гектар, иншоот синфи I. Канал трассаси ПК145 дан ПК 1237 гача 7 участкадан иборат. Канал тубининг эни эса бошланишида 48 м ташкил этса охирларига келиб 2-3 метрни бўлиб қолган. Каналнинг сув ўтказиш қобилияти лойиҳа бўйича 495 м³/с ни амалда эса 260-280 м³/с ташкил этади. Каналда сув оқимнинг тезликлари эса участкалар бўйича 0.5 м/с дан 1 м/с гача ўзгариб туради.

ПК 145+00 даги сув ажратгичдан максимал оқими Qф=300 м³/с, нормал оқими Qном=280,0 м³/с, узунлиги 109,2 км (ПК1237+00 гача) бўлган Жанубий Мирзачўл Магистрал канали (ЖММК) бошланади.

ЖММК нинг ўзига хос жиҳати шундаки, у сув чиқариш жойларига минимал сув оқими тезлигида ва сув етказиб бериш зарур бўлган сатҳ сув режимида ишлаб чиқилган ва ишлайди. Сув оқими (109,2 км) 8 та тўсувчи иншоот томонидан яратилган, улар орқали сув кесишмалари ташкил этилган.

Жанубий Мирзачўл Магистрал канали (ЖММК) бошқармаси балансида умумий узунлиги 136 км канал мавжуд бўлиб, унинг 109,2 км – Жанубий Мирзачўл Магистрал канали (ЖММК). 20 км – Марказий тармоқ канали (МТК), Жанубий 18 канали (ЖК-18) киради.

Жанубий Мирзачўл каналидан ҳам жуда кўп тармоқ каналлар, хўжаликлараро ҳамда хўжалик ичидаги каналлар тармоқланиб кетади. Жанубий Мирзачўл канали учта суғориладиган массивлар – жанубий-шарқий (80,1 минг га), марказий (145,7 минг га) ва жануби-ғарбий (76,1 минг га) массивларни сув билан таъминлайди. Жанубий Мирзачўл канали Фарҳод гидроэлектр станциясидан бошланади, кенглик бўйлаб йўналиб шарқдан ғарбга тахминан Ховос-Жиззах темир йўлига параллел равишда 127 км га чўзилган. Канал 103 км гача грунт ўзанли, ундан кейин қисми бетон ўзандан иборат. Жанубий Мирзачўл канали 63 км да марказий тармоқ каналига ажралади, унинг сув сарфи 164 м³/сек. Бу марказий тармоқ канали бир вақтнинг ўзида фалокат ташламаси ролини ҳам бажаради. Марказий тармоқ канал 20 км да икки – ўнг ва чап ирмоқ каналларига бўлиниб, тегишли равишда 68,4 ҳамда 68,6 минг га ерни суғоради. Ўнг тармоқ канал, узунлиги 40 км, сув сарфи 68 м³/сек, Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ва Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ерларини сув билан

таъминлайди. Чап тармоқ канал, узунлиги 51,5, сув сарфи 69 м³/сек, Сирдарё вилояти Сардоба тумани ва Жиззах вилояти Дўстлик, Арнасой туманлари ерларини суғоради. Кейинчалик Жанубий Мирзачўл каналидан насос станцияси ёрдамида Жиззах машина канали сув олиб бошлади. Ўз навбатида, бу машина каналдан тармоқ каналлар (ДМ-1, ДМ-2, ДМ-3) ажралиб чиқди. Жанубий Мирзачўл канали Марказий тармоқ каналидан сўнг ғарбда 74 км да Қўрғонтепа тармоқ канали (узунлиги 13,8 км, сув сарфи 18 м³/сек) ажралиб чиқади. У асосан, Зомин ва Зарбдор туманларини сув билан таъминлайди. Жанубий Мирзачўл каналининг қолган охирги қисмлари Пахтакор ва Зафаробод туманларини сув билан таъминлайди. Марказий Мирзачўл коллектори Мирзачўл худудида қурилган энг катта коллектор. Мирзачўлни шимоли-ғарбий йўналиш бўйлаб иккига ажратиб туради, суғориш массивларининг шартли чегараси ҳисобланади.



1-расм. Жанубий Мирзачўл магистрал канали техник ҳолатларидан лавҳалар

Жанубий Мирзачўл магистрал каналдаги сув ресурсларини ишончли ва самарали бошқаришга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар мавжуд. Ушбу омиллар 1-расмдан келтирилган. Каналларнинг грунтда шаклланган ва бетон билан қопланган қисмининг ишлаш қобилиятига салбий таъсир қиладиган эксплуатацион факторлар: ўзаннинг сув ўти билан қопланиши, ювилиш ва деформация ҳолатлари, канал ўзанини лойқа босиши, канал ҳолатини назорат қилиш ва таъмирлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилмаганлиги, бетон қопламалари ва уларнинг уланган қисмлардаги носозликлар бўлиб, буларнинг барчаси каналнинг гидравлик ишончилиги ва самарадорлиги салбий таъсир этади.

Тадқиқ қилинган ҳолатларда канал ўзанларида содир бўладиган фильтрация жараёнлари суғориш учун мўлжалланган сувнинг кўп миқдорда беҳуда сарф бўлишини, каналнинг самарадорлиги ва ишончилигини белгилловчи

асосий гидравлик мезонлардан бўлиб, унинг миқдори асосан фойдали иш коэффициенти орқали аниқланади.

Жанубий Мирзачўл магистрал каналидаги сув ресурсларини ишончли ва самарали бошқаришда рақамли технологиялари ишлаб чиқиш, каналнинг сув тақсимооти бўйича сув-баланс ҳисобларининг дастурий таъминоти ишлаб чиқиш, каналидаги сув ресурсларидан самарали

ва ишончли фойдаланиш технологияси ишлаб чиқиш натижада магистрал каналидаги ФИК 0.8-0.85 фоизга кўтариш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Умиджон САДИЕВ, PhD,
Эргаш КАЗАКОВ, PhD,
Дилбар МАХМУДОВА,
Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ilkhomjon Makhmudov, Navruz Kurbonovich Murodov, Akmal Mirzaev, Uktam Temirovich Jovliev, Umidjon Abdusamadovich Sadiev, Musayev Sharof Mamarajabovich, Adkham Rajabov, Jasur Juraevich Narziev, Muzaffar Ro'ziev. Probability-Statistical Model Of Reliability And Efficiency Of Irrigation Channels. Journal of Positive School Psychology 2022, Vol. 6, No. 5, 2956-2960. <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/6591>
2. Ilkhomjon Makhmudov, Daniyar Jumamuratov, Aybek Seytov, Umidjon Sadiev, Uktam Jovliev, Jonibek Shonazarov, Oybek Muminov, Muzaffar Ruziev, Muxtorbek Yusupov. Mathematical Models Of Typical Elements Of Water Management Systems. Journal of Positive School Psychology 2022, Vol. 6, No. 6, 6871-6877. <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/8695>
3. Ilkhomjon Makhmudov, Rasul Turaev, Aybek Seytov, Navruz Muradov, Umidjon Sadiev, Uktam Jovliev, Dilbar Makhmudova, Muzaffar Ruziev, Mamatkobil Esonturdiyev. Optimal Management Of Water Resources Of Large Main Canals With Cascades Of Pumping Stations. Journal of Positive School Psychology 2022, Vol. 6, No. 6, 6878-6884. <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/8696>
4. Umidjon Sadiev, Rustamova M. Urban land reclamation problems: AIP Conferenge Proceedings 2432, 040042-1-040042-4; <https://doi.org/10.1063/5.0091179> Published Online: 16 June 2022.
5. Ilkhomjon Makhmudov , Umidjon Abdusamadovich Sadiev . Mathematical model of mass transfer of reinforced concrete structures of hydraulic structures with corrosion protection in aggressive environment. Journal of Positive School Psychology <http://journalppw.com> 2022, Scopus , EBSCO/ Vol. 6, No. 6, 5889-5892 // <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/8494>

УЎТ: 631.6

ТАДҚИҚОТ

PLUG-YUMSHATKICHNING QIYA USTUNLI ISHCHI ORGAN PARAMETRLARNI NAZARIY ASOSLASH

***Аннотация.** В основу статьи положены параметры плуг-рыхлитель, который работает между рядами сада без опрокидывателя, защищая садовую почву, и плуг-рыхлитель с наклонной стойкой, потребляющего меньше энергии. Основные параметры пробкоумягчителя основаны на общей высоте рабочего органа с наклонной колонной, расстоянии между гусеницами и высоте рабочего органа до наклонной части.*

***Annotation.** The article is based on the parameters of a softener plow that works between the rows of a garden without a tipper, protecting the garden soil, and a softener plow with an inclined rack, which consumes less energy. The main parameters of the cork softener are based on the overall height of the working body with the inclined column, the distance between the tracks and the height of the working body to the inclined part.*

Jahonda bog' qator oralariga asosiy ishlov beradigan energiya-resurstejamkor va ish unumi

yuqori bo'lgan texnik vositalarni qo'llash yetakchi o'rinlardan birini egallamoqda. Jahonda bog'

oralariga asosiy ishlov berishning energiya-resurstejamkor tuproqni himoya qiladigan texnologiyalari va ularni amalga oshiradigan qurollarning yangi ilmiy-texnikaviy yechimlarini ishlab chiqishga yo'naltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Bu borada, bog' oralariga ag'dargichsiz asosiy ishlov beradigan qiya ustunli takomillashgan plug-yumshatkichni ishlab chiqish hamda uning texnologik jarayoni va parametrlarini asoslashga alohida e'tibor berilmoqda.

Biz taklif qilayotgan plug-yumshatkichning ish jarayonida yumshatkich panja qurolning simmetriya o'qi bo'yicha $a_1 > a$ chuqurlikda tuproqqa ishlov beradi. Bunda yumshatkich panja ish jarayonida tuproqni deformatsiyalab, uni yumshatadi. Yumshatkich yopiq kesish sharoitida ishlaydi. Chap va o'ng seksiyalarda joylashgan takomillashtirilgan qiya ustunli yumshatkichning iskanasi haydov qatlamiga kirib, tuproqni mayda bo'laklarga ajratadi. Bunda hosil bo'lgan yoriqlar γ_k – burchak ostida tuproq yuzasiga tarqaladi. Undan so'ng iskanani bilan deformatsiyalangan tuproq zonasiga ustunning pichog'i kiradi. Iskanani bilan ajratilgan tuproq uning yuzasi bo'yicha ko'tarilib, pichoqqa tushadi.

L.Orsik, F.Mamatov, I.Ergashev tomonidan o'tkazilgan tajribaviy tadqiqotlarga ishchi organ iskanasi ta'sirida tuproq ko'ndalang-tik tekislikda $40^\circ-45^\circ$ ostida sinadi. Qiya ustunli ishchi organning ustuni kam energiya sarf qilgan holda tuproqning sinish tekisligida harakat qilishi uchun $\beta_k = 45^\circ$ qabul qilamiz. Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarga asosan $\beta_b = 18^\circ$ qabul qilamiz.

Takomillashgan ishchi organ iskanasi tig'idan ramaning pastki tekisligigacha bo'lgan masofa, ya'ni ishchi organning balandligini plug-yumshatkichni o'simlik qoldiqlari va tuproq bilan tiqilib qolmasligi shartidan quyidagi ifoda bo'yicha aniqlaymiz.

$$H = H_1 + a_{max} \quad (1)$$

bunda H_1 – ramaning pastki tekisligidan dala yuzasigacha bo'lgan masofa, sm;

a_{max} – ishchi organning maksimal ishlov berish chuqurligi, sm.


Plug-yumshatkichlar uchun $H_1 > 30$ sm tavsiya etiladi. (1) ifoda bo'yicha $H_1 = 35$ sm va $a_{max} = 30$ sm bo'lganda takomillashgan ishchi organ balandligi 65 sm bo'lishi lozim. Qiya ustunli ishchi organlar orasidagi ko'ndalang masofa agrotexnik talablar bo'yicha o'rkachlar balandligini ta'minlash shartidan qo'yidagi ifoda bo'yicha aniqlash mumkin:

$$M = \frac{n_1 a}{tg \psi_y} + b_1, \quad (2)$$

bunda n_1 – o'rkach balandligining izlar orasidagi masofaga bog'liq koeffitsiyent, $n_1 = 0,8-1,1$.


Qiya ustunli ishchi organda o'rnatilgan pastki yumshatkichlar yordamida o'rkachlar balandligini kamaytirilishini e'tiborga olib qabul qilamiz $n_1 = 0,9$.

$a = 28$ sm, $n_1 = 0,9$, $b_1 = 5$ sm va $\psi_y = 45^\circ$ bo'lganda qiya ustunli ishchi organlar orasidagi ko'ndalang masofada bo'lishini $M = 30$ sm deb qabul qilamiz.



1–ustun; 2–pichoq; 3–iskana; 4–boshmoq; 5–o'qyoysimon panja turidagi yuqori yumshatkich; 6–pastki yumshatkich

1-rasm. Takomillashgan qiya ustunli ishchi organning parametrlari



2-rasm. Qiya ustunli ishchi organ ustuni qiya qismi balandligini aniqlashga doir sxema

Qiya ustunli ishchi organ ustuni qiya qismi balandligi H_{uk} ni plug-yumshatkichning minimal ishlov berish chuqurligi a_{min} da yuqori universal panja ko'rinishidagi yumshatkichni belgilangan ishlov berish chuqurligi a_{yy} da ustunga berkitish imkoniyatidan kelib chiqqan holda aniqlaymiz. Unga ko'ra 2-rasmdan qiya ustunli ishchi organ ustuni qiya qismi balandligi H_{uk} ni aniqlash uchun qo'yidagi ifodani olamiz:

$$H_{uk} \leq a_{min} - a_{yy} - h_1, \quad (3)$$

bunda h_1 – ustuni iskanani tayanch tekisligiga nisbatan boshmoqqa berkitish balandligi, sm.

$a_{min} = 24$ sm, $a_{yy} = 8$ sm va $h_1 = 1,0$ sm qabul qilinib, (3) ifoda bo'yicha o'tkazilgan hisoblar ustunning

qiya qismi balandligi 15 sm dan katta bo'lmisligi lozimligini aniqlaymiz. Qabul qilamiz $H_{uk} = 15$ sm.

O'tkazilgan nazariy tadqiqotlar bo'yicha bog' oralariga talablar darajasida ag'dargichsiz tuproqni himoya qilgan holda, kam energiya sarflab ishlov berish uchun plug-yumshatkichning ishonchli ishlashini ta'minlash uchun qiya ustunli ishchi organlarning izlari orasidagi masofa 30 sm, qiya ustunli ishchi organing qiya qismigacha bo'lgan

masofa 15 sm bo'lganda plug-yumshakich bog' qator oralari tuprogini himoya qilgan holda kam energiya sarflagan holga tuproqqa ishlov berish imkoniyati yaratiladi.

Dilmurod IRGASHEV, dotsent, t.f.f.d (PhD),
Xayriddin FAYZULLAYEV, dotsent, t.f.f.d (PhD),
Oybek HAMRAYEV, assistant,
Oybek RAXMATULLAYEV, magistrant,
QarMII.

ADABIYOTLAR

1. Орсиқ Л.С. Обоснование схемы и параметров безотвального плуга-рыхлителя с наклонными стойками рабочих органов. Дисс... кан.тех.наук. – М., 1988. – 186 с.
2. Борисенко П.И. Совершенствование технологического процесса чизелевания за счет применения рабочего органа для минимальной обработки почвы с полосным углублением: Дисс. ... канд. техн. наук. – Волгоград, 2016. – 190 с.
3. Irgashev D.B., Tovashov R.X., Sadikov A.R, Mamadiyurov O.T. Technical Analysis of Plug Software When Working Between Gardens // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. – Vol. 9, – Issue 5, 2022.
4. Mamatov F.M., Fayzullayev X.A., Irgashev D.B., Mustapaqulov S.U., Nurmanova M.S Kombinatsiyalashgan mashina chuquryumshatkichlari orasidagi bo'ylama masofasini asoslash.// Innovatsion texnologiyalar. Maxsus son, 2021. – B. 125-129.

УЎТ: [677.33]

ТАДҚИҚОТ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ПИЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Наманган вилоятидаги пиллани қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Бугунги кунда ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, жаҳон бозорида экспорт қилишни кенгайтириш ҳамда маҳсулот ассортиментини кенгайтириш масалалари атрофлича таҳлил этилган ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы повышения конкурентоспособности коноперерабатывающих предприятий в Наманганской области. Анализированы вопросы увеличения объемов производства шелковых изделий на сегодняшний день, расширения экспорта на мировой рынок и ассортимента выпускаемой продукции, далее разработаны научные рекомендации.

Annotation. In the article is studied the issues of increasing the competitiveness of cocoon processing enterprises in Namangan region. Analyzed its increasing the volume of production and export of cocoon products, expanding the types of products in world market.

Кириш. Янги Ўзбекистон иқтисодиётида пиллани қайта ишлаш саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида замонавий менежмент усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, корхоналарнинг

рақобатбардошлигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, рақобатчилик стратегияларини ишлаб чиқиш орқали корхонларда бошқарув жараёнларини ривожлантириш ва уларни самарали

ташкил этиш, пилла маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, жаҳон бозорларида хом ипак маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга чуқур эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4411-сон қароридан «...пиллачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик тармоғидаги саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш» вазифаси белгиланган [1].

Зеро, бугунги кунда пиллани қайта ишлаш саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорлардаги улуши салмоғи сезиларли бўлса-да, уни янада ошириш имкониятлари мавжуддир. Рақобат ва рақобатбардошлик категорияларининг узвий алоқадорлигини тадқиқ этган яна бир америкалик иқтисодчи олим М.Портернинг фикрича, “рақобатнинг асосий майдони – бу тармоқдир, яъни бир хил ёки ўхшаш товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи ва ўзаро рақобат қилувчи бир тармоқдаги рақобатчилар гуруҳи ҳисобланади”. У тармоқдаги рақобатнинг бешта омили сифатида қуйидагилар таъсир этишини кўрсатиб ўтади [2]:

- янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши;
- ўринбосар товар ва хизматларнинг пайдо бўлиши;
- етказиб берувчиларнинг савдолашиш қобилияти;
- харидорларнинг савдолашиш қобилияти;
- тармоқда мавжуд бўлган рақобатчиларнинг ўзаро рақобати.


Юқоридаги беш омил тармоқ ва унда фаолият кўрсатаётган корхоналар даромадлигининг ўсишини белгилаб беради. Чунки, улар баҳога, харажатга, капитал қўйилмаларга ва бошқаларга таъсир қилади.

Наманган вилоятининг иқлим шароити ва мавжуд салоҳияти қишлоқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи каби пиллачиликни ҳам истиқболда янада ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Пиллачилик тармоғининг ўзига хос жиҳатларидан

бири қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашидир.

Сўнги йилларда Наманган вилояти пиллани қайта ишлаш корхоналарида юқори қўйилган қийматли маҳсулотларни жаҳон бозорида экспорт қилишнинг географик кўлами ҳам кенгайди. Жаҳон бозорида 1 кг хом ипак ўртача 38-40 АҚШ доллар атрофида сотилмоқда ва ҳозирда хом ипак Хитой Халқ Республикаси, Эрон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Қуйидаги 1-расмда Наманган вилоятида мавжуд пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан пилла хомашёларини хорижий давлатларга экспорт қилишнинг географик кўлами берилган.



1-расм. Наманган вилояти пилла хомашёсини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш географияси.

Бугунги вақтда тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг 74 фоизи Эрон ва Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинмоқда. Хом ипакни сотишдаги экспорт ҳажми 1189,3 тонна (44%) Эронга, 645,4 тонна (29,9%) Хитойга, 441,6 тонна (16,3%) Вьетнамга, Ҳиндистон ва БАА давлатлари ҳиссасига ўртача 204,6 тонна (7,4%) ва энг кам миқдорда Жанубий Корея ҳиссасига (16,9 тонна 0,6%) тўғри келмоқда. Корхоналар томонидан ипак чиқиндилар деярли 1874,1 тонна (95,2%) Хитой Халқ Республикасига ва 93,5 тонна (4,8%) Вьетнам давлатларига экспорт қилинмоқда. Шунингдек, 2019 йилда вилоят бўйича ипак момиғи ва ипакли газламаларнинг 100 фоизи Ҳиндистон давлатига экспорт бўлганидан далолат бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, пиллани қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунда:

- пиллачилик тармоғида чуқур ислохотларнинг изчил ва самарали амалга ошириб бориш;

– хуудларда интенсив усулларда озуқа манбаини кўпайтириш ва сифатли пилла хомашёси тайёрлаш;

– юқори технологияларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи илмий-техник ва таълим тизимларини ҳамда корхоналар салоҳиятини янада ривожлантириш;

– рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ипак маҳсулотларини янги ассортиментларини яратиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш ва бошқалар.

Равшанбек ХОЖИМАТОВ,

Наманган муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси, PhD.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4411-сон Қарори. www.lex.uz

2. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов/ Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. — 454 с.

3. Хожиматов Р. Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.— 08.00.13-Менежмент. Наманган. 2021 й., 59-бет.

4. Наманган агропилла бирлашмаси маълумотлари.

UO'T: 334.72

TADQIQOT

IQTISODIYOTDA DAVLAT ISHTIROKINI KAMAYTIRISH VA XUSUSIY SEKTORNI QO'LLAB- QUVVATLASH IMKONIYATLARI

Аннотация. В статье анализируются результаты, этапы приватизационной политики. Разработаны предложения и рекомендации, связанные с сокращением участия государства в экономике и поддержкой частного сектора.

Annotation. The article analyzes the results, stages of the privatization policy. Proposals and recommendations have been developed related to reducing the participation of the state in the economy and supporting the private sector.

Tovar-pul munosabatlariga asoslangan iqtisodiy tizimda iqtisodiy munosabatlarning o'zagini tashkil etuvchi mulkchilik munosabatlari nihoyatda muhim o'rin tutadi. O'zbekiston Respublikasida ham bu munosabatlar huquqiy jihatdan tartibga solingan.

Shunga ko'ra, O'zbekistonda, birinchidan, davlat mulki mulkning yangi egasiga faqat sotish yo'li bilan berilishi mumkin. Bu mulk ob'ektlarining to'g'ri taqsimlanishi va ulardan samarali foydalanishni ta'minlaydi.

Ikkinchidan, Davlat mulkini xususiyashtirishning maxsus dasturi ishlab chiqilgan va u bosqichmabosqich amalga oshiriladi. Xususiyashtirish bo'yicha barcha ishlar izchil, bir tizimda olib boriladi. Mulkka munosabatdagi o'zgarishlar jarayoni har yili O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi

tomonidan tasdiqlanadigan xususiyashtirishning davlat dasturi va tarmoq, mintaqa dasturlari asosida amalga oshiriladi.

Uchinchidan, xususiyashtirish muammolari yirik boshqaruv va ishlab chiqarish tuzilmalarini monopoliyadan chiqarish, ularning tarkibidan savdo ob'ektlari va xizmat ko'rsatish sohasini ajratib olish, shuningdek, muqobil raqobatchi ishlab chiqarish korxonalarini yaratish yo'li bilan birga hal etiladi.

O'zbekistonda davlat tasarrufidan chiqarish va xususiyashtirish jarayonlarini chuqurlashtirish bo'yicha Davlat dasturiga muvofiq, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va korxonalarining xususiyashtirilgandan keyingi davrda barqaror ishlashini ta'minlash chora-tadbirlari ishlab chiqilgan. O'zbe-

kistonda aholining kam ta'minlangan qatlamlarini ijtimoiy himoyalash va tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash, korxonalarni eksportbop va raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqaradigan qilib texnik jihozlarni ta'minlaydigan aniq yo'nalishli xususiyashtirish amalga oshirilmoqda. Shu yo'l bilan mamlakatning siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy barqarorligini oshirish hamda davlat uchun tayanch bo'ladigan mulkdorlar sinfini shakllantirish asosiy maqsad qilib qo'yilgan.

O'zbekistonda davlat mulkini xususiyashtirishda Yevropa Ittifoqi komissiyasi, «TASIS», Jahon banki, YUNIDO, Germaniya Texnika markazi, AQSHning Xalqaro rivojlanish bo'yicha Agentligi va boshqalarning maslahat xizmatlaridan foydalanildi. Ma'lumki, mulkchilik munosabatlari ishlab chiqarish munosabatlarining negizini tashkil etadi. Mulkchilik munosabatlarining tarkibi mulkchilik instituti bilan bog'liq.

Mulkchilik instituti mohiyatiga ko'ra ijtimoiy institut bo'lib, insonlarga o'z orzu-umidlarini shakllantirish imkonini beradi. Mulkchilik instituti mulkiy huquqlardan iborat bo'lib, ushbu huquqlarni bilish insonlarga istiqboldagi o'zlari munosabatga kirishadigan boshqa insonlarning xatti-harakatlari hamda foyda va xarajatlarni hisoblash imkonini beradi. Bunday huquqlar mavjud bo'lmaganda edi, insonlar o'z hamkorlarining xatti-harakatlarini oldindan hisobga olishlari mumkin bo'lmas edi.

Shularni inobatga olib, O'zbekistonda mulkiy huquqlarni amalga oshirishni tartibga soluvchi bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi. Ularda mulkiy huquq sub'yektlari (fuqarolar, yuridik shaxslar va davlat), mulkiy huquq ob'yektlari (yer, yerosti boyliklari, suvlar, havo bo'shlig'i, o'simlik va hayvonot dunyosi, boshqa tabiiy resurslar, korxonalar, ashyolar, shu jumladan, binolar, kvartiralar, inshootlar, asbob-uskunalar, xomashyo va mahsulot, pul, qimmatli qog'ozlar va boshqa mol-mulk, shuningdek, intellektual mulk) mulkiy huquq turlari (egallik qilish, foydalanish va tasarruf qilish) hamda uni amalga oshirish qoidalarini va himoyalash kafolatlari majmui qabul qilindi. Iqtisodiyotni samarali tartibga solish bilan uning shakllanishiga qulay iqtisodiy, huquqiy, tashkiliy vaziyat yaratiladi.

Jahondagi barcha rivojlangan mamlakatlarda milliy iqtisodiyotning o'ziga xos boshqarish modellari mavjud. Ularni yaratishda har bir mamlakat o'zining barcha xususiyatlarini hisobga olgan. Albatta, ularda har bir mamlakatning geografik joylashishi, iqtisodiy va tabiiy resurslari, iqlimi va qolaversa, demografik tuzilishi inobatga olingan. Shu bilan

birga, iqtisodiyotning umumiy nazariyasi mavjud. Uni chuqur bilmay turib, iqtisodiyotni rivojlantirib bo'lmaydi. Shuning uchun milliy iqtisodiyotda bozor sharoitiga mos infratuzilmaviy takomillashuv, samarali bozor strukturasi shakllanib borish jarayoni bilan mos ravishda yangi bozor iqtisodiyoti institutlari yaratilib boriladi.

Respublikamiz iqtisodiyotida davlatning ishtirokini kamaytirish hamda xususiyashtirish jarayonlari izchillik bilan davom ettirilmoqda. Jumladan, o'tgan o'n yilda 1,2 trillion so'mlik davlat aktivlari sotilgan bo'lsa, 2022 yilning o'zida bu ko'rsatkich 11,3 trillion so'mga yetdi. Ya'ni, so'nggi bir yilda o'n yil davomida qilingan ishlardan 10 karra ko'p natijaga erishildi.

Xususiyashtirilgan mulklar samaradorligi ham oshmoqda. Misol uchun, uzoq yillar ishlamagan Andijon tajriba-sinov zavodi negizida 18 million dollar investitsiya hisobiga to'qimachilik korxonasi tashkil etilib, mingta ish o'rni yaratilgan, 40 million dollarlik mahsulot eksport qilingan. Qo'qon superfosfat zavodini xorijiy investor olib, 40 million dollar investitsiya kiritgan, ishlab chiqarish hajmini 4 baravarga oshirgan. "Ipoteka bank" 324 million dollarga va "Coca-cola" kompaniyasidagi davlat ulushi 252 million dollarga sotilgani ham oxirgi yillardagi eng yirik bitimlardan bo'ldi. Bu boradagi ishlar hamma joyda ham bir maromda ketmayapti. Masalan, Toshkent viloyatida 112 ta ob'yekt sotilib, ularning negizida 150 ta tadbirkorlik sub'yekti va mingdan ziyod yangi ish o'rni paydo bo'lgan. Lekin Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qashqadaryo, Namangan, Surxondaryo va Sirdaryoda o'tgan yili savdoga chiqarilgan mulklarning 30 foizi ham sotilmagan. Tarmoqlar kesimida aytganda, "O'zdonmahsulot" aktsiyadorlik kompaniyasi tarkibidagi mulklarning xususiyashtirilishi sust. Umuman, joriy yil boshida 30 mingdan ortiq davlat ob'yektida o'tkazilgan xatlov bu borada ishlar hali ko'pligini ko'rsatgan. Joriy yilda prezident qarori bilan xususiyashtirish dasturi tasdiqlandi. Unda uchta yo'nalishda – aktsiya, ko'chmas mulk va IPO bo'yicha xususiyashtirish rejaları belgilangan.

Birinchidan, 1 mingta korxonadagi davlat aktsiya paketlari sotuvga chiqariladi. Ikkinchidan, 1 mingta ko'chmas mulk ob'yektlari ommaviy savdolarga qo'yiladi. Ularda 600 gektar yer va 1 million kvadrat metrli bino-inshootlar mavjud. Eng muhimi, infratuzilma bilan ta'minlangan va aholi punktlariga yaqin.

Uchinchidan, 40 ta yirik korxonalar va banklardagi davlat ulushi "xalqchil IPO" orqali sotiladi. Jumladan,

ilk bor Navoiy va Olmaliq kombinatlari, Metallurgiya kombinati, "O'ztelekom", "Sanoatqurilishbank" kabi yirik korxonalarining o'rtacha 2 foiz aksiyalari aholiga taklif etiladi. Bunda aholiga aksiyalarni to'g'ridan-to'g'ri sotib olish imkoniyati yaratiladi. Aksiyalari sotilgan korxonalar besh yil davomida sof foydasining kamida 30 foizini dividend to'lashga yo'naltiradi. Hisob-kitoblarga ko'ra, mazkur dastur samarasida joriy yilda 13 trillion so'm tushum ta'minlanadi, 3 mingta yangi korxonada tashkil etish va 50 mingta ish o'rni yaratish imkoniyati paydo bo'ladi.

Bu islohotlarni amalga oshirishda quyidagi jihatlarni e'tiborga olish lozim deb hisoblaymiz: kompaniyalarni boshqarishda yangi tartib-qoidalar kiritish; korporativ boshqaruv tamoyillarini joriy etish; yangi zamonaviy texnologiyalarni xarid qilish; xorijiy ekspertlarni jalb etish; iqtisodiyotning aksariyat tarmoqlarida mavjud mulkchilik shaklidan voz kechish; xorijiy investorlarni jalb etishni rag'batlantirish.

Shuningdek, xususiylashtiriladigan davlat mulklari imkoniyatini aholi va tadbirkorlar o'rtasida targ'ibot qilish, hujjatlarni rasmiylashtirishda ularga ko'maklashish; yirik davlat kompaniyalarini kapital bozoriga olib chiqish, investitsiya loyihalari samaradorligini oshirish kabilarni ham inobatga olish muhim.

Xulosa qilib, quyidagilarni ta'kidlashimiz mumkin, zamonaviy iqtisodiy shart-sharoitlar har qanday korxonada, shu jumladan, xususiy sektor samaradorligini oshirish zaruratini keltirib chiqaradi, chunki ularning faoliyati milliy iqtisodiyot rivojlanishi uchun ahamiyatlidir. Bugungi kunda davlat sektorini xususiylashtirish, boshqaruv organlarining o'zgarishi tartibga solish va qonunchilikning o'zgarishi bilan bog'liq doimiy o'zgarishlar bilan ajralib turishi belgilab qo'yilgan.

Nurali BEKMURODOV,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti,
i.f.n.

ADABIYOTLAR

1. "Davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish "to'g'risida O'zbekiston Respublikasining Qonuni. Toshkent sh. 1991 yil 19 noyabr.
2. Berkinov B.B. Institutsional iqtisodiyot: O'quv qo'llanmasi. T.: IQTISODIYOT, 2018. 256 b.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning 2023 yil 24 martdagi Davlat mulkini xususiylashtirish ishlarining ijrosi va bu borada joriy yilgi rejalar muhokamasi yuzasidan yig'ilish ma'lumotlari.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi ma'lumotlari.

UO'T: 338.13

TADQIQOT

OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARINING YASHIL MARKETING STRATEGIYALARI

Annotatsiya. Zamonaviy dunyoda atrof-muhitga bo'lgan ekologik talablar o'zgartirilayotganda, ularni hal qilish uchun yangi vositalar arsenalini talab qiladigan qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Ijtimoiy va axloqiy marketing qadriyatlarini o'zlashtirgan va rivojlantirayotgan "yashil" marketing maqolada innovatsion boshqaruvning samarali vositasi sifatida ko'rib chiqiladi, uning yordamida ekologik muammolar hal qilindi. Maqolada oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqaruvchi kompaniyaning "yashil" imidjini shakllantirish va saqlash texnologiyasi sifatida qo'llaniladigan yashil strategiya taklif qilingan.

Annotation. In the modern world, when the ecological requirements of the environment are changing, challenges arise that require a new arsenal of tools to solve them. "Green" marketing, which adopts and develops social and ethical marketing values, is considered in the article as an effective tool of innovative management, with the help of which environmental problems were solved. The article proposes a green strategy, which is used as a technology for forming and maintaining a "green" image of a food manufacturing company.

Kirish. Bugungi iste'molchilar o'zlari sotib olgan mahsulotlar haqida har qachongidan ham ko'proq xabardor va aqli. Bu, albatta, ular qo'llab-

quvvatlaydigan brendlarning atrof-muhitga ta'siri va barqaror amaliyotlarini baholashga to'g'ri keladi. Shuning uchun ham dunyodagi eng qimmatli va

muvaffaqiyatli kompaniyalarning aksariyati yashil marketing tashabbuslarini amalga oshirishmoqda.

Adabiyotlar sharhi. Ta'kidlash kerakki, bugungi kungacha olimlar va amaliyotchilar tomonidan «yashil iqtisodiyot» tushunchasining umumiy qabul qilingan ta'rifi ishlab chiqilmagan. Masalan, A. Shtayner «yashil» iqtisodiyot – bu «shaxs va jamiyat farovonligini oshiradigan, ijtimoiy adolatni ta'minlovchi va, shu bilan birga, kamayib ketish nuqtai nazaridan atrof-muhit uchun xavflarni sezilarli darajada kamaytiradigan iqtisodiy faoliyat», deb hisoblaydi. tabiatning» [6], ular ikki tomonlama vazifani – «modernizatsiyalash va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish bilan bir qatorda hayot sifati va yashash muhitini yaxshilashga hissa qo'shish» [1]. Hayot sifati va atrof-muhitning ekologik holatiga oid shunga o'xshash yondashuvlarni boshqa mualliflarning asarlarida ham topish mumkin [2; 3; 4].

Biroq, har qanday bilimlarni tizimlashtirish, ma'lumki, kategoriyalarning o'zlarini fanlararo va ko'p tarmoqli tadqiqotlarda bilimlarni uzatish jarayonini ta'minlaydigan kategorik apparatdan boshlanadi [5]. Shunday qilib, «yashil iqtisodiyot»ning paydo bo'lishining bevosita natijasi gumanitar va ekologik bilimlarning yangi tarmoqlarining shakllanishi bo'ldi, masalan: «atrof-muhitni boshqarish», «ekologik (organik) marketing» va boshqalar. [6]

Bu sohalarning ilmiy maktabi faoliyati faol rivojlanish va shakllanish bosqichida. Bundan tashqari, «atrof-muhitni boshqarish» va «atrof-muhit marketingi» tushunchalariga qiziqish chet eldagi ilmiy hamjamiyatda va hatto Rossiyada nisbatan yaqinda shakllana boshladi: 1980-yillarning oxiridan 1990-yillarning boshigacha. Shunga ko'ra, kategoriyali apparat hali yakuniy shakllanmagan.

Tahlil va natijalar. Marketing strategiyasi yaqinda korxonaning korporativ strategiyasida asosiy rol o'ynadi va zamonaviy korxonada o'zgaruvchan atrof-muhit sharoitlariga moslasha oladigan potentsial kuchli vositadir. Darhol shuni ta'kidlash kerakki, bu faqat marketing strategiyasi kompaniyaga muvozanat va o'sishning umumiy yo'nalishlariga erishish imkonini beradigan tizimli yondashuvni nazarda tutgan taqdiridagina mumkin.

Marketing strategiyasini ishlab chiqishda asosiy vazifa bozorda mavjud bo'lgan sharoit va iste'molchilarning xatti-harakatlarini hisobga olgan holda, kompaniya qaerda, qachon va qanday raqobatlashishini hal qilishdir.

Ekologik marketing me'yorlari ma'lum ma'noda tabdirkorlik tashabbusini cheklab, ularni ijtimoiy

yo'naltirilgan ijtimoiy rivojlanishga, atrof-muhitni saqlash va yaxshilash zarurligiga bog'liq qiladi. Korxonalarining asosiy vazifalaridan biri bozorda etakchi mavqega ega bo'lishini ta'minlaydigan ekologik marketing standartlariga rioya qilishdir.

Ammo ekomarketingga o'tish dastlabki investitsiyalarni talab qiladi va biznes vakillari orasida ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan dasturlarga sarflashni ma'qul ko'rmaydiganlar ko'p, chunki ekologik toza mahsulotni yaratish va uni bozorga olib chiqish xarajatlari ushbu strategiyada.

Kompaniyaning «ekologik» strategiyalari turini tanlashga yondashuvlardan biri S.Xollensen tomonidan taqdim etilgan. To'rtta mumkin bo'lgan strategiya tasvirlangan, ularni tanlash tashkilot o'zining «yashil» mijozlari uchun qiymat yaratish niyatiga va o'zgarishlarni amalga oshirishda qanchalik faolligiga bog'liq bo'ladi.

Eko-brendlarni yaratish o'zingizni boshqa kompaniya mahsulotlari va brendlaridan ajratish imkonini beradi. Ushbu jarayon foydasiga uchta asosiy dalil mavjud:

- ◆ iste'molchilar o'zlarining xaridlari uchun muhim foydani tan olishlari kerak;

- ◆ iste'molchilar tomonidan ijobiy idrok etish uchun atrof-muhit mahsulotlarini farqlash to'g'risidagi ma'lumotlar taqdim etiladi;

- ◆ taqlid qilish uchun to'siqlar yaratish.

Bunday holda, uzoq muddatda muvaffaqiyatga erishish uchun ekologik innovatsiyalarni joriy qilish kerak.

Ekologik toza mahsulotlarni taklif qiladigan ba'zi kompaniyalar uchun yuqori narxdagi mahsulotlarni sotish yagona variant bo'lishi mumkin. Bunday holda, farqlash strategiyasi kompaniya uchun mahsulotni yangilashda muhim ekologik sarmoyadan daromad olishning yagona yo'li bo'lishi mumkin. Biroq, bu strategiya faqat maqsadli segmentlar kompaniyalar uchun mavjud bo'lganda mumkin.

Ushbu kompaniyalarning strategiyasi yuqori standartlarga to'liq javob berish va shu bilan raqobatchilardan ajralib turish uchun har doim ham barqaror emas. «Yashil» tashabbuslar sohasida bir qator tadbirlarni e'lon qilish kompaniya uchun foydali emas, chunki bu barcha mahsulotlarni ekologik deb belgilashga olib kelishi mumkin, bu esa ma'lum bir vaqtda samarali bo'lmaydigan. Shuning uchun kompaniyalar ko'pincha ekologik toza mahsulotlarning alohida brendini yaratadilar, bu qisqa muddatda xavfsizroq yondashuv bo'lib, kompaniyaga uzoq muddatda ustuvor echimlarni

aniqlashga e'tibor qaratish imkonini beradi.

«Mudofaa yashil»: Ushbu strategiya inqirozga javoban, ehtiyot chorasi sifatida yoki raqobatchilar tomonidan qilingan harakatlarga javoban yashil marketingdan foydalanadi. Kompaniyalar «yashil» iste'mol bozori segmentlarini hozirda jalb qila olmaydigan potentsial iste'molchilar sifatida aniqladilar, biroq bir qator amalga oshirilayotgan tadbirlar ularga umuman brend imidjini yaxshilash imkonini beradi.

To'qyashil: Kompaniyalar barqaror mahsulotlarni yaratish uchun uzoq muddatli jarayonlarga sarmoya kiritish orqali muhim moliyaviy va nomoddiy majburiyatlarni oladilar. Ushbu kompaniyalar o'zlarini raqobatchilardan sezilarli darajada farqlashlari va doimiy faoliyatlarini orqali raqobatbardosh ustunliklarga ega bo'lishlari mumkin. Shunga qaramay, kompaniyalar mahsulotlarning «ekologik tozaligi» belgilaridan ikkinchi darajali sifatida foydalanishni afzal ko'radilar, bu esa mahsulotning boshqa atributlarini ta'kidlaydi, bu esa ularga eng katta daromad olish imkonini beradi.

Juda yashil: Bu turdagi kompaniyalar yaxlit yashil marketing taxminlari va qadriyatlariga asoslanadi, shuning uchun ular atrof-muhit muammolarini o'z bizneslariga to'liq integratsiya qilishga harakat qilishadi. Ular mahsulotning butun hayot aylanishini va uning atrof-muhitga ta'sirini tahlil qiladilar, kompaniyani yaxshi ekologik siyosat asosida boshqaradilar va o'z mahsulotlari va xizmatlarini bozorning ixtisoslashgan segmentlariga yo'naltiradilar.

Umuman olganda, shuni aytishimiz mumkinki, kompaniyalar strategiyani tanlashda asosan ikkita parametrga e'tibor berishadi: bozor segmentlari va ishlab chiqarish jarayonlarini o'zgartirish qobiliyati, ular asosida ular ma'lum raqobatbardosh ustunliklarga e'tibor berishadi.

Shuni qayd etish kerakki, sanab o'tilgan har qanday «yashil» marketing strategiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun ekologik mahsulotlarni ishlab chiqarish texnik jihatdan maqsadga muvofiq va tijorat jihatdan jozibador bo'ladigan sharoit yaratish

zarur. Ushbu sektor huquqiy shartlar va xalqaro standartlarga mos keladigan akkreditatsiyalangan sertifikatlashtirish agentliklari tomonidan himoyalangan bo'lishi kerak. Ammo bu holda quyidagi muammolar paydo bo'lishi mumkin:

1. Biznes yuritish etikasiga zid bo'lib, bu korxonaning tashqi mikromuhiti bilan ishlashga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

2. Mahsulot aslida bir xil bo'lib qoladi, bu raqobatchilar o'z mijozlari bilan ishlashda ishlab chiqaruvchining insofsizligini isbotlash uchun foydalanishi mumkin bo'lgan zaiflikdir.

3. Ekologik toza mahsulotlar bozori sohasidagi qonunchilikni bosqichma-bosqich takomillashtirish tufayli ushbu strategiyadan foydalanish muddatlarining noaniqligi.

4. Qoplash uchun «yashil kamuflyaj»ni tanlab, ishlab chiqarishning ko'proq «yashil» tomoniga o'tish o'miga, kompaniyalar ushbu bozorda uzoq muddatli rivojlanish imkoniyatlarini yo'q qiladi. Shu sababli, ushbu strategiyalardan foydalanish faqat iste'molchilar ongida yetakchi mavqega ega bo'lishning qisqa muddatli bosqichi sifatida ko'rib chiqilishi mumkin, shu bilan birga, bu joyni hech kim egalamaydi va uzoq muddatli istiqbolda imkoniyatlarni ko'rib chiqish kerak. matritsada ko'rsatilgan boshqa strategiyalardan foydalanish.

Xulosa. Strategiyalarni tanlashga ko'proq kompaniyaning tashkiliy o'zgarishlarga tayyorligi va bozorning «yashil» segmentlarining mahsulotlar uchun yuqori narx mukofotlari yoki «ijtimoiy ahamiyatga ega» mahsulotlarni qabul qilishga tayyorligi sabab bo'ladi. Biroq, bu marketing strategiyalari jamiyatning barqaror rivojlanishining qat'iy targ'ibotiga asoslanmasligi kerak. Yashil sotuvchilar barqarorlikni oshirish uchun joriy chaqiruvdan yashil muqobillarni faqat bozor segmentlari uchun maqbul va jozibali ko'rsatish uchun iste'dod va ijodkorlikni qo'llash imkoniyati sifatida foydalanishlari mumkin.

M. BOBOYOROVA,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
"Marketing" kafedrasida assistenti.

ADABIYOTLAR

1. Assel G. Marketing: Principles and strategy: -M.: Infra-M., 1999;
2. Churchill G.A, Brown T.V. Basic marketing research, -Thomson, United States, 2010;
3. Kotler Ph. Marketing essentials. –Prentice Hall, United States, 2019;
4. Kennedy Dr No B.S. Guide to Brand – Building by Direct Response – Entrepreneur Press, 2014,
5. Bagiev G.A., Tarasevich V.M. Marketing - St. Petersburg: Peter, 2012.
6. https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/1006
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/green-marketing-as-a-tool-for-innovative-management>.

БАНК-КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ВА МОҲИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация. В данной статье представлен анализ факторов, влияющих на уровень и характер стратегического планирования в банковских кредитных организациях и выражены мнения.

Annotation. This article presents an analysis of the factors influencing the level and nature of strategic planning in banking credit organizations and opinions are expressed.

Банк-кредит муассасаларида стратегик режалаштиришга методологик ёндашувларнинг ўтказилган таҳлили, банк-кредит муассасаларида тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради. Ушбу йўналишда мамлакатимиз олимлари томонидан фундаментал ишлар амалга оширилмаган. Алоҳида олинган масалалар стратегик режалаштиришнинг умумий назарияси нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган, холос.

Банк-кредит муассасаларида стратегик режалаштириш юзасидаги масалалар жумласига банк миссиясини ишлаб чиқиш, унинг умумий ва хусусий мақсадларини аниқлаш, кредит, актив ва пассивларни бошқариш сиёсатлари, банкнинг маркетинг стратегияси, ходимлар сиёсатини шакллантиришни киритиш мумкин.

Умуман олганда, келтирилган банк-кредит муассасаларида стратегик режалаштириш муаммолари таҳлили замонавий илмий ва амалий адабиётларда қуйидаги масалалар ёритилганлиги ва уларда мавжуд муаммоларни қайд қилиш

учун асос беради:

- стратегик режалаштириш концепциясининг асосий қоидалари умумлаштирилган;
- стратегик режалаштириш усуллари умумий характерга эга ва улар мамлакатимиз банклари ривожланиб бориши спецификасига (шароитига) тўлиқ мос келмайди;
- стратегик режалаштириш моҳияти ва жараёнини таснифловчи аниқ белгиланган тушунчалар мавжуд эмас.

Юқоридагилар банк кредит муассасаларида стратегик менежмент тизимини шакллантириш юзасидан методологик ишланмаларни яратишнинг мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Аммо шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, бугунги кунда мавжуд вазиятни ўзгартириш учун объектив ташқи дастаклар юзга келди ва улар банкларимиз олдига ўз фаолиятини режалаштириш масаласини қўймоқда. Ушбу дастаклар бир қатор омиллар билан асосланади ва уларни қуйидаги

1-жадвал.

Салбий омиллар ва уларнинг тижорат банкида стратегик бошқарув жараёнларига таъсири хусусиятлари.

Омиллар	Таъсир
Ташқи муҳитнинг, хусусан кредит тизимининг фаолият олиб бориш принципларини белгилаб берувчи қонунчилик базасининг кескин ўзгарувчанлиги	Башоратлаш ва прогнозлаш жараёни самарасиз, нисбий хаточиликлар – жуда аҳамиятли
Маржа миқдорининг етарлилиги бозорда молиявий инструментлар даромадлилик даражасининг ўртача харажатларга нисбатан юқорилиги	Ҳатто, аҳамиятсиз рақобат афзалликлари ва имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш мақсадида банк фаолиятининг барча жабҳалари ва йўналишларини тўлиқ таҳлил қилишнинг объектив зарурати мавжуд эмас
Тижорат банклари раҳбарларининг ўзига хос менталитети (тезкор даромад олиш)	Ташқи ва ички омилларнинг ўзгариб бориши шароитида банк фаолиятини тўлиқ камраб олувчи модели яратишга интилиш («ментал мўлжал») нинг йўқлиги
Раҳбарлик ва ташкилий тартиб	Бошқарув жараёнларининг тор шахслар доирасида жамланиши (фақат самарали ташлий структура ва бошқарув механизмлари мавжуд бўлмаслиги шароитидагина ўзини оқловчи)
Дастурий банк технологиялари ривожланиши ва уларнинг қўлланилиш даражаси	Банк фаолиятининг имитацион моделини яратиш ҳамда стратегик режани таҳлил қилиш ва коррективоклаш имкониятини берувчи инфорацион-методологик базанинг мавжуд эмаслиги

тартибда гуруҳлаш мумкин.

Биринчи гуруҳ – умуиктисодий характердаги омиллар:

- нисбий макроиктисодий барқарорлик, банк фаолиятини тартибга солиш ва ислоҳ қилиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ сиёсатнинг юритилиши (эволюцион йўл);

- банк технологиялари бозорининг шаклланиши ва интенсив ривожланиши, уларни амалиётга жорий қилиш ва қўллашнинг катта тажрибаси;

- молиявий бозорлар рискининг пасайиши.

Иккинчи гуруҳ – банк соҳасининг ривожланиши омиллари:

- бизнес соҳаларини экстенсив эгаллаш босқичининг интенсив босқич билан алмашуви, бозорнинг барча сегментларида рақобат рақобат курашининг кучайиши билан бир қаторда сифат жиҳатдан ривожланиши;

- банк ҳамжамиятининг бир-биридан фарқланувчи икки гуруҳга, яъни пойтахт ва ҳудудий банкларга бўлиниши;

- банк маржаси даражасининг сўнгги йилларда

ўзининг энг қуйи нуқтасига етиши.

Юқорида кўрсатилган тенденциялар молиявий бозорда сақланиб қолса, табиийки, банкларимизда ривожланишнинг самарали инструментларини излаб топиш ва уларни амалий фаолиятда қўллашга бўлган қизиқиш ортади. Бундай инструментлардан бири (балки уларнинг ўртасида энг перспективи) ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятига стратегик менежмент тизимининг жорий қилиниши нафақат юзага келган молиявий-иктисодий омиллар, ички қисқа муддатли режалаштириш тизими, раҳбарлар фаолиятининг жорий ликвидлиликни таъминлашга йўналтирилганлиги, шунингдек, ёрдамчи инфраструктураларнинг ривожланиш даражаси билан ҳам белгиланади.

Элбек НАЗАРОВ,

Қарши давлат университети
мустақил тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Private-banking; holding-banking; internet-banking, online-banking
2. SMS-banking, SMS (Short Message Service, ya'ni, qisqa xabarlar xizmati) protokoli bo'yicha bank xizmatlari ko'rsatish. www.xb.uz
3. Java-banking, mijozning mobil telefoniga Java-illovalarni o'rnatish orqali GPRS protokoli bo'yicha bank xizmatlari ko'rsatish www.xb.uz
4. F.Mullajonov. "O'zbekiston Respublikasi bank tizimi". T.: O'zbekiston, 2011. -368 bet

УЎТ: 339.9.012.23

ТАДҚИҚОТ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада тадбиркорлик корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг масалалари ўрганилган. Тадбиркорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган.*

***Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы организации и управления деятельностью предпринимательских предприятий. Уделяется внимание вопросам совершенствования управления внешнеэкономической деятельностью предпринимательских предприятий.*

***Annotation.** The article deals with the issues of organization and management of entrepreneurial enterprises. Attention is paid to the issues of improving the management of foreign economic activity of entrepreneurial enterprises*

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўналишида тадбиркорлик фаолиятига катта аҳамият қаратилмоқда. Бу

соҳа мамлакат ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини яратишда юқори улушларга эга бўлиши орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юк-

салтириш ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш вазифасини бажариши қабул қилинган режа ва дастурларда белгиланган. Мамлакатимизда 2026 йилга бориб экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган. Бу вазифани бажариш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ташқи бозор талабларига жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва улар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг экспортдаги улушини орттириш вазифаси белгиланган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари мамлакат жами экспортининг 60 фоизини таъминлаши мақсад қилиб олинган. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари олдига қўйилган ушбу вазифани бажариш учун улардаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади.

Асосий қисм. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожланди. Уларнинг сони муттасил равишда ортиб бормоқда. Улар томонидан мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва яратиладиган хизматларнинг катта қисми тайёрланмоқда. Бу корхоналар томонидан вилоят ташқи савдосининг катта қисми амалга оширилмоқда. 2022 йилда тадбиркорлик корхоналари томонидан вилоят жами экспортининг 42,8 фоизи, импортнинг эса 72,3 фоиз амалга оширилмоқда (1–жадвал). Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 72,4 фоиз тадбиркорлик корхоналари томонидан яратилмоқда. 2018 йили вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 80 фоизни тадбиркорлик корхоналари таъминлаган бўлса, кейинги йилларда бу улуш бир оз пасайди. Бунга шу йиллари амалга ошган пандемия сабаб бўлди. 2017 ва 2018 йилларида вилоят экспортининг 80 фоизга яқинини таъминлаган кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти корхоналари 2022 йилга келиб 42,8 фоизлик улушга эга бўлди. Импорт ҳаракатларида эса ўзгариш кам бўлди. Яна бир муҳим муаммо – вилоят кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг ташқи савдо балансида манфийлик ортиб бормоқда, яъни импортнинг ҳажми экспортдан ортиб бормоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятларида хорижий мамлакатлардан вилоятнинг энг йирик савдо ҳамкорлари, Россия, Қозоғистон, Хитой, Арма-

нистон, Қирғизистон, Германия, Жанубий Корея, Латвия каби мамлакатлар бўлса, улардан, фақат Россия, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон билан ижобий сальдога эришилган. Иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, Германия, Хитой, Латвия, Туркия, Жанубий Корея, Литва, Италия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан манфий сальдо амалга оширилган.

Вилоят 50 дан ортиқ мамлакатлар билан экспорт муносабатларини ўрнатган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти билан фақат бир йил экспорт амалга оширилган, яъни экспорт муносабатларининг давомийлигига эришилмаган. МДҲ ҳамда бошқа хорижий мамлакатларга амалга оширилган экспорт кўрсаткичлари Наманган шаҳри, Косонсой, Учқўрғон ва Чуст туманларида тенг равишда ривожланган бўлса, аксинча, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида мазкур кўрсаткичларнинг иккала йўналиши бўйича кескин пасайиш аъъаналари кузатилган.

1-жадвал.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг улуши, % (фоиз)да

№	Йиллар	Ялпи ҳудудий маҳсулотда	Экспорт	Импорт
1	2000	38,2	16,9	38,2
2	2001	37,2	14,3	22,0
3	2002	34,9	11,7	48,0
4	2003	32,0	44,3	67,0
5	2004	34,0	64,0	64,9
6	2005	31,0	74,1	57,4
7	2006	41,0	19,3	65,2
8	2007	66,3	32,7	67,3
9	2008	69,7	52,8	50,7
10	2009	71,9	69,2	60,0
11	2010	76,0	86,9	64,5
12	2011	78,7	54,1	53,7
13	2012	78,4	48,6	62,0
14	2013	79,5	52,4	75,5
15	2014	79,7	74,3	68,2
16	2015	77,6	77,8	74,5
17	2016	78,7	87,4	90,9
18	2017	79,6	90,6	88,7
19	2018	80,0	83,6	45,9
20	2019	79,2	80,1	70,7
21	2020	70,1	53,3	73,4
22	2021	71,2	51,3	79,0
20	2022	72,4	42,8	72,3

Вилоятнинг айрим ҳудудлари, жумладан, Наманган, Норин, Учқўрғон туманлари хизматлар бўйича экспорт фаолиятида умуман иштирок этмаптилар. Бунинг сабабларини ўрганиш талаб этилади, шунингдек, экспортнинг ушбу кўрсаткичини янада ошириш имкониятларидан бири сифатида, улуши нисбатан юқори бўлмаган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида экспорт кўрсаткичларини ошириш имкониятларини аниқлаш лозим.

Машина ва асбоб ускуналар бўйича экспорт жуда кам амалга оширилган. Бунинг ҳам сабабларини ўрганиш ва бу соҳадаги имкониятларни таҳлил қилиш бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалаларнинг барчаси кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий муносабатларини бошқариш фаолияти билан боғлиқ ва уни такомиллаштириш орқали бу масалаларнинг ечими топилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар тузиш ва уларни амалга ошириш ҳисобидан ушбу камчиликларни бартараф этиш лозим.

Натижалар ва муҳокама. Ҳозирги вақтдаги иқтисодиётни глобаллашуви амал қилаётган даврда кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт товарлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига рақобатбардош маҳсулот етказиб бериш ва уни жаҳон нархларида сотиш имконияти ҳисобланган экспорт салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги босқичда ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг жадал ривожланиб бораётган шакли ҳисобланмоқда. Ташқи савдо операцияларининг аҳамияти ортиб бориши, аввало, турли мамлакатларнинг ташқи бозорларда миллий маҳсулотларини сотиш эҳтиёжи, ташқаридан маълум товарлар олиб кириш эҳтиёжи ва ниҳоят халқаро меҳнат тақсмоти туфайли юқори фойда кўриш истаги билан бевосита боғлиқ жараёндр. Ташқи савдо фаолиятида экспорт амалиётини устувор деб ҳисоблаш лозим, бу ҳар доим миллий тараққиётнинг долзарб масаласи бўлиб келган ва шундай қолмоқда. Экспорт ҳажмини ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини

мустаҳкамлаш ҳозирги босқичда иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Экспорт, лотинча «екпорто» сўзидан олинган бўлиб, «экспорт қилиш» маъносини англатиб, чет эл ҳамкорига эгалик қилиш учун чет элга товарлар сотиш ва экспорт қилиш бўйича кўплаб тижорат операциялари мажмуидир. Шу сабабли, кичик бизнес субъектлари фаолиятида экспортнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятига ташқи муҳитнинг рағбатлантирувчи ва чекловчи омиллари таъсир кўрсатади.

Хулоса. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришни такомиллаштириш йўналишида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Корхона фаолиятидаги ички ўзгарувчиларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва ҳар бир ўзгаришни олдиндан пайқаб олишга ҳаракат қилиш, бу ўзгаришларга муносиб фаолиятни белгилаб олиш.

2. Фаолиятга таъсир кўрсатувчи ташқи таъсир кучлари ва омилларини таҳлил қилиб бориш. Ўзгаришларга мослашиш стратегиясини яратиш ва амалга ошириш.

3. Фаолият давомида юқори истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулотларни ва хизматларни яратишга эътибор бериш.

4. Маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларни оптималлаштириш.

5. Инновацион фаолиятни амалга ошириш.

6. Маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур бўлган хомашё ва материаллар сифатига эътибор бериш. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган хомашёларни сотиб олишда уларнинг сифатига ва нархига эътибор қаратиш.

7. Тадбиркорлик корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини таъминловчи тизимни йўлга қўйиш. Ушбу тизим асосида ишларни ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш.

Махмуджон ОҚБОЕВ, таянч докторант, Наманган муҳандислик-технология институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, «Ўзбекистон», 2022 йил.

2. Catter III, J.J., Kidwell, R.E. (2014). Function, governance, and trust in successor leadership groups in family firms. *Journal of Family Business Strategy*, 5(3), 217-228. doi: 10.1016/j.jfbs.2013.06.001.

3. Kazakov O.C. The Role of the Textile Industry in the Economy of Uzbekistan *Журнал Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol9 Issue–2, Dec -2019*

4. Оқбоев М. Тадбиркорлик фаолиятида ташқи иқтисодий фаолият самарасини ошириш масалалари. *Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. №5/2 (101), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 268 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>*

5. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, Volume 13 Special Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>

6. Olim Kazakov, Shaxboz Valijanov, Bobur Nabiyeu, Abdullo Mirzababayev . ECONOMIC POWER OF ENTREPRENEURSHIP AND ITS IMPACT ON ITS EFFICIENCY *Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal*, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html © Platform & Workflow by: Open Journal Systems.

7. Elnara Alievaa, Olim Kazakov EFFECTIVE APPLICATION OF INNOVATIONS OF THE “THIRD RENAISSANCE” IN INCREASING THE COMPETITIVENESS OF SMALL BUSINESSES *Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal*, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html. © Platform & Workflow by: Open Journal Systems.

TADQIQOT

KORXONALARDA PAXTANI QAYTA ISHLAB CHIQRISHNI XALQARO STANDART ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH ASOSLARI

Аннотация. *Ushbu maqolada korxonalarida paxtani qayta ishlab chiqarish xalqaro standart asosida takomillashtirish asoslari bo'yicha dolzarb va muhim masalalar echimi keltirilgan.*

Аннотация. *В данной статье представлено решение актуальных и важных вопросов по основам совершенствования воспроизводства хлопка на предприятиях на основе международного стандарта.*

Annotation. *This article provides a solution to the current and important issues regarding the basics of improving cotton re-production in enterprises based on the international standard.*

Dunyo bozorida paxta strategik xomashyo turlaridan biri hisoblanadi. 1 tonna paxtadan 350 kg tola olinib, o'z navbatida, bu toladan uning o'rta tolati navlarini qayta ishlashda 8620 metr gazlama, uzun tolati navlarini qayta ishlashda esa 15250 metr gazlama, 30 kg momiq va boshqa mahsulot turlarini olish mumkin. Shuningdek respublikada ishlab chiqarilgan paxta tolati xorijiy mamlakatlarga eksport qilinmasdan turib, o'z

respublikamizda qayta ishlab ko'plab mahsulotlar ishlab chiqarish, ichki va tashqi bozorlarda eksport qilish imkoniyatlarini rivojlantirilmogda. Shu o'rinda paxtani qayta ishlash korxonalari iqtisodiyotini boshqarishda ishlab chiqarish hisobi va nazoratining roli kattadir. O'zbekiston bozor iqtisodiyotining hozirgi davrida barcha korxonalar iqtisodiy tizimi, ishlab chiqarish jarayoni, korxonalar faoliyatida iqtisodiy samaradorlikka erishish masalalari muhim

ahamiyatga ega. Bu esa, o'z navbatida, paxta ishlab chiqarish xarajatlari va daromadlari texnologik zanjirini qayta ko'rib chiqishni talab etadi va uning rivojlanishini jahon bozori kon'yunkturasini hisobga olgan holda, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishni butun yangi tarkibi bilan uzviy bog'liqlikda ko'rib chiqish zarur. Ya'ni bu erda texnologik zanjiri degani paxtani faqat paxtani qayta ishlash korxonasida qayta ishlash emas, balki uni etishtirish bilan bog'liqlikni yoki undan mahsulot yaratish hamda sotish bilan bog'liqlikni tushunish zarur. Ushbu tarmoq va sohani rivojlantirish maqsadida "Paxta-to'qimachilik ishlab chiqarishini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining 22.06.2020 yildagi 397-son qarori, 11.03.2021 yildagi 130-son "Qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarini davlat tomonidan moliyaviy qo'llab-quvvatlashni tashkil etish to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori hamda «Mahsulot (ish, xizmat) tannarxiga qo'shiladigan, uni ishlab chiqarish va sotish bilan bog'liq bo'lgan xarajat . Respublikamiz paxtachilik sohasi o'z rivojining butunlay yangi bosqichiga o'tmoqda, uni rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan bir qator omillarni qayd etib o'tish lozim. Shuning uchun zamon talabidan kelib chiqib paxta sanoati tizimida Vazirlar Mahkamasining «Paxta-to'qimachilik ishlab chiqarishini tashkil etishning zamonaviy shakllarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida (klaster bo'yicha)»gi 2018 yil 25 yanvardagi 53-sonli qarori qabul qilindi. Shunga ko'ra respublikamiz barcha joylarida paxtachilikka asoslangan klaster faoliyatini amalga oshiruvchi korxonalar va tashkilotlar tashkil etildi. Yangi tashkil etilgan paxtachilikka asoslangan klaster faoliyati bilan shug'ullanuvchi paxta qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish chiqarish bog'liq hisob-kitoblar o'zgacha bo'lib, yangicha shakl va mohiyatga ega bo'lgan hisob tizimini ham mazmunan ancha boyitishni talab etadi. Bu esa ishlab chiqarish bo'yicha hisobini yuritishda yanada takomillashtirish zaruratini

yuzaga chiqaradi. Ushbu soha rivojlanishi uchun ishlab chiqarish hisobini oldiga bir qancha muhim vazifalarni va hisob-kitoblarni yuklamoqda. Bunda qanday hisob-kitoblarni aniqlash, Respublikamizda qishloq xo'jaligida er biriktirilgan klaster asosida faoliyat olib borayotgan paxtani qayta ishlash korxonalarini, paxtani qayta ishlash jarayonlarida paxta mahsulotini etishtirish xarajatlari paxta qayta ishlash davrida qaysi xarajat: tayyorlov xarajatlari yoki qayta ishlash xarajatlari tarkibiga kiritilishi, balki paxta xomashyosini etishtirish xarajatlari yoki "ishlab chiqarish bilan bog'liq barcha xarajatlar deb alohida xarajat turini shakllantirish dolzarb masalalardan biridir. Tayyorlov xarajatlari va qayta ishlash xarajatlar jami tannarx (xom ashyosiz) xarajatlari hisoblanadi. Bunga xom ashyo xarajatlari qo'shsak olingan mahsulot tannarxi kelib chiqadi. Shuning uchun ishlab chiqarish hisobini yuritayotganimizda barcha ishlab chiqarish xarajatlari hisobga olinadi. Ishlab chiqarishdagi xarajatlar: mahsulot ishlab chiqarishni tayyorlashdan boshlab uni tayyor mahsulot holda omborga qabul qilingan davrgacha bo'lgan korxonalar umumiy faoliyatiga ta'aluqli xarajatlarning yig'indisidan iborat bo'ladi. Ular "mahsulot ishlab chiqarish texnologiyasi va ishlab chiqarishning xususiyati"ga qarab har xil bo'ladi. Bu xarajatlar tannarx xarajatlari bo'lmasada, lekin ishlab chiqarishga ta'sir etuvchi xarajatlar hisoblanadi. Chunki sof foydaga ta'sirini o'tkazadi. Ishlab chiqarish hisobni takomillashtirish borishiga birinchidan, ishlab chiqarishni o'sib borishi o'z ta'sirini o'tkazib borsa, ikkinchidan, boshqaruv tizimidagi o'zgarishlar ham hisobni rivojlantirish borishiga asos yaratadi. Yuqoridagi xulosalardan kelib chiqib, muallif tomonidan tola, chigit, lint hamda ulyuk-pux ikkilamchi mahsulotlarning har biri uchun alohida ma'lumotlarga ega bo'lish maqsadida ishlab chiqarish hisobida ishchi tranzit schyotlarni amalga oshirishni taklif etiladi.

Aziz ABDURAXMONOV,

Jizzax politexnika instituti dotsenti v.b.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 28 noyabrda «Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-3408-sonli qarori.
2. Шертайлаков Г. М. и др. Понятие о измерении // Молодой ученый. – 2017. – №. А.А. Abdurahmonov.
3. Fan va texnikada o'lchashlar noaniqligi. O'quv qo'llanma-2021y-121b.6. – C. 100-102.
4. Abdurakhmanov A. A. MEASUREMENT UNCERTAINTY EVALUATION IN THE DIGITAL ERA // International Academic Research Journal Impact Factor 7.4. – 2023. – T. 2. – №. 1. – C. 133-139.



ЭЛЛИК БИРИНЧИ ҚАЛЪА



“Агар жамиятнинг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг руҳи ва жони маънавиятдир”.

Ш.М.Мирзиёев

Шундай инсонлар борки улар ҳаётлик пайтларидаёқ афсонага айланадилар, улар ҳақида шеърлар, қўшиқлар ёзилади, уларнинг амалга оширган ва ошираётган эзгу ишлари тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчади... Бундай инсонларнинг турмуш тарзи, юриш-туриши, хулқ-атвори наинки ёшларга, балки ёшулликларга ҳам намуна бўлади... Шундай инсонлар сирасига мен ҳеч иккиланмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманининг собиқ ҳокими, қ.х.ф. доктори Неъматулла Худойбергеновни киритган бўлар эдим.

Яқинда журналимиз Бош муҳаррири мени хонасига чақириб қўлимга бир китоб тутар экан:

— Ушбу китобни бир ўқиб чиқсангиз, сўнг фикр алмашардик, — деди.

Китобни қўлимга олар эканман, номини ўқиганимдаёқ унга қизиқишим ошди, чунки Эллиққалъа тумани, у ерда олиб борилаётган археологик ишлар ҳақида кўп эшитган эдим. Бехитиёр, ҳаёлимдан “демак яна бир қалъа кашф этилибди-да...”, деган фикр ўтди...

Хонамга кириб китобни аста варақлай бошладим.

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Рўзимбой Ҳасан, масъул муҳаррир Сирожиддин Рауф.

Сўзбоши Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Абдулла Орипов.

Китобдан Ибройим Юсупов, Тўлепберган Қайипбергенов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Эркин Аъзам, Аҳмаджон Мелибоев, Маҳмуд Тоир, Шухрат Жабборов ва шу каби 50 га яқин таниқли адибларимизнинг мақолалари ўрин олган.

Китобни варақлашда давом этар эканман, унга бўлган қизиқишим борган сари ортиб борар эди.

Китоб мустақиллик даврида турли давлат идораларида самарали фаолият юритган, Эллиққалъа тумани ривож ва равнақи йўлида узоқ йиллар масъул вазифада хизмат қилган маърифатпарвар инсон Неъматулла Худойбергенов ҳаёт йўли ва фаолиятига бағишланган экан.

Неъматулла Худойбергенов ўз иш фаолиятини ёшлар ташкилотидан бошлаган. Қатор ютуқларга эришгач, туман партия кўмитасига ишга ўтган. Сўнг республика Вазирлар Маҳкамасида масъул вазифада ишлаб, тажриба орттирган. Сўнгра қарийб йигирма йил Эллиққалъа тумани ҳокими вазифасида ишлаган. Айнан у ҳокимлик қилган даврда ҳар икки йилда бир марта — август ойида — Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида истиқболга атаб адабий анжуманлар ўтказиш русумга кирганди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари, бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамда Эллиққалъа туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда бўлиб ўтадиган “Ақчақул илҳомлари” ёш ижодкорлар танлови даражаси жиҳатидан Зомин анжуманидан қолишмасди.

“Иқтисодиётни тушунган, тўғри сиёсат юргиза олган, яратиш-яшнатишни, бунёдкорликни ўрнига қўйган раҳбар маънавий-маърифий ишларни ҳам рисоладагидек олиб боради. Ҳоким маънавият, маърифат, адабиёт, санъат жонкуяри бўлса, шу ҳудуддан ўнлаб истеъдодлар кашф этилиши муқаррар. Неъматулла Худойбергенов ҳоким бўлиб ишлаган йиллари Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа тумани, нафақат қорақалпоқ аҳли, балки бутун Ўзбекистон зиёлилари орзиқиб, соғиниб борадиган масканга айланганди. Ахир, бир инсоннинг 19 йил (1998-2017 йиллар давоми-

да) бир туманда — Эллиққаллада ҳоқим бўлиши ҳам ноёб ҳодиса-да!” — дея ёзади Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Маҳмуд Тоир.

Н. Худойбергенов халқпарвар, одамохун, меҳридарё, самимий, содда, ўрни келганда қаттиққўл, оқил раҳбар эди. Шу тариқа Эллиққалъа аҳлининг буюк аждодларидан неки мерос бўлиб келаётган бўлса, барчаси авайланди. Маданият саройлари, музейлар бунёд этилди. Ниманики асраш зарур бўлса, бариси муҳофаза этилди, жамланди. Келажак авлодларга безавол етиб боришига асос яратилди. 10 та янги мактаб, 28 та болалар боғчалари, маърифат масканлари, спорт майдончалари, театр... хуллас, аҳолининг, айниқса ёшларнинг камолоти учун зарур бўлган барча иншоотлар қурилди.

Н. Худойбергенов қишлоқ хўжалиги, Орол муаммоси мавзуларида республика миқёсида илмий-амалий семинарлар ўтказишга ҳам бошқош бўлган.

Неъматулла оғанинг алоҳида эътиборга лойиқ ишлари яна бири албатта унинг Эллиққалъа тумани марказида шаҳар барпо этганидир. Шаҳар бўлганда ҳам исми жисмига монанд саҳронинг қоқ белида Бўстон шаҳри қад кўтарди. Ҳоқимнинг кўнглидаги “овулда шаҳар шароитини яратиш” мақсади аста-секин амалга оша бошлади.

Эллиққалъа тумани марказида бунёд этилган ва уч республика халқ артисти, соҳир овоз соҳиби Отажон Худойшукуров шарафига номланган муҳташам санъат саройи, таниқли шоир Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи адабиёт ва санъат коллежи ташкил этилиши, туман марказида “Биринчи ўқитувчи” шарафига ҳайкал ўрнатилиши ҳам, аслида Неъматулла оғанинг ташаббусидир.

Неъматулла Худойбергенов ушбу туманда қарийб 20 йил бош раҳбар сифатида, фаол ёшлар етакчилигини ва қуриш трестида ишлаган даврларни ҳисобга олганда 34 йил фаолият юртиб, дашту-биебоннинг гуллаб-яшнашига муҳим ҳисса қўшди. Қисқа фурсатда қишлоқ хўжалиги, саноат, ишлаб чиқариш ва қурилиш дейсизми, хуллас, барча соҳаларда жадал суръатларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Умуман олганда, Эллиққалъа, жумладан Бўстон шаҳри чин маънодаги бўстонга айланди.

— Туман қишлоқ хўжалигини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида Агрофирма ташкил қилинганлиги ҳам аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга хизмат қилди, десам муболаға бўлмайди, — дейди Неъматулла оға суҳбатимиз

давомида. — Улардан биринчиси, мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик йўналиши бўйича, иккинчиси, Н.Қурбонов номидаги паррандачилик, учинчиси, наслдор Ахалтин отлари минизаводи ва наслдор чорвачилик фермаларидир. Бундан ташқари, чўл худудларида янги посёлкалар ва уларга элтувчи йўллар, кўприклар, бошқа иншоотлар қурилди.

Н.Худойбергенов ўзининг онгли ҳаёти давомида амалга оширган ўнлаб, юзлаб ишларининг фақат рўйхатинигина ёзиб чиққанда ҳам бир китоб ҳажмида бўлса ажаб эмас. Энг эътиборлиси шуки, бу ишларнинг барчаси ҳам эл-юрт фаровонлигини ошириш, одамларнинг турмуш тарзини тобора юксалтириш, уларнинг меҳнат ва ижтимоий шароитларини, шу жумладан, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини яхшилаш, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштириш, бу йўналишда тинмасдан юзлаб қурилишларни амалга оширишга қаратилган ишлардан иборат.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сирожиддин Саййид сўнгсўзини қуйидаги шеър билан якунлайди:

ЭЛЛИҚҚАЛЪА ТАШБЕҲЛАРИ

*Азим бўлди бу тупроқ ҳам — дилимда сафҳалар кўрдим.
Саҳифа сингари саҳросида ҳам қалъалар кўрдим.*

*Куюк хатлар каби мозийси узра қарғалар кўрдим,
Ҳазин бир ноласи маъвосида ҳам қалъалар кўрдим.*

*Ҳилолидан фалак дарвозасида халқалар кўрдим,
Унинг ерга яқин Зухросида ҳам қалъалар кўрдим.*

*Тилимга Ақчақўлнинг мавжларидан лаҳжалар кўрдим.
Сополининг синиқ имлосида ҳам қалъалар кўрдим.*

*Кўзим юмдим, азим дарё аро Вақт сингари чўмдим,
Бугун ҳам Эртанинг маъносидида ҳам қалъалар кўрдим.*

*Қуёшли қалъалардай қалбларни қошида ўй сурдим,
Азиз инсонларни сиймосида ҳам қалъалар кўрдим.*

Мақоламизни якунлар эканмиз, қаҳрамонимиз, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, “Дўстлик” ордени соҳиби, “Турон” Фанлар Академияси академиги ва Ўзбекистон фахрийси I даражали кўкрак нишони унвонларига сазовор бўлган Неъматулла Худойбергеновга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фаолиятида янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

Маҳмудхон ТОИРОВ,

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси.



Улкан Навоийшунос олим

Қахрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.

Яқинда “Шаҳидлар хотираси” майдонининг марказида жойлашган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида тадбирда иштирок этдик. Академик Акмал Саидовнинг маърузасидан кейин, музейни айланар эканмиз, эътиборимизни улкан навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов ва у кишининг отаси – биринчи ўзбек кинорежиссёри Сулаймонхўжа Хўжаевага бағишланган стендага кўзимиз тушди...

Маълумки, ўз вақтида собиқ совет раҳбариятига зиёлилар кўп ташвиш келтирарди. Зеро, бу шундай куч эдики, у жамиятга мавжуд тузумни ўзгартириш лозимлигини кўрсата олар эди. Шунинг учун ҳокимият тепасидагилар, иккинчи жаҳон уруши вақтида зиёлилар устидан суғуриб олиб борилган мафкуравий ва сиёсий назоратни,

кучайтиришга қарор қилдилар. 1946 йилнинг бошидан кенг миқёсда мафкуравий ҳужум бошланди. У гўёки капиталистик турмуш тарзини мақтаб, Ғарб олдида таъзим қилиб турадиган шахсларга қаратилган эди.

Коммунистик мафкура қолипларига тўғри келмайдиган ҳар қандай тафаккур, фикр юритиш, совет фуқаросига ёт, бузғунчи, буржуа мафкура-си ҳисобланарди.


Ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати “Тоталитар тузум вақтида бизнинг минглаб бегуноҳ ватандошларимиз қатағонга учраган эдилар. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг киши шафқатсизларча қатағон қилинган, 13 минг киши эса отиб ташланган эди. Кўплаб оилалар хонавайрон бўлди, бо-

лалар эса етим бўлиб қолди.”, деб қайд этган эди.

Шуни қайд этиш лозимки, Ҳамид Сулаймоновнинг отаси – таниқли кинорежиссёр Сулаймон Хўжаев ўтган аср 30-йиллардаги қатағонга учраб, миллатчи сифатида ҳалок бўлди. Унинг ўғли Ҳамид Сулаймонов эса қатағоннинг иккинчи тўлқинида тухматга учраб, фақат 1955 йилда озодликка чиқди. Ота ҳам, ўғил ҳам шахсга сиғиниш тўлиқ фош этилганидан сўнг оқландилар. Шундан сўнг Ҳамид Сулаймонов умрини охиригача ўзбек халқининг мумтоз шоири Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш, унинг қўлёзмаларини мамлакатимиз ва ҳорижда мавжуд бўлганларини иложи борица асл нусхаси, бўлмаса фотонусхасини олиб келиш билан шуғулланди...

Мен ўтган аср 60-йилларнинг бошида Ўзбекистон Фанлар академиясининг нашриётида ишлар ва домла билан учрашиб турар эдим. 1961 йилда Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоийнинг тўрт жилддан иборат асарлар тўпламини чоп эттирди ва олиб борган ишлари асосида докторлик диссертациясини ёқлади. Биз – у пайтда ёш олимлар бўлган Ҳайдарали Узоқов ва Насимиддин Тоиров билан бирга “Совет мактаби” журналида бу ҳақда “Етук олим” сарлавҳали мақола чикардик. Ҳимоядан кейин Ҳамид Сулаймоновни улуғ олим, академиянинг президенти Ҳабиб Абдуллаев қизгин ва самимий табриклади.

Профессор Ҳамид Сулаймоновни чорак аср Ўзбекистонга раҳбарлик қилган, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист Шароф Рашидов ниҳоятда ҳурмат қилар эди. Академиянинг мажлисларидан бирида Шароф Рашидов собиқ иттифоқ ҳукумати раисининг ўринбосари, фан ва техника комитетининг раиси академик В. Кириллин билан бирга иштирок этдилар. Шунда Шароф Рашидович Владимир Кириллинга қараб: “Залда кўплаб истеъдодли, тажрибали, катта олим ва илм-фан ташкилотчилари ўтирибди. Шуларни ичида профессор Ҳамид Сулаймонов ҳам бор.



Бу шундай олимки, на ўзи тинч ўтиради, на бизни тинч қўяди: доим изланишда, ташаббус кетидан ташаббус кўрсатаверади. Қани энди ҳамма олимларимиз ҳам шундай бўлишса”, деб фахрланиб айтадилар. Мажлисдан кейин барча йиғилганлар Ҳамид Сулаймоновични кучоқлаб табриклашади. Зеро, ўша пайтларда Шароф Рашидовичнинг бундай олқиши ҳар қандай мукофотдан юқори турар эди...

Яқинда атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Салимов биз билан бўлган суҳбатда, Ҳ. Сулаймоновни эслаб шундай дедилар: “Бир кун Ҳ. Сулаймонов қабулимга кирдилар. Ҳиндистонга ижодий сафарга бориш учун ёрдам сўрадилар. Дарров тегишли топшириқ бердим. У киши қаерга борсалар ўзбек халқининг адабиёти, санъати, маданиятига тегишли янги-янги ашёлар кўтариб келардилар. Шуни қайд этиш керакки у кишининг қўллари ҳақиқий меҳнаткаш қўллар эди”.



Дарҳақиқат, ўша вақтда олимлар ичида: “Профессор Ҳамид Сулаймонов чет элларга бориб, Ўзбекистонни Ватанига қайтариб олиб келяпти”, деган ҳазил юрарди.

Носир ТОИРОВ,

Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг аъзоси, меҳнат фахрийси.

Суратларда:

1) Ҳамид Сулаймонов, рафиқаси – Шарқ ва Фарб адабиёти билимдони, филология фанлари доктори, профессор Фозилахон Сулаймонова билан иш устида.

2) Сулаймон Хўжаев;

3) Ҳамид Сулаймонов оиласи билан.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIKлари

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, avgust №8.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида ...	1
Сув хўжалиги вазирлиги парламентда ҳисобот берди	5
Ш.АБДУЛЛИМОВ, Ф.ҲАСАНОВА. Август – ҳосилга ҳосил қўшиш оғи	7
Ш.АБДУЛЛИМОВ. Чилпиш – муҳим тадбир	9
Ф.ТЕШАЕВ, С.А.ЛАНАЗАРОВ. Ғўза дефолиациясини сифатли ўтказиш	10
М.ТОШБОЛТАЕВ. Дефолиациялаш агрегатларини самарали ишлатиш	13
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, С.ХАСАНОВ. Август ойида экиладиган экинлар ..	15
М.САТТАРОВ, Р.ТИЛЛАЕВ, М.ЭРҒАШЕВ. Шолдан бир йилда икки марта ҳосил олиш	17
Б.БУРХОНЖОНОВ, С.МАМАТОВ. Сувнинг ҳисобини аниқ юритиш – самарали бошқариш асоси	19
Ш.НОРМУРОДОВ. Кам сув сарфлаб, кўп ҳосил олиш	21
У.МАМАЖОНОВ. Ерга меҳр бериб, эл меҳрини қозонган қаҳрамон	22
Ш.СҮЮНОВ. Қўёшлик истасанг, қасби қамол эт	23
Т.МУҲАММАД. Янги тизим янги ютуқлар келтирмоқда	24
Дехкон ва кластер ҳамкорлиги	27
К.ЭРҒАШЕВ. Биз билган ва билмаган Толибжон раис	28
Арзон маҳсулот – фаровонлик мезони	29
Б.СЕНТМУСАЕВ, О.ЭРҒАШЕВ. <i>G. hirsutum</i> L. га мансуб ғўзанинг АТМ-1 навининг турли ҳудудларда парваришланган популяцияларида тола чиқими белгиси кўрсаткичларининг намоён бўлиши	30
Х.АРАЛОВ, Х.ҚОРЖОВОВА. Чилонжйида – унаби	32
Т.ОСТАНАҚУЛОВ, Ю.ТЕМИНОВА. Томчилатиб сўғориш, турли плёнкалар билан мулчалашнинг помидор ўстиришдаги самараси	35
Л.УРАЗБАЕВА. Chorvachilikni rivojlantirish va mahsulot yetishtirishga eksternaliyalar ta'siri	37
Д.ҚУТЛИМУРАТОВА. Утмишдош экинларнинг тупрокни ўсимлик қолдиқлари билан бойитишдаги аҳамияти	39
Ш.ТУРСУНОВ, П.БОБОМИРЗАЕВ. Зарафшон водийсининг сўғориладиган ерлари шароитида кузги бугдой навларининг экологик нав синови тажрибалари натижалари	40
У.САДИЕВ, Э.КАЗАКОВ, Д.МАХМУДОВА. Жанубий Мирзачўл магистрал каналининг техник ҳолатини тадқиқ қилиш	43
Д.ИРГАСHEV, Х.ФАЙЗУЛЛАЕВ, О.НАМРАЕВ, О.РАХМАТУЛЛАЕВ. Plug-yumshatkichning qiya ustunli ishchi organ parametrlarni nazariy asoslash	45
Р.ХОЖИМАТОВ. Наманган вилоятинида пиллани қайта ишлаш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	47
Н.БЕКМУРОДОВ. Iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish va xususiy sektorni qo'llab-quvvatlash imkoniyatlari	49
М.ВОБОЙРОВА. Oziq-ovqat mahsulotlarining yashil marketing strategiyalari ...	51
Э.НАЗАРОВ. Банк-кредит муассасаларида стратегик режалаштириш даражаси ва моҳиятига таъсир қилувчи омиллар таҳлили	54
М.ОҚБОЕВ. Тадбиркорлик фаолиятида ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш масалалари	55
А.АБДУРАХМОНОВ. Корхоналарда пaxtани қayта ишлаб чиқаришни xalqaro standart asosida takomillashtirish asoslari	58
М.ТОИРОВ. Элдик биринчи қалъа	60
Н.ТОИРОВ. Улкан Навоийшунос олим	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil 31-iyul. Qog'oz bichimi 70x100 1/16. Ofset usulida ofset qog'oziga chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 5,5. Nashr bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 20 Nuxtasi 800 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar –
B.ESANOV, A.TAIROV

Dizayner – **U.MAMAJONOV**

Ўзбек ипаги — хорижа



Мустақиллигимизнинг ўттиз икки йили. Шу йиллар эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиш, қадр қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Ўтган йиллар юртимизнинг барча аҳолиси каби қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари тақдирида ҳам янги саҳифаларни очди, улкан ўзгаришлар, ривожланиш ва ютуқлар олиб келди. Соҳадаги эришилаётган ҳар бир муваффақият замирида эса шубҳасиз, бой тажриба ва билимга эга миришкор деҳқонларимизнинг пахта, ғалла ва пиллачилик ривожига ҳиссаси ётибди.

Самарқанд вилоятида ёш бўлишига қарамай катта ютуқларга эришиб келаётган тадбиркорлар талайгина. Шулардан бири Шаҳзоджон Ибрагимов. У ота касби бўлган ипакчилик соҳасида катта ютуқларга эришаётган умидли тадбиркорлардан. Такидлаш жоизки, ҳудудда тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, ипакчиликнинг ибратли мактаби фаолият кўрсатаётгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар кўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ёшлигидан ипакчиликни ҳадисини олган, ўзи тиниб-тинчимайдиган Шаҳзоджон, корхона аъзоларидан ҳам шундай ҳаракатни талаб қиладиган одам. Шунинг учун ҳам пилла етиштириш борасида ҳам, касаначилик ва экспорт соҳасида

ҳам юксак натижаларни кўзлаб туну-кун ҳаракатда.

— Биз ёш тадбиркорларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, “Пайариқ ипаги” МЧЖ кластеримиз таркибида ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этдик. Мақсадимиз тармоқни янада кенгайтириш, туманимизда пиллачиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, — дейди Шаҳзоджон Ибрагимов.

Қаҳрамонимиз эндигина 28 ёшга кирган бўлса-да корхонада 30 кишига, кластер хўжалигида 20 нафардан зиёд ишчига бош-қош. Ўтган йили 2 млн доллардан ортиқ маблағга ипак маҳсулотлари

экспорт қилиб, ҳудуд иқтисоди ривожига ўз хиссасини қўшди. Бундан ташқари, Шаҳзоджон раҳбарлигидаги “Пайариқ ипаги” МЧЖ кластери шу йилги мавсумда тумандаги 450 фермер ва 3 мингдан ортиқ касаначи билан ҳамкорликда 316 тонна “қумуш тола” етиштирди. Мазкур хомашё ҳозир корхонада қайта ишланиб, экспортга ҳозирланмоқда. Келгусида режалар кўп, мақсадлар олий, зеро эртанги кунга бўлган ишонч бу ҳаракатларга заминдир.

Дарҳақиқат, Шаҳзоджон каби қаҳрамонларимизнинг журъати, шижоатининг бош асоси мамлакатимизда инсон манфъатига олий қадрият сифатида қаратилаётгани, яратилаётган янги имкониятлардир.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN